

**Зайнабидин АБДИРАШИДОВ
Нодира ЭГАМҚУЛОВА**

**МАҲМУДХЎЖА
БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ
«ОИИНА» ЖУРНАЛИ**



Тошкент – 2019

УЎК 821.512.133.09 (092)

КБК 83.3г (5Ў)

А 14

Абдирашидов, Зайнабидин

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали [Матн]: / 3.Абдирашидов, Н.Эгамқурова. – Тошкент: Muҳarrir nashriyoti, 2019. – 164 б.

ISBN 978-9943-5760-3-2

Ушбу китобда XIX–XX асрлар Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган Маҳмудхўжа Беҳбудий фаолиятининг айрим нукталарига эътибор қаратилган. Хусусан, Беҳбудийнинг устози муazzзам Гаспринский билан муносабатлари, «Ойина» журналининг муҳаррири сифатидаги ишлари шулар жумласидан. Илова сифатида Беҳбудийнинг янги топилган мақола ва хатлари, «Падаркуш»га ёзилган такризлар, «Беҳбудия кутубхонаси»га доир давр вақтли матбуотида берилган мақолалар эълон қилинмоқда.

Китоб миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти билан кизиқувчилар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК 821.512.133.09 (092)

КБК 83.3г (5Ў)

Масъул муҳаррир:

Сироқиддин АҲМЕДОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
санъатшунослик фанлари номзоди

Тақризчилар:

Баҳодир КАРИМОВ,

филология фанлари доктори, профессор

Сарвиноз СОТИБОЛДИЕВА,

филология фанлари доктори

*Рисола Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети Кенгашининг 2019 йил 30 майдаги 10-сонли
мажлиси қарори билан наширга тавсия қилинган.*

ISBN 978-9943-5760-3-2

© 3.Абдирашидов, Н.Эгамқурова

© “Muҳarrir nashriyoti”,

Тошкент, 2019.

ИЗДОШЛИК МАСЬУЛИЯТИ

XX аср бошлари ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий муҳити, ўз номи билан айтганда, жадидлар ҳаракати, жадид адабиёти жуда мураккаб, қизиқарли ва янгиликларга бой бир тарихий давр саналади. Бу замонда турмушнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз кўрсатди.

Жадид адабиёти билан шуғулланган тадқиқотчилар ўша маънавий муҳит об-ҳавосидан нафас олиб, эски ўзбек арабий имлосидаги манбаларни ўқиб, ўзини ўша зиё аҳлидан бирига айланганини сезмай қолади. Жадид адабиёти тарихи бўйича тадқиқот олиб борган катта-кичик олимлар маънавий дунёсида қандайдир тозариш кузатилади. Ўз обьекти аҳлининг умуминсоний, миллий, индивидуал идеялари билан уйғун яшаб, уларга хиёнат қиласлиқ, жадидларни ўйлантирган, қийнаган ижтимоий-маънавий, адабий-маърифий муаммолар ечимини уларга руҳан яқинлашиб излашдек изтиробли ҳаловатга эришиш, тўғриси, осон иш эмас. Бунинг учун ўша давр манбалари устида соатлаб кўз нурини тўкиш, ўз изланишлари бир кун келиб яхши самара беришига чин юракдан ишониш ва шу ишончда нина билан қудук қазишда давом этиш лозим бўлади.

Ўнлаб қалам эгалари, истеъоддли адилар, адабиёт тарихида ўз ўрнига эга адабий шахсиятлар шу жадидчилик ҳаракатлари талатўплари гирдобида етишиб майдонга чиқди. Уларнинг раҳнамо йўлбошчиси,

шубҳасиз, Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратлари эди. Беҳбудий ўз даврининг янги адабиётида, публистикаси, матбуоти, мактаби, театри, ноширлиги, умуман олганда, аср бошидаги миллий тафаккурнинг янгиланишида бекиёс хизматлар қилди. Тасаввуримизча, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг теграсидаги зиёлиларнинг қалб кўзи очиқ, ҳар жиҳатдан ҳушёр ва зийрак эди. Бу миллат фидойиларининг ишлари хусусида гапни анча-мунча узайтириш мумкин. Зеро, мақсад ҳисбот эмас, албатта. Гарчанд бу шонли давр тўғрисида махсус илмий тадқиқотлар бажарилган бўлса ҳам, ҳалигача манзара ёрқин, тиник, тугал эмас. Ношукурчиликка йўйилмасин. Бор, аммо етарли эмас. Жадид адабиёти бўйича бажариладиган ишлар кўп; қилинган ишларга қайта назар ташлаш, жадидлар фаолиятининг янги қирраларини очиш, қиёслаш, таснифлаш – буларнинг барчаси кун тартибida турибди...

Баҳога зарурат бўлса, гапим бошидаёқ айтиб қўяқолай – қўлимиздаги ушбу китоб давр ҳақиқатига яқинлашиш йўлида илгари ташланган яна бир зарурий қадамdir. Устоз-шогирд муаллифларни яхши танийман. Улар мавжуд манба ва маълумотларнинг стилистикасини ўзгартириб янгилик ўлароқ тақдим этадиган айrim “жадидшунослар” тоифасидан эмас. Уларнинг махсус каттайтиргич ойнакларда, айнан биринчи манбаларнинг чангини ютиб, улар устида кўз нурларини тўкиб ишлаганларига шахсан гувоҳман. Муаллифлар китобда Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг “Ойина” журналига қайта назар ташлайдилар; беҳбудийшуносликдаги маълум гапларни тақрорлаш йўлидан боришмайди. Аммо улар беҳбудийшуносларнинг илмий ишлари,

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали тадқиқотлари, адабий мақолалари – мавзу тарихини яхши биладилар. Улар ўз ишларининг қадрини ҳам яхши тасаввур қилишади, менимча.

Муҳтарам ўқувчи, шу эътибордан китоб мазмун-мундарижасига яқинроқ келинг. Аста-аста ўқишига ҳам киришинг. Шунда мустақиллик йилларида Исмоил Гаспринский ижодини синчилаб, қиёслаб холис ўрганган Зайнабидин Абдирашидовнинг илмий-адабий назарига дуч келасиз. Хусусан, олим бунда Гаспринский билан Беҳбудий муносабатларининг янги қирраларини очиб беради. Беҳбудий “Ойина”сида қайси хориждаги вақтли матбуот нашрларидан манбалар танлаб босди? “Таржимон”, “Улфат”, “Вақт” – бу рўйхатни анча давом эттиради муаллифлар.

Шу ўринда яна бир гап. Зайнабидин Абдирашидов Германия, АҚШ, Япония, Эрон, Миср каби мамлакатларда жадидлар бўйича қилинган ишларни яхши билади. Мавзуни очища бир нечта чет тилини пухта билиши қўл келган; чет элларда олиб борган илмий изланишлари самара берган, албатта. Бу тарихий даврни ўрганаётган мутахассис учун, Беҳбудий таъбира, “икки эмас, тўрт тил”ни билиши керак бўлади. З.Абдирашидов айни фазлдан ҳам бебаҳра эмас.

Китобнинг иккинчи муаллифи – Нодира Эгамқуловани талабалик йилларидан биламан: ўз ишига жиддий киришган, янгилик топишга чанқоқ, фикрчан, ҳаракатчан...

Китобда берилган ҳар бир манбага бирма-бир тавсиф беришга зарурат сезмадим. Бундаги таснифлар, журнал рукнлари, шеърларнинг жанрларига кўра ажратилиши китоб қадрини ошириши табиий.

“Илова”си учун табдил қилиб берилган мақолалар, адабий манбалардан аввалроқ хабар топганман;

кўрсаткич ҳам маъқул. Барчаси мاشаққатли меҳнат меваси. Муаллифлар меҳнатдан қочмайди. Яширишга на ҳожат?! Кўпинча ёшлар ва ҳатто баъзан улкан, номдор олимлар ҳам бирорларнинг тайёр ошига баковул бўлишади. Ёзган ишларига тайёр табдилни гўё ўзлари айнан биринчи манбани ўқигандек таассурот қолдирадиган ҳаволалар беришади. Образли таъбирга кўра, ўтин майдалаган болта унтилади. Назаримда, илмдаги бундай амаллар, юмшоқ, силлиқ қилиб айтганда, андишасизлик, қаттикроқ айтганда, адабий ўғрилик ёки илмий шарлатанликдан бошқа нарса эмас.

Хурматли ўқувчи! Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг “Ойина” журнали тўғрисидаги ушбу янги китоб сизлар учун яхши совға бўлишига ишонаман.

**Баҳодир Каримов,
филология фанлари доктори, профессор**

**Ҳақ олинур, берилмайдур!
Маҳмудхўжа Беҳбудий**

*Биздаги янгилик раҳбарларининг бири ва балки,
биринчиси, шубҳасиз Маҳмудхўжаса Беҳбудийдир.
Беҳбудий афанди уйғониш даври ва ўзбек адабиёти
тариҳида биринчи ўрунни олурға лойиқ бир зоттур.*

Ҳожи Муин

ХХ АСРНИНГ ИККИ БУЮК ИНТЕЛЛЕКТУАЛИ: МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ВА ГАСПРИНСКИЙ

Туркистонда “жадид” номини олган интеллигенция XX асрнинг биринчи 10 йиллигига шаклланди. Ушбу гуруҳнинг асосини Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Қўқон шаҳарлари ва атрофидаги маърифатпарварлар ташкил этди. Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулқодир Шақурий, Бухорода Садриддин Айний, Фитрат, Усмонхўжа, Қўқонда Ашурали Зоҳирий, Маҳмуджон Обидов кабилар ушбу “жадид” гуруҳининг марказида турди.

Юқоридаги гуруҳнинг шаклланишида Исмоил Гаспринскийнинг фаолияти, айниқса, у нашр қилган “Таржимон” газетаси мухим роль ўйнади. Жадидлар Гаспринский ва “Таржимон” газетаси билан XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида яқиндан таниша бошлиди. Рус Туркистонида зиёлилар “Таржимон”ни обуна орқали олган бўлсалар, Бухорода яширин йўллар билан келтириб ўқидилар. Туркистон жадидларининг Гаспринскийга бўлган муносабатини аниқлаш уларнинг ижоди ва фаолиятини батафсил

тахлил қилишни тақозо этади. Туркистанда узоқ йиллар давомида фаолият олиб борган татар зиёлиларидан Абдураҳмон Саъдий татар матбуоти, жумладан, Гаспринскийнинг Туркистанга таъсирини асосан бу ерда рационализм ғояларининг уйғонишида кўради.¹ Туркистанлик жадид вакилларидан Ҳожи Муин эса, туркистанлик жадидларнинг етакчиларидан бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг дунёқарашига бевосита “Таржимон” ва Гаспринскийнинг асарлари таъсир этганлиги ва унинг мусулмонлар аҳволини англаб етишида асосий омил бўлганлигини таъкидлайди.²

Маҳмудхўжа Беҳбудий туркистанлик жадидлар орасида Гаспринский билан мустаҳкам алоқа ўрнатган ва “Таржимон”да фаол иштирок этганлиги билан ажralиб туради. Газетанинг саҳифаларида унинг исми билан боғлиқ 34 мақола ва хабар учрайди. Уларни йиллар бўйича қарайдиган бўлсак, қўйидаги ҳолатни кўриш мумкин: 1904 – 1; 1905 – 1; 1906 – 4; 1908 – 3; 1909 – 2; 1910 – 2; 1911 – 1; 1913 – 15; 1914 – 6. Булардан 26 таси турли мазмундаги хабар, 4 мактуб, 2 мақола, 1 телеграмма, 1 Беҳбудий мақолосига тақриз ва муносабат.

Беҳбудий ўз фаолиятини шакллантиришда ва олиб борища бевосита Гаспринский йўлини тутган, деб айтиш мумкин. У биринчи бор 1899 йили ҳаж қилиш учун саёҳатга чиқади ва Истанбул, Қоҳира каби шаҳарларда бўлади. Америкалик тадқиқотчи Адип Холиднинг таъкидлашича, Беҳбудий айни шу саёҳат давомида Усмонийлар давлати ҳамда Мисрда халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар

¹ Саъдий, А. Беҳбудий ва унинг теграсига йигилган ёзувчилар // Туркистан, 1923, 10 декабрь.

² Муин, Ҳожи. Маҳмудхўжа Беҳбудий // Учқун, 1923, № 1.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали ва янгиликларни кузатиш баробарида ижтимоий соҳадаги ислоҳотларда етакчилик қилган шахслар билан ҳам мулоқот қилиш имконига эга бўлган. Орадан 8 ой вақт ўтиб, у Самарқандга қайтиши билан “Таржимон” газетасига обуна бўлди.³ Беҳбудийнинг 1899 йилги сафаридан “Таржимон” газетасига обуна бўлиб ўқий бошлаганлигини унинг яқин ҳаммаслаги бўлган Ҳожи Муин ҳам тасдиқлайди.⁴

Беҳбудийнинг публицистик фаолияти 1902 йили Туркистанда маҳаллий тилда чиққан расмий “Туркистан вилоятининг газети”дан бошланди. Гаспринский 1904 йилдаги Россия-Япония уруши муносабати билан “Таржимон”да мусулмонларни бу урушда иштирок этатётган рус ва мусулмон аскарларига ёрдам тариқасида пул, кийим ва озиқ-овқат йиғиб юборишга даъват қилиб бир неча мақола ёзди. Беҳбудий ҳам айни шу мавзуда “Туркистан вилоятининг газети”да кичик бир мақола эълон қилди. Унда Беҳбудий туркистанликларга мусулмонлар нима сабабдан рус аскарларига ва давлатига ёрдам беришлари кераклигини тушунтиради. Муаллиф ўз сўзларининг далили сифатида “газетларда ёзилиб” турган “Крим тарафидаги баъзи шаҳарликлар” пул ва кийим йиғиб юборганликлари воқеасини мисол келтиради.⁵ Беҳбудий “газеталар” деганида айнан “Таржимон”ни назарда тутади ва унда берилган хабар⁶-лардаги маълумотлардан фойдаланади.

Беҳбудийнинг “Таржимон”даги иштироки 1904 йилнинг сўнгидаги кўринади. Гаспринский билан Беҳбудий

³ Khalid, Adeeb. The politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Tsarist Central Asia. PhD. diss., University of Wisconsin-Madison, 1993. -P.80.

⁴ Муин, Ҳожи. Маҳмудхўжа Беҳбудий // Учқун, 1923, № 1.

⁵ Маҳмудхўжа муфтий валади Беҳбудхўжа хатиб. Письмо из Самарканда // Туркистан вилоятининг газети, 1904, №8.

⁶ Иона // Таржимон, 1904, №16.

орасидаги амалий ҳамкорлик айнан шу даврдан бошланди, дейиш мумкин. “Таржимон” идораси Россия мусулмонлари манфаатлари учун мўлжалланган турли тадбирларга ўз ўқувчиларини пул хайрия қилишга доим тарғибот ишларини олиб борган. Беҳбудий “Таржимон” идорасининг шундай мурожаатларидан бирига жавоб тариқасида Петербургда Бухоро амири Абдулаҳадхон ташабуси билан қурилаётган масжид ҳамда Самара вилоятидаги ташкил этилган қизлар мактабига хайрия тарзида пул юборади. Ва “Таржимон” идорасига йиғилаётган пулларни қай тартибда керакли жойларга юбориши ҳақида савол билан мурожаат қиласди. Гаспринский Беҳбудийга ташаккур билдиради ва саволига батафсил жавоб беради.⁷

Энг қизиқарлиси, Беҳбудий туркий тилни “Таржимон” газетаси воситасида ўргангандигини эътироф этади: “она тилим форсийдир, ёзган туркчамни руҳоний хожам “Таржимон” саҳифаларидан таҳсил этдим.”⁸ Беҳбудийнинг бу гапларидан хулоса қиласиган бўлсак, “Таржимон” газетаси ва унинг ношири Гаспринский унинг учун “хожаи руҳоний” вазифасини ўтаган ва барча ишларида унга ўрнак бўлган. Бу далил юқорида айтилган фикримизни, яъни Беҳбудий бевосита Гаспринский “йўли” билан юрганлигини ва унинг фикрларини тўлалигича қабул қилганлигини яна бир бор исботлайди.

“Таржимон” газетасининг Туркистон ўлкасидаги эътиборини “усули жадида номи билан ислоҳ қилинган ва очилган мактаблар муҳтарам “Таржимон” таъсирида алифбодан охирига қадар туркча дарс бериб, Туркистонда туркчанинг ёйилишига хиз-

⁷ Жавоб // Таржимон, 1904, №96.

⁸ Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа. Туркистонда мактаб лисони // Таржимон. 1909, № 14.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали мат қил⁹ ганлигида ҳам кўриш мумкин. Бу сўзлар ҳам Беҳбудийга тааллуқли. “Таржимон” ва Гаспринский фаолияти Беҳбудий эътирофича, Туркистонда жуда катта таъсирга эга бўлган. Беҳбудий Туркистондаги “барча муаллим, устод ва муовинлар “Таржимон” ёрдамида” туркий тилни ўргангандикларини ҳамда “Таржимон” воситасида чорак асрдан бери “замонавий янги адабиёт” билан танишиш, “маданий эҳтиёж”ларини тўла қондириш имконига ҳам эга бўлганликларини таъкидлайди.¹⁰ Беҳбудий туркий тил деганда Гаспринский таклиф этган умумтуркий адабий тилни назарда тутади.

Гаспринскийнинг туркий халқлар учун ягона адабий тил, немис олимаси Ингеборг Балдауф ибораси билан айтганда, “муроса шеваси”¹¹ яратишга бўлган ҳаракати унинг “миллат” концепцияси талқинининг маҳсули, деб ҳисоблаш мумкин. Гаспринскийга қўра, “миллат – бу дин ва тил бирлиги. Ушбу икки нарсадан бири йўқотилса” миллат ўзлигини йўқотади, инқизозга юз тутади.¹² Гаспринскийга қўра, барча миллатларнинг ўтмиши, келажаги дин ва тилга асосланган. Дин бирлиги қанчалик муҳим бўлса, адабий жиҳатдан тил бирлиги ҳам шу қадар муҳим ва бевосита тараққиёт воситаси ҳисобланади.¹³ Гаспринский тил бирлигини ўта муҳимлигини кўрсатиш мақсадида, ҳатто уни бошқа барча бирликларнинг боши ва негизи дара-

⁹ Юқоридаги манба.

¹⁰ Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа. Туркистонда мактаб лисони // Таржимон, 1909, № 21.

¹¹ Балдауф, Ингеборг. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. –Тошкент: Маънавият, 2001. –Б.38.

¹² Лисон масаласи // Таржимон, 1905, № 90.

¹³ Дил, дил, дил // Таржимон, 1905, № 103.

жасига олиб чиқди.¹⁴ Бу жиҳатдан олиб қараганда туркистонликлар орасида биринчи бўлиб Беҳбудий Гаспринскийнинг тил бирлиги ғоясини кенг тарғиб қилди ва қувватлади. Беҳбудий бу масала юзасидан Туркистон шаҳарларида ўзига хос сўровнома ва тажриба ҳам ўтказди. Умуман газета ўқимаган одамларга турли газеталарни ўқитиб эшиттирилган газеталар “тили” бўйича фикрларни жамлади. Беҳбудий ўтказган тажриба ва сўровномаси асосида туркистонликлар учун Гаспринскийнинг “Таржимон” газетаси, Абдурашид Иброҳимовнинг “Миръот” журнали ҳамда “Улфат” газетасининг тили кўпроқ тушунарли, деган хulosага келди. Ва “чорак асрдан бери миллатимизгатил, қалами, қалб қуввати билан хизмат қилган, янги матбуотимиз раиси ҳам отаси жаноб Исмоилбек ҳазратларига тил бобида эргашмоқ Россиядаги ҳамма муҳаррирларга лозим” эканлигини тавсия қилди. Бу билан Беҳбудий ҳам Гаспринский каби Россия мусулмонлари бирлигининг асоси ва негизида тил бирлиги бўлиши кераклигини яна бир бор таъкидлайди.¹⁵ Беҳбудийнинг бу фикрларини Гаспринскийнинг умуттуркий тил борасидаги қарашларининг тасдиғи сифатида кўриш мумкин.

Беҳбудий ягона тил борасида фикрларини давом эттириб, “...тил бирлигининг фойдалари жуда яхши маълум. Зоро, тил бирлиги дўстлик, муҳаббат, бирбирига ёрдам ва жисплашувнинг асоси” деган амалий хulosага келади. Мавлоно Румийнинг “Маснавийи

¹⁴ Исмоил. Умумий лисони адаб // Таржимон, 1906, № 37.

¹⁵ Ҳақиқат ҳар тарафдан зухур эдар // Таржимон, 1906, № 48. Беҳбудийнинг ушбу мақоласи “Улфат” газетасининг 1906 йил № 20 сидан олиб босилган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали маънавий” асаридан тил тӯғрисидаги байтларидан мисоллар келтиради ва Гаспринскийнинг бу борадаги ҳаракатларига Румийнинг фикрлари шараф беришини ёзади.¹⁶

Беҳбудий Туркистон учун туркий билан бир қаторда форсий тилнинг “ўрта шева”сини илгари суради. Бу таклифнинг амалий натижаси сифатида 1914-1915 йилларда Самарқандда Беҳбудий томонидан нашр қилинган “Ойина” журналини кўрсатиш мумкин. Балдауф Беҳбудийнинг бу ташаббусини ўз ўқувчилари билан ҳамфикр ва ҳаммаслак эканлигини билдириш ва кўрсатиш деб баҳолайди.¹⁷

Туркистонда икки тиллилик масаласини Беҳбудий “Ойина”ни чиқармасидан анча илгари, 1909 йили “Таржимон”га йўллаган мақоласида¹⁸ кўтарган эди. Беҳбудий туркий ва форсий тилнинг туркистонликлар учун аҳамиятли эканига эътибор қаратмоқчи бўлди ва иккала тилнинг мактаб таҳсилига киритилиши тарафдори эканлигини илгари сурди. Беҳбудий ўз фикрларини қўйидаги аргументлар билан исботлашга ҳаракат қилди: 1) Туркистондаги аксарият шаҳар аҳолиси туркий ва форсийда bemalol мулоқот қилади; 2) баъзи худудларда бу икки тилнинг қоришиқ шакли ишлатилади; 3) расмий идораларга аризалар туркийда ёзилади; 4) шаръий фатволар форсийда ёзилиб, туркийда қайд қилинади ва бу усулага бутун Туркистонда амал қилинади. Беҳбудий мақоласининг сўнгида ўзи келтирган исбот ва далилларга таянган ҳолда Туркис-

¹⁶ Беҳбудий, Маҳмудхўжа. Ваҳдати лисон – дил бирлиги // Таржимон, 1906, № 61.

¹⁷ Балдауф, Ингеборг. XX аср ўзбек... –Б.40.

¹⁸ Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа. Туркистонда мактаб лисони // Таржимон, 1909, № 14, 21.

тон мактабларида ҳам туркий, ҳам форсий бирга ўқитилиши мақсадга мувофиқ, деган хулоса беради.¹⁹

Беҳбудий 1905 йили Россия императори тарафидан эълон қилинган Манифест натижасида таълим соҳасидаги фаолиятини кенгайтиради ва сиёсий йўналишда ҳам биринчи қадамларини бошлияди. Ушбу даврда Россия мусулмонлари орасида турли сиёсий фикрдаги фирмалар пайдо бўлди ва бу жараён Россия мусулмонлар жамияти орасида сиёсий жиҳатдан парчаланишга олиб келди.²⁰ Россия мусулмонлари элитаси орасидаги ушбу бўлиниш Петербургдаги “Улфат” газетаси муҳаррири, қози Абдурашид Иброҳимов²¹ Бутунrossия мусулмонларининг II съездиди империя ҳудудидаги мусулмонлар истиқомат қиласидиган минтақаларга муҳторият берилиши талабини ёқлаб чиққанидан кейин бошланди. Абдурашид Иброҳимов ўз атрофига Қозоннинг ёшларини тўплади. Улар нашр этаётган ва ўзининг “Улфат”и орқали ўз сиёсий қарашларини кенг тарғиб қилди.²² Воқеаларнинг бутартибда кескин авж олишига қарши чиққанлардан бири Гаспринский эди. Гаспринский билан Абдурашид Иброҳимов орасига совуқлик тушди. Улар ўз нашрлари саҳифаларида бир-бирларининг

¹⁹ Юкоридаги манба.

²⁰ Из писем Гаспринского родным и близким. А. Топчибашеву. 11 сентября 1906 г. Бахчисарай. – Исмаил Гаспринский. Историко-документальный сборник. Ред. М. Госманов. Казань, 2006. –С.116-117.

²¹ Абдурашид Иброҳимов (Рашид қози, 1857-1944) – диний уламо, публицист, ношир. Петербургда чиққан “Миръот” (1900-1908) альманахи ва “Улфат” (1906-1907) номли газета муҳаррири. Россия мусулмонлари съезди ва сиёсий тузулмаси ташкилотчиларидан бири.

²² Хабутдинов, А. Первый татарский политик. Рашид Ибрагим // <http://kitap.net.ru/habutdinov5.php> 21.01.2009.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали фикрларини танқид этувчи мақолалар бера бошладилар.²³ Абдурашид Иброҳимов ҳамда Қозон ёшларининг етакчиларидан бўлган Аёз Исҳоқий атрофида жамланган ёш мусулмонлар орасида социалистлар пайдо бўлди ва улар ўзларини “социалист-автономистлар” деб атай бошлади. Асосий мақсад ва ғоялари бўлган “хуррияти шахсия”ни тарғиб қилдилар. Ушбу мақсадларига қарши бўлганларни (масалан, Фотих Каримий, Исмоил Гаспринский) нодонликда айбладилар.²⁴

Гаспринский Абдурашид Иброҳимовдан фарқли равищда, биринчи навбатда, мусулмонлар учун фақатгина диний муҳторият берилиши ва мусулмонлар ўз диний, ўқув ишларини диний муҳторият асосида ташкил этиладиган “Маҳкамаи шаръий”лар воситасида бошқаришини назарда тутувчи сиёsat тарафдори эди. Гаспринский сиёsat соҳасидаги ишларни тадрижий тарзда олиб боришини ёқлаб чиқди. Фотих Каримий унинг бу даврдаги сиёсий фаолиятига баҳо берар экан, Гаспринский “сиёсий инқилоблар вақтида мусулмонлар учун мўътадил бир йўл таъқиб этиш хусусида хизмат қилганларнинг бири” бўлганини таъкидлайди.²⁵ Исмоил Гаспринский ва унинг маслақдошлари ҳар бир миллат юридик шахс мақомида бўлиши ҳамда ўз иқтисодий муассасалари (банклар, кооперативлар ва бошк.), автономлашган таълим ти-

²³ Abdirashidov, Z. Tatar hayatindan bin ikinci gece yahut kadî'nin iftirasi // Türk Dili ve Edebiyatı Arastırmaları Dergisi Sayı / Number: 14, Ocak / January 2008. –S.199-200.

²⁴ Исҳакый, Гаяз. Әсарләр. Үн биш томда. 6. Публицистика һәм әдәби тәнкыйть мәкаләләр (1902-1914). Казан: Татаристан китап нәшрияты, 2005. –Б.27-30, 55-58.

²⁵ Исмоилбек Гаспринскийнинг вафоти // Туркистон вилоятининг газети, 1914, № 73. Ушбу мақола “Вақт” газетасидан олиб босилган.

зими, маданий ва хайрия ташкилотларига, шунингдек, сиёсий структурасига эга миллий-маданий мухторият концепциясини илгари сурди.²⁶ 1905 йил 15 август куни Макарья ярмаркасида (Нижний Новгород) Бутунrossия мусулмонларининг I съездиде бўлиб ўтди. Унда мусулмонларни бирлаштириш ва “Иттифоқ ал-муслимин” Бутунrossия мусулмон ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. “Иттифоқ” партияси ҳамда мусулмон либералларнинг сайловолди дастурларининг тўлиқ шаклланиши 1906 йил январь ойида Санкт-Петербургда бўлиб ўтган Бутунrossия мусулмонларининг II съездиде амалга ошиди.²⁷ Съезд “Иттифоқ” дастурини тўлалигича муҳокама қилди. Дастур барча динлар ва миллатлар tengлигини таъминловчи конституциявий давлат яратишни мақсад қилган эди. Қонунчилик ва суд ҳокимиятининг ташкилий жиҳати кадетлар партияси дастурига ҳамоҳанг бўлиб, никоҳ, талоқ ва мерос масалалари билан шуғулланиш шариат судлари зиммасида қолдирилди. Меҳнат ва ер масалалари ҳам кадетлар дастурига мос бўлиб, фақатгина ер фонди маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари назорати остига ўтиши кўзда тутилганди. Дастурнинг “маҳаллий мухторият” қисми алоҳида эътиборга молик. Унга кўра, давлатнинг барча ҳудуди вилоятлар, шунингдек, ундан қўйи даражадаги ҳудудий бирликларга бўлинниши; мажлислар (вилоятларнинг вакиллик органлари) ўз ваколатлари доирасида қонунлар чиқариш ҳуқуқига эга бўлиши; умумдавлат миқёсидаги қонунлар бажарилишини на-

²⁶ Хабутдинов, А. Татарское общественное движение в российском сообществе (конец XVIII – начало XX века). Диссертация на соискание ученой степени доктора исторических наук. Казань, 2002. –С.87.

²⁷ Улфат, 1905, 22 декабрь.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали зорат қилиш марказдан тайинланган мансабдорларга топширилиши; вилоят аҳолисининг асосий қисми сўзлашадиган тил унинг расмий тили сифатида тан олиниши, бироқ бошқа барча миллатлар ҳам ўз она тилларида таълим ва публицистик фаолиятни амалга оширишга ҳақли бўлиши керак эди. Худудий Мухторият эса Усмонли давлатидаги миллатлар тизими намунасидағи диний автономия сифатида талқин қилинди. Мусулмонларга диний марказлар ташкил қилиш, диний уламоларни сайлаш ва мусулмон жамиятларини шакллантириш хуқуқи берилиши ҳам назарда тутилди. Бунга мувофиқ, мактаб, мадраса, масжид, муқаддас қадамжо, хайрия ва вақф муассасалари ташкил этиладиган муассасалар назоратига ўтиши керак эди. Мусо Бегиев дастурга ёзилган муқаддимада унинг шариат асосларига мос эканлигини таъкидлади.²⁸

Беҳбудий Гаспринский таклиф этган йўналишдан бироз фарқли “Туркистон маданий мухторияти” лойиҳасини ишлаб чиқди ва уни муҳокама қилиш учун давлат Думасидаги мусулмон фракциясига йўллади. Ушбу лойиҳа бир неча йил олдин Гаспринский-нинг Истанбулга олиб кетилган архивидан топилди.²⁹ Беҳбудий лойиҳани Думага киритишдан олдин Гаспринскийнинг маслаҳатини олиш мақсадида унга юборган қўринади. Ушбу лойиҳа Давлат Думасига юборилган ёки юборилмаганлиги номаълум.

Россия мусулмонларига “маданий мухторият” ма-

²⁸ Умумий маълумот учун қаранг: Топчибашев, Алимардан. Россия мусулманлари иттифақининг программаси. СПб., 1906.

²⁹ Hablemetoğlu, Necip / Kocaoğlu, Timur. Behbudi'nin Türkistan Medeni Muhtariyeti Layihasi. – Kocaoğlu, Timur (ed.). The Reform Movements and Revolutions in Turkistan (1900-1924). SOTA, Haarlem, 2001.–P.436-466.

саласи Европа социалистлари таълимотидан кириб келди. Ислоҳотчилар Австрия империяси каби ривожланган шаклга эга демократик Россия империясини кўришни истарди. Бу тизим ўша пайтда Россияга нисбатан анчайин либерал сиёсат юритган Австрия империяси томонидан кам сонли миллатларга асосий фуқаролик хуқуқларини кафолатлар эди. Социал-ислоҳотчиларнинг бундай позицияси Австрия социал-демократик партиясининг сиёсий платформасида ўз аксини топган бўлиб, сиёсий бошқарувнинг бундай шакли илк маротаба австриялик марксист Отто Бауэр³⁰ томонидан “маданий-миллий мухторият”³¹ лойиҳаси кўринишида таклиф қилинганд. Россияда амалиётга татбиқ этилиши кўзда тутилаётган ушбу тизим бир империя доирасида фуқаролик тенглик ҳамда империя қўл остидаги халқлар ўртасида федерализм шаклини жорий қилиш имконини бериши мумкин эди.³²

Гаспринский ўз фаолиятида бошдан охиргача ўта либерал позицияда ҳаракат қилди. Унинг бу позицияда фаолият олиб борганлигини Россия империясининг мусулмонларга нисбатан олиб борган сиёсати билан бевосита боғлиқ эканини айтиб ўтиш лозим.³³ Гаспринский 1905 йилдан сўнг бундай позицияда тур-

³⁰ Bauer, Otto. Die Nationalitätenfrage und die Sozialdemokratie. Vienna: Ignaz Brand, 1907.

³¹ Умумий маълумот учун, қаранг: Davis Horace B. Nationalism and Socialism: Marxist and Labor Theories of Nationalism to 1917. New York/London: Monthly Review Press, 1967.

³² Blaut, James M. The National Question. Decolonizing the Theory of Nationalism. London/New Jersey: Zed Books Ltd., 1987.–P.146.

³³ Гаспринский “Таржимон” газетасини чиқара бошлаган вақтидан империя цензорлари таъқибларига учрагани ва бу таъқибларнинг орқасида Н.Ильминский турганини 1905 йилдаги Манифест берган сўз эркинлиги давридагина айта олди. Бу ҳақда қаранг: Мактуботи хуфя. // Таржимон, 1905, № 108.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали гани сабабли кўплаб ёшларнинг танқидига учради. Танқидчиларнинг назарида унинг газетаси мавқеи тушди. Аслида эса, “Таржимон”нинг мавқеи ҳеч тушмай, айрим ҳудудларда обуначилари кўпайди.³⁴ Гаспринский танлаган бу йўл бир жиҳатдан ўзини оқлади. Орадан бироз вақт ўтиб, ҳукумат мусулмонлар орасида пайдо бўлган турли радикал сиёсий ҳаракатларга барҳам берди. Кўп нашрлар беркитилди. Сиёсий майдонга отилиб чиққан ёш мусулмон лидерлар мамлакатдан кетишга мажбур бўлди. Беҳбудий фаолиятининг таҳлили сиёсий жиҳатдан ҳам “устод” и Гаспринский изидан кетганини кўрсатади.

Беҳбудийнинг сиёсатга доир назарий қарашлари унинг “Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия” дарслигида, “Дума ва Туркистон мусулмонлари”, “Хайр ул-умури авсатуҳа”, “Муҳтарам Самарқандийларға холисона арз” ва шу каби мақолаларида ўз ифодасини топган. Хусусан, “Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия” дарслигида Беҳбудий дунёда мавжуд бўлган давлат бошқаруви усуслари ҳақида муфассал маълумот беради.³⁵ Гаспринский “Таржимон”нинг илк йилларида ўқувчиларини айни масала билан таништирган эди.³⁶ Беҳбудийнинг “Идораи мустақила”, “Идораи машрута”, “Идораи жумҳурият” ва “Миллат мажлиси” борасидаги таърифлари Гаспринский таърифлари билан жуда яқин.

Беҳбудий XX аср бошидаги Туркистоннинг йирик

³⁴ Тил ва лисон иили // Таржимон, 1906, № 142.

³⁵ Беҳбудий, Маҳмудхўжа. Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий. – Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Қосимов) 3-нашри. –Тошкент: Маънавият, 1999. –Б.243-245.

³⁶ Турли усули ҳукумат (ва Ингилттарра миллат мажлиси) // Таржимон, 1885, № 25.

сиёсий арбоби³⁷ сифатидаги қарашлари Гаспринский фикрлари билан ҳамоҳанг бўлганлигини яна бир далили сифатида унинг социализмга бўлган муносабатида кўринади. Беҳбудий ўша йиллари социалистик таълимотни кескин рад этган Бутунrossия мусулмонларининг партияси “Иттифоқ ал-муслимин” ва ушбу партия биргаликда фаолият олиб боришга келишган кадетлар партияси қарашларини маъқул кўрган.³⁸ Б.Қосимовнинг фикрича, Беҳбудийнинг социалистик таълимотга қарши фикрлари устози Гаспринскийнинг “Мазҳаби иштирокион”ни қаттиқ танқид қилган асарлари³⁹даги мулоҳазалари⁴⁰та таянади. У ҳам Гаспринский каби социализмни зўравонлик ҳисоблади, ижтимоий тенгликниadolatsizlik деб билди.⁴¹ Беҳбудийга кўра, социалистик мафкура нафақат фойдасиз, балки жуда заарли. Социалистларнинг оила, шахс ва ижтимоий тенглик борасидаги фикрлари мусулмонлар учун шариат юзасидан умуман тўғри келмайди.⁴²

Б.Қосимов империя мусулмонлари, хусусан, Туркистон ўлкасининг тараққий миллат қаторига

³⁷ Қосимов, Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. –Тошкент: Маънавият, 2002. –Б.227.

³⁸ Беҳбудий. Хайр ул-умури авсатуҳа // Хуршид, 1906, № 6.

³⁹ Гаспринскийнинг социализм ва унинг идеологияси ҳақидаги фикрлари билан батафсил танишиш учун қаранг: Гаспринский, Исмоил. Оврупо маданиятина бир назари мувозана. Константиния: Матбааи Абуззия, 1302; Социализм ёки мазҳаби иштирокион. // Таржимон, 1906, № 5; Мазҳаби иштирокион (асарлариндан ижмолан истихрож). // Таржимон, 1906, № 62, 64-66; Иштирокионин қавоиди аслиялари. // Таржимон, 1906, № 67; Исмоил. Мазҳаби иштирокион. // Таржимон, 1906, № 68, 69, 70, 72, 74, 75, 76.

⁴⁰ Қосимов, Б. Исмоил Гаспринский ва Маҳмудхўжа Беҳбудий. –Исмоил Гаспринский ва Туркистон. –Тошкент: Шарқ, 2005. –Б.40-52.

⁴¹ Юқоридаги манба. –Б.50.

⁴² Беҳбудий. Хайр ул-умури авсатуҳа // Хуршид, 1906, № 6.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали
қўшилиши ва охир-оқибат мустақилликка эришиш йўлидаги курашда Беҳбудийни Гаспринский билан бир маслакда бўлганини таъкидлайди. Бу маслак Гаспринский таклиф этган “муроса йўли” бўлиб, русларнинг ҳамда уларнинг маданияти ютуқлари ёрдамида маърифатга эришиш, ва энг асосийси, бу йўлда миллий хусусиятларни йўқотмасликни талаб этади.⁴³ Гаспринский бу ҳақдаги фикрларини 1881 йили нашр этган “Русское мусульманство” номли асарида илгари сурган ва кейинги фаолияти учун дастур сифатида қабул қилган эди. Беҳбудийнинг рус тилини ўрганиш ва рус маданиятидан истифода этиш борасидаги фикрларини унинг кўплаб мақолаларида учратиш мумкин.⁴⁴

Беҳбудий Туркистон халқларининг тараққиётини фақат таълим эмас, балки унинг сиёсий мавқеи тўла ўзгаришига боғлиқлигига кўрди.⁴⁵ Беҳбудийга кўра, ҳар бир миллат ўз ҳақ-хуқуқини сиёсий ҳаракатлар ва бирдамлик билан қўлга киритиши мумкин.⁴⁶ Беҳбудийнинг сиёсий қарашлари бу жиҳатдан Мунавварқори фикрларидан кескин фарқ қиласиди. Мунавварқори миллат ҳақуқини қўлга олиши учун қонли кураш олиб бориши тарафдорларидан эди.⁴⁷

Беҳбудий Гаспринский фаолиятига жуда юқори

⁴³ Қосимов, Б. Исмоил Гаспринский ва Маҳмудхўжа Беҳбудий... – Б.42.

⁴⁴ Масалан, қаранг: Маҳмудхўжа. Икки эмас, тўрт тил лозим // Ойина, 1913, № 1; Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа. “Мунозара” ҳақида // Туркистон вилоятининг газети, 1911, № 73.

⁴⁵ Алимова, Д., Рашидова, Д. Махмудходжа Беҳбудий и его историческое восприятие. –Ташкент: Маънавият, 1998. –С.16.

⁴⁶ Беҳбудий. Ҳақ олинур, берилмас // Ҳақиқат, 1917, № 22.

⁴⁷ Мунавварқори. Ҳуррият берилмас, олинур // Нажот, 1917, № 15.

баҳо беради. Унга “устод”⁴⁸, “хазрат”⁴⁹, “мухлисингиз”⁵⁰ каби сўзлар билан мурожаат қилади. Ўз навбатида Гаспринский ҳам Беҳбудийни “фазилатлу муфтий”⁵¹, “уламойи мунаавварадан”⁵², “уламойи асириондан самарқандли муфтий”⁵³ каби эпитетлар билан таърифлайди. Беҳбудий Гаспринский билан бир неча маротаба кўришди. Уларнинг биринчи учрашувлари қачон ва қаерда бўлганига далиллар йўқ. Шундай бўлсада, уларнинг биринчи учрашувлари 1906 йил 15 августда Нижний Новгородда ўтган Бутунrossия мусулмонларининг III съездидан бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Айрим тадқиқотларда уларнинг биринчи учрашуви Беҳбудийнинг 1904 йилдаги Россия бўйлаб қилган саёҳати давомида бўлганлиги ҳам таъкидланади.⁵⁴ Лекин бу фактни тасдиқловчи далиллар йўқ. Беҳбудий съездда иштирок этиш учун Оренбург, Москва, Петербург ва Қозон шаҳарлари орқали Нижний Новгородга боради.⁵⁵ А.Пясковскийга кўра, Беҳбудий ушбу съездда туркистонлик вакилларнинг бошлиғи сифатида қатнашди ва Туркистондаги вазият ва мусулмонлар аҳволи борасида маъруза қилди.⁵⁶ Съездда қатнашган туркистонликлар делегацияси

⁴⁸ Махмудхўжа бин Беҳбудхўжа. Туркистонда мактаб лисони // Таржимон. 1909, № 21.

⁴⁹ Самарқанд қозиларидан Беҳбудий. Ҳақиқат ҳар тарафдан зухур эдар // Таржимон, 1906, №48.

⁵⁰ Махмудхўжа бин Беҳбудхўжа. Туркистонда мактаб лисони // Таржимон. 1909, № 21.

⁵¹ Исмоил. Бир таклиф ёки сарт сўзи мажхулдир // Таржимон, 1911, № 42.

⁵² Исмоил. Бухорода на кўрдим? // Таржимон, 1908, №

⁵³ “Самарқанд” ғазетаси // Таржимон, 1913, № 92.

⁵⁴ Алимова Д., Рашидова Д. Махмудходжа Беҳбудий... –С.23.

⁵⁵ Махмудхўжа Беҳбудий. Қасди сафар. // Ойина, 1914, № 31.

⁵⁶ Пясковский, А.А. Революция 1905-1907 годов в Туркестане. Москва, 1958. –С.559.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали
сьезд президиуми аъзоларига зиёфат берди ва зиёфат давомида Туркистонга оид турли масалалар муҳокама қилинди. Гаспринский зиёфат давомида муҳокама қилинган масалалардан биттасини алоҳида кўрсатиб ўтади ва: “Туркистон вилоятида вақф, мактаб ва мадраса ишлари ислоҳга муҳтожлиги ҳамда диний ишлар вилоят бошқарма (областной правления)лар тасарру-фидан ҳамда инспекторларнинг аралашувидан холи қилиниб, бу ишларни бошқариш учун “маҳкамаи исломия” таъсиси зарур”лиги биринчи даражали вазифалардан эканлиги мажлис иштирокчилари тарафидан маъқулланганлигини айтади.⁵⁷ Бу юқорида айтиб ўтилганидек, Гаспринский илгари сурган автоном тузилманинг бир қисми эди. Гаспринскийнинг режасига кўра Россия мусулмонлари учун бундай “маҳкамаи шаръиялар” тўрт ерда ташкил қилиниши ва уларни бирлаштирувчи умумий идораси бўлиши керак эди.⁵⁸

И Давлат Думасидан сўнг Туркистондан депутат сайланиши таъқиқланди. Бу таъқиқ думада Туркистонга оид масалаларнинг муҳокамасини деярли четта чиқариб қўйди. Туркистонликлар сиёсий масалалар муҳокамасидан ажратилиб қўйилди. Думадаги мусулмон фракцияси туркистонликларнинг асл ҳолатларини ва истакларини билиш учун вилоятга ўз вакилларини юборишга қарор қилди. 1910 йили Садри Мақсадий ана шу масала юзасидан Туркистонга сафар қилди. Лекин маҳаллий рус маъмуриятлари аҳолини у билан учрашиб, мажлис ўтказиш ва ўз муаммоларини муҳокама қилишга рухсат бермади. Шу сабаб С.Мақсадий ўз сафари давомида фақатгина

⁵⁷ Туркистон ишлари // Таржимон, 1906, № 100.

⁵⁸ Хабутдинов, А. Татарское общественное движение в российском сообществе (конец XVIII – начало XX века). Диссертация на соискание ученой степени доктора исторических наук. Казань, 2002. –С.116.

расмий маъмурият вакиллари билан учрашиб, вақф, мактаб, ер, солиқ, қозилик ишлари ҳамда мусулмонларнинг расмий таътил кунларига оид масалаларни муҳокама қилиш билан чекланди. Беҳбудийнинг маълумотига кўра, аҳоли депутат билан бир мажлис ўтказиш учун Самарқанд шаҳар полисмейстрига мурожаат қилган, лекин рухсат берилмаган. Шу сабабдан, Беҳбудийга кўра, “шаҳарнинг кўрқоқ бойлари” С.Мақсадий билан кўришиш ва сухбат қилишга журъат қила олмаганлар.⁵⁹ Туркистонликларнинг бу камчиликлари туфайли юқорида айтилган масалалар ўз ечимини топмади. Беҳбудий 1917 йили ҳам айни “маҳкамай исломия” масаласини яна кун тартибига қўйгани бунга далил бўлади.⁶⁰

Гаспринский мусулмонларнинг сиёсий ҳақлари ўз қўлларига берилган тақдирда ҳам рус тили, рус қонунлари ва энг асосийси, замонавий билимларни яхши билмаслик бу имкониятни йўқ қилиши ва “бир рус тўраси 40 муллани қўй каби” орқасидан олиб юришда давом этишини уқтиришга, маҳаллий мусулмонлар кўзини очишга ҳаракат қиласиди.⁶¹

Беҳбудий эълон қилган мақолаларининг аксарияти Гаспринский бир умр таъқидлаган илм, касб, тил ўрганиш ва маърифатли бўлишга чақиради. Бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Унинг “Саёҳат хотиралари”дан тортиб “Ойина”, “Самарқанд” ва бошқа нашрлардаги мақолаларининг асоси маърифатга тарғибдир. Беҳбудий ҳам Гаспринский каби бу йўлда осонликдан қийинликка қараб юрди.

⁵⁹ Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа. Самарқанддан мактуб. // Таржимон, 1910, № 41.

⁶⁰ Алимова, Д., Рашидова, Д. Маҳмудходжа Беҳбудий и его историческое воззрение. –Ташкент: Маннавият, 1998. –С.20.

⁶¹ Туркистон ишлари // Таржимон, 1906, № 100.

Гаспринский газета нима⁶² эканлиги ёки мусулмончиликда расм⁶³ каби масалаларни тушунтирас экан, Беҳбудий ҳам худди шу йўл билан ўз ўқувчиларини газета⁶⁴ билан бир қаторда айрим илмий истилоҳлар, география⁶⁵, ер⁶⁶ ва бошқа турли мавзуларни тушунтиришга уринди. Айниқса, Беҳбудий билан Гаспринскийдаги бу каби фикрий уйғунликлар адабий танқид ҳамда театр масалаларида жуда яққол кўринади. Гаспринскийга кўра, “бир адабий асарнинг ва баъзан бир инсон ишининг моҳиятини очадиган мулоҳаза ва мутолаага “танқид”⁶⁷ деб қаралса, Беҳбудий эса “саррофлар пулни, тужжорлар матоҳни саралаганидек, муҳаррирлар ҳам умумий ҳол ва майшатга тааллуқли нарсаларни саралайдиларки, бошқа сўз билан “танқид” аталади”⁶⁸ деб таъриф беради. Уларнинг бу масаладаги фикрларининг давомида ҳам айни уйғунликни кузатиш мумкин. Гаспринский театрнинг моҳиятини тушунтирас экан, “театр бу бир сайдир ва тамошохонадирки, бор ва бўлган нарсаларни ҳам, бўлмаган ҳолларни ҳам баён қиласиди”⁶⁹ дейди. Яна бир жойда эса “театр ҳунари буюк ҳунардир. Театрхона – ибрат майдони, балоғат ва фасоҳат мактаби”⁷⁰ эканлигини ёзади. Беҳбудий ўз навбатида “театр ваъз ва танбех қиласидиган ҳамда зарарлик одат, урфнинг ёмон ва заарини айнан

⁶² Газета надир? // Таржимон, 1883, № 2.

⁶³ Расм, шакл ва план // Таржимон, 1898, № 47.

⁶⁴ Беҳбудий. Газета надур? // Тужжор, 1907, 11 ноябрь; Маҳмудхўжа. Газета чист? // Самарқанд, 1913, 3 май.

⁶⁵ Маҳмудхўжа. Жўғрофиё чист? // Ойина, 1913, №№ 2, 3, 5; Маҳмудхўжа. Тарих ва жўғрофия. // Ойина, 1914, №№ 27, 28.

⁶⁶ Маҳмудхўжа. Ер // Ойина, 1913, №№ 10, 18.

⁶⁷ Исмоил. Танқид ёки ўлчов. // Таржимон, 1895, № 44.

⁶⁸ “Ойина”. Танқид сараламоқдур. // Ойина, 1914, № 32.

⁶⁹ Мулла Аббос. Фарангистон мактублари // Таржимон, 1887, № 4

⁷⁰ (Таржимон). [Машааллох...]. // Таржимон, 1884, № 29.

кўрсатади. Ҳеч кимни аямайди”⁷¹ каби фикрлар билан уни тушунтиради. Беҳбудийга кўра, театр тараққиётнинг биринчи сабабларидан бири.⁷²

Беҳбудий Гаспринский билан кейинги йилларда ҳам бир неча маротаба кўришди. Гаспринский 1908 йили Туркистонга сафар қилас әкан, Самарқандга келганида тўғри Беҳбудий ташкил этган мактабга борди. Мактабнинг бош муалими Абдулқодир Шакурий ҳамда мактаб фаолияти билан яқиндан танишди.⁷³ Беҳбудийнинг уйида меҳмон бўлди.⁷⁴

Уларнинг яна бир учрашувлари 1912 йил Истанбулда бўлди.⁷⁵ Ушбу учрашувнинг мавзуси Туркистоннинг сиёсий жиҳатдан тузилмаси ва бошқарув усули ҳақида бўлганлиги Чор охранкаси билдирув қоғозларидан кўринади. Маълум бўлишича, Гаспринский ҳам Беҳбудий ҳам учрашувга келган бошқа туркистонликларнинг вилоятда республика типидаги бошқарув усули ҳақидаги ташаббусларини қўллаб-қувватламаган.⁷⁶ Ушбудан “устод” ва “шогирд”нинг сиёсий масалада ҳамфирлиги яна бир бор кўринади. Гаспринский сиёсий масалаларда ўта эҳтиёткор бўлиб, ҳеч қачон шошмаслик ва ҳар бир

⁷¹ Маҳмудхўжа. Театр надур? // Ойина, 1914, № 29.

⁷² Юқоридаги манба.

⁷³ Исмоил. Бухорода на кўрдим? // Таржимон, 1908, № 21.

⁷⁴ Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа. Туркистонда мактаб лисони // Таржимон. 1909, № 21. Гаспринскийнинг 1908 йили Туркистонга қилган сафардан мақсади ва Беҳбудий билан учрашувига оид фикрлар билан батафсил танишиш учун, қаранг: Абдирашидов, З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи, отношение, влияние. Ташкент: Akademnashr, 2011. –С.225-229.

⁷⁵ Турдиев Ш. Роль России в подавлении джадидского движения (по материалам архива СНБ Узбекистана). http://www.ca-c.org/journal/13-1998/st_15_turdiev.shtml 15.08.2008 20.02.2007.

⁷⁶ Юқоридаги манба.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали ишнинг вақти келгунга қадар замин ҳозирлаш каби-лар билан чегараланди.⁷⁷

Улар яна бир бор ва охири марта 1914 йил ёз ойла-рида Истанбулда кўришдилар. Учрашув Беҳбудийнинг Шарқ мамлакатлари бўйлаб қилган иккинчи саёҳати⁷⁸ бошларида, Беҳбудийга кўра, тасодифан бўлган. Балки, тасодифий ҳам бўлмагандир. У вақт “Таржимон”нинг муҳаррири бўлган Гаспринскийнинг ўғли Рифъат Гаспринский Беҳбудий билан Кримда кўришади ва Одесса шаҳрида уни Истанбулга кузатиб кўяди.⁷⁹ У отаси ҳақида Беҳбудийга маълумот бергани аниқ. Гаспринскийнинг Беҳбудий бу учрашувда “устод ҳазратлари билан етти соат танҳо сұхбат” қилганлигидан жуда мамнун эканлигини ёзган эди. Беҳбудий орада бўлиб ўтган сұхбат мазмунини кенг ёритмайди. Умумий тартибда Туркистоннинг аҳволи, мактаб, газетачилик, дунё мусулмонлари ҳақида кеч-ганлигини айтиб ўтади.⁸⁰

Албатта сұхбат мавзуси ўша вақтда Давлат думасида мусулмонларга оид муҳим масалалар муҳокамаси юзасидан бўлгани аниқ. Бу масалалар мусулмонлар учун ўта муҳим бўлганлигидан Бутунrossия Мусул-монларининг IV съездини ўtkазиш, иш ва кейинги қилинадиган ҳаракатлар юзасидан бир ечимга келиш муҳим эди. Бу йиғиннинг ташкилий ишлари 1914 йилнинг бошларидан бошланган эди. Гаспринский ҳам ана шу йиғин ташкилотчиларидан бири сифати-

⁷⁷ Амирхон, Фотих. Улуғ миллатчи ҳаққинда кичкина бир хоти-ра. – Исмаил Гаспринский. Историко-документальный сборник. Ред. М.Госманов. Казань, 2006. –С.232.

⁷⁸ Маҳмудхўжа. Қасди сафар // Ойина, 1914, № 31.

⁷⁹ Муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий // Таржимон, 1914, № 129.

⁸⁰ Маҳмудхўжа. Исмоилбек ҳазратлари ила сұхбат // Ойина, 1914, № 49.

да бир неча бор Мусулмон фракцияси аъзолари билан кўришган ва съездда иштирок этиши лозим эди. Бундай таклиф Туркистон вакили сифатида қатнашиш учун Беҳбудийга ҳам келган эди. Беҳбудий сафарга чиқиши сабабли унга келган саволномага батафсил жавоб ёзиб Дума Мусулмон фракциясига юбориш билан чекланди.⁸¹ Уларнинг иккиси ҳам суҳбат давомида Бутунrossия мусулмонларининг 4-съезди ишида иштирок эта олмаганларидан жуда афсусланади.⁸²

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Беҳбудий назарида Гаспринский “миллатни уйғотиш, дунёдан, сиёsat оламидан, маданий миллатлар ҳолидан хабардор қилиш учун... 35 йил меҳнат қилган. ...ҳар ерда мусулмонларни замонавий маданият, илм-фан, саноат, тижорат ишларига ва рус маданиятига тарғиб қилган” шахсdir. Беҳбудий нафақат ўзини, балки “Россиядаги минглаб янги усул мактаблари муаллим ва ўқувчилари, собиқан нашр бўлган ва ҳозирда нашр бўлаётган мусулмон газета ва журналлари муҳаррир ва мудирлари”ни ҳам унинг бевосита шогирдлари сифатида кўрди. Гаспринскийни “устози муazzam”, яъни буюк устоз деб билди.⁸³

⁸¹ Маҳмудхўжа. Қасди сафар // Ойина, 1914, № 31; Муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий. // Таржимон, 1914, № 129.

⁸² Маҳмудхўжа. Исмоилбек ҳазратлари ила суҳбат // Ойина, 1914, № 49.

⁸³ Маҳмудхўжа. Исмоилбек ҳазратлари // Ойина, 1914, № 50.

“БЕҲБУДИЯ КУТУБХОНАСИ”

Туркистон жадидлари орасида катта шуҳрат қозонган ва уларнинг кўзга кўринган яловбардор вакили “Маҳмудхўжанинг оти Туркистон тарихида зийнатлик мумтоз ўрун олишга муносиб бир отдир”⁸⁴. Маҳмудхўжа Беҳбудий жадидчилик ҳаракатининг раҳбари сифатида халқ учун манфати бор амалий ишлар билан қизғин шуғулланди: жадид мактаблари ташкил этишда бош-қош бўлди, театр санъатига асос солди, газета-журнал чоп қилди, нашриёт ҳамда кутубхона ташкил этди. У сиёсий, маърифий-маданий, иқтисодий-ижтимоий соҳаларда бирдек хизмат қилди. Эътиборлиси, Беҳбудий ўз фаолият нуқталарини бир-бири билан туташтирган ҳолда амалга оширган.

“Беҳбудия кутубхонаси” Беҳбудийнинг миллат учун бошлаб берган хайрли ишлари қаторида турди. Самарқанддаги дастлабки маҳаллий газета ва миллий журналнинг ношири, биринчи миллий драма муаллифи, Туркистондаги усули жадида мактабларининг “биринчи назариётчи ва амалиётчиларидан”⁸⁵, энг биринчи фанний дарсликлар яратувчиси Беҳбудий кутубхона ташкил қилишда ҳам биринчилардан бўлди.

Ушбу кутубхона Самарқанд губернаторидан расман рухсат олиниб, 1908 йил 11 сентябрь куни шаҳарнинг “Янги раста” қисмида очилган.⁸⁶ Лекин

⁸⁴ Маҳмуд, Вадуд. Таъланган асарлар. –Тошкент: Маънавият, 2007. Б.144

⁸⁵ Ахророва, З. Беҳбудий кутубхонаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 17.02. 1995.

⁸⁶ Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа хатиб. Мутолаахона // Туркистон вилоятининг газети. 1908 №48.; Юсуфзода. Письмо изъ Самарканда // Туркистон вилоятининг газети. 1910. № 16.

кутубхона очилиши хабари анча аввал овоза бўлиб кетади. Чунки бу ҳақда энг оммабоп нашр “Туркистон вилоятининг газети” хабар қилган эди. Кутубхонанинг барча расмий масалалари 27 бобдан иборат дастурда белгилаб берилган.⁸⁷ Кутубхонага аъзолик бадали сифатида йилига З сўм миқдорида маблағ тайинланади. Кутубхона мақсади ҳам мусулмонларнинг кам харж қилиб кўпроқ фойда олишларини кўзлар эди. Умуман, битта кутубхона учун нималар керак бўладиган бўлса, Беҳбудий буларнинг барчасини ҳозирлаш ҳаракатида бўлган. Кутубхона фаолиятида эса унга сафдошлари Ҳожи Муин, Васлий Самарқандий ва муаллим Абдулқодир Шакурийлар кўмаклашишган. Кутубхонанинг таркибий жиҳатдан жуда бой хилма-хилликка эга фонди бўлган. Жумладан, турли давлатларда нашр қилинган диний ҳамда дунёвий китоблар, суратли журнал ва газеталар, энциклопедия, луғатлар, ҳарита ва атласлардан ўқиб фойдаланиш мумкин бўлган.⁸⁸

Дастлаб 200, кейинчалик 225 жилд китобга⁸⁹ эга кутубхона кун давомида 14 соат ишлаб турган.⁹⁰ Мутолаахона очилганига 7 ой тўлганда унинг аъзолари сони 125 нафарга етган ва жамият 2000га яқин китобхон эҳтиёжини қондирган эди. Дастлабки икки

⁸⁷ **Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа.** Самарқанд китобхона жамияти // Туркистон вилоятининг газети. 1908 № 58.

⁸⁸ **Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа хатиб.** Мутолаахона// Туркистон вилоятининг газети. 1908 № 48.

⁸⁹ **Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа.** Самарқанд китобхона исломияси // Туркистон вилоятининг газети. 1908 №8; Беҳбудий. Самарқанд китобхона ва мутолаахона исломиясининг 1908 йил хисобномаси// Туркистон вилоятининг газети. 1909. № 4.

⁹⁰ **Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа хатиб.** Мутолаахона// Туркистон вилоятининг газети. 1908 № 48.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали йил кутубхона ишлари учун хайрли кечди. Кутубхона аъзо ва ён босувчи қўнгиллилар етарлича топилиб турди. Лекин 1910 йилга келиб унинг фаолияти сусая бошлади. Бунинг бир қанча сабаблари бор эди. Хусусан, жадид-қадим ихтилофи ва қадимчи уламоларнинг жадидларга қарши уйдирма миш-мишлари бунга асосий сабаб бўлди. Илмдан бебаҳра ва бу ишларнинг фаҳмига тушуниб етмаган авом эса унинг заволи учун курашди. Муллолар кутубхонани кофирхона, заарли жой деб ота-оналарга фарзандларини ундей жойларга юбормасликларини буюрди.⁹¹

1912 йилга келиб эса кутубхонани очиб ўтиришга зарурат ҳам қолмади. Кунлик келиб-кетувчилар сони кутубхона ишчилари сони билан тенглашиб қолди. Аста-секин бу ҳолат молиявий муаммоларни келтириб чиқара бошлади. Шу сабабли, 1914 йилнинг бошида кутубхона фаолият қўрсатишга қийналиб қолди. Ушбу йилнинг йиллик йиғилишида барча 15 та аъзо гувоҳлигига кутубхонани сақлаб қолиш ва унинг молиявий жиҳатини ҳал этиш учун спектакль қўйишга қарор қилинди.⁹² Лекин бу тадбирнинг кутубхонани жонлантириш учун фойдаси бўлмади. Беҳбудий узоқ йиллар халққа хизмат қилдирмоқчи бўлган миллат кутубхонасининг тақдирига нуқта қўйилди. Шундан сўнг Беҳбудий кутубхонани ўз ҳовлисига кўчирди ва унга “Беҳбудия кутубхонаси” деб ном берди.⁹³ Шу муносабат билан унда Россия ва хорижда нашр этилган китоблар арzon нархда сотилишини ҳам эълон қилди.

⁹¹ Юсуфзода. Письмо изъ Самарканда// Туркистон вилоятининг газети. 1910. № 16.

⁹² Абдирашидов, З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние.–Тошкент : Akademnashr, 2011. – В. 267.

⁹³ Беҳбудия кутубхонаси// Ойина. 1914. № 27.

“Ойина”нинг кетма-кет ўнга яқин сонида сотила-диган китоблар номи ва нархи рўйхат қилиб бериб борилган. Уларни кўздан кечира туриб собиқ кутубхонанинг қандай китобларга эга бўлганини билиш мумкин. Худди шундай, “Тарихи Эрон”, “Тарихи маданият”, “Усмонли рус сафари”, “Яман саёҳатномаси”, “Тарихи асотир”, “Мухтасар тарихи маданият”, “Хиндистон саёҳатномаси”, “Илми ҳайвонот”, “Латойифи Хўжа Насриддин”, “Шоҳномайи мумтози олий”, “Низомий куллиёти”, “Бедил куллиёти”, “Маснавии шариф”, “Ҳақиқатнома” каби китоблар ҳамда “Сирожу-л-ахбор” (Афғонистон), “Қадинлар дунёси” (Қозон), “Чехранамо” (Миср), “Ҳаблу-л-матин” (Калкутта), “Таржимон” (Боғчасарой), “Мулла Насриддин” (Боку), “Юлдуз” (Қозон), “Шўро” (Оренбург) сингари газета ва журналлар ўз даври учун қимматли бойлик ҳисобланган.

Беҳбудий вафотидан кейин эса шундай ноёб мерос тақдири билан қизиқувчи одам топилмади. Кутубхона хусусида эълон қилинган сўнгги изланишларда унинг инқилобдан кейинги ҳолати ҳақида бирор факт учрамаганлиги таъкидланади.⁹⁴ Бироқ “Туркистон” газетасида келтирилган “Самарқанде Беҳбудий кутубхонаси”⁹⁵ мақоласи бу холосанинг асоссизлиги кўрсатади. Беҳбудий замондоши “Кезувчи”нинг гувоҳлигича, кутубхонадан масъул ишчилар ҳам хабар олмай қўйгани ва бир ярим мингдан ортиқ (659 дона мусулмонча⁹⁶, 923 дона русча) китоб қай ҳолда экани

⁹⁴ Каримов, Н. Маҳмудхўжа Беҳбудий. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. –Б.29.

⁹⁵ Кезувчи. Самарқанде Беҳбудий кутубхонаси// Туркистон. 1924, 4-август

⁹⁶ Манбада шундай келтирилган. Ўша даврда китоб ёки асарга нисбатан «мусулмонча» сўзи маҳаллий тилда ёзилган манбалар маъносида тушунилган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали номаълумлиги унинг қаровсиз ҳолга келиб қолганини кўрсатади. Шу ўринда “Беҳбудия кутубхонаси” билан боғлиқ бир чалкашликка ойдинлик киритиб ўтиш лозим. Тадқиқотчи Санобар Шодмонова ўзининг “Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида”⁹⁷ монографиясида Самарқанд мутолаахона жамият (“Беҳбудия кутубхонаси”)ига доир икки мақолани бошқа-бошқа кутубхоналар тўғрисида, деб талқин қиласиди. “Туркистон вилояти газети”нинг 1910 йилдаги сонларидан бирида муаллифи Юсуфзода деб кўрсатилган мактубнинг⁹⁸ айнан Беҳбудий очган кутубхонага тегишли эканини пайқамаган ҳолда, у шундай хулосага келади ва бу билан “Беҳбудия кутубхонаси”дан бошқа яна бир кутубхона ташкил этилганига ишора қиласиди. Бироқ бу янги кутубхона ҳақида бирор маълумот бермайди. Аслида эса, “Туркистон вилояти газети”нинг ўша вақтда миллий кутубхона ҳақида эълон қилинган барча хабар ва янгиликлари айнан “Беҳбудия кутубхонаси” ҳақида эканлигини яна бир бор таъкидлаш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, кутубхона Беҳбудий ўйлаганидек кенг равнақ топмаса-да, унинг зиёлилар ва илм аҳлига фойдаси беҳад улкан бўлган. У Беҳбудийнинг кейинги фаолияти – “Ойина”, “Самарқанд” нашрлари учун асос манбалардан бири бўлиб хизмат қилди, деб айтиш мумкин. “Падаркуш” драмасининг ҳам илк бор саҳна юзини кўриши бевосита кутубхона турткиси самараси эди. Бу эса Беҳбудийнинг миллат учун бошлаб берган яна бир хайрли ишидан нишона эди.

⁹⁷ Шодмонова, С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Тошкент: Янги нашр, 2011. –Б.223–224.

⁹⁸ Юсуфзода. Письмо изъ Самарканда// Туркистон вилоятининг газети. 1910. №16.

“НАШРИЁТИ БЕХБУДИЯ”

1905 йил Манифести Туркистон мусулмонлари ҳаётида ривожланишнинг янги йўлларини очиб берди. Усули жадида мактабларини дарслик ва қўлланмалар билан таъминлаш, газета ва журналлар чоп этиш эҳтиёжи билан матбаа ишлари кўлами ҳам кенгайиб борди. Табиийки, ўлкада мавжуд энг машҳур босмахоналар рус амалдорлари ва савдогарларига тегишли бўлган. XX аср бошларида биргина Самарқанднинг ўзида 16 та босмахона бўлган бўлса, уларнинг барчаси рус маъмурлари томонидан ташкил қилинган эди. Улар, одатда, ўз фаолиятини узокроқ давом эттириш мақсадида бир-бирлари билан бирлашиб, шерикчилик қилишган. 1907 йилда Слиянов-Газаров босмахонаси ака-ука Игнатовлар матбааси билан бирлашиб, Слиянов-Газаров ва К босмахонасини ташкил этадилар.⁹⁹ “Ойина” журнали ҳам айнан шу Слиянов-Газаров босмахонасида чоп этилган эди.¹⁰⁰ Кейинчалик бу нашриёт Демуров типо-литографиясига кўшилиб, ягона йирик полиграф базасига айланади. Жадидларнинг кўплаб асарлари шу каби босмахоналарда дунё юзини кўрган. Аста-секин уларнинг ўзи ҳам кичик-кичик нашриёт ширкатлари тузга бошлаган. Хусусан, “Мактаб”, “Равнақ”, “Нашриёт”, “Файрат” матбаалари шулар жумласидан. “Ойина” журналида ҳам “Нашриёт”, “Файрат” жамиятларига йўлланган бир нечта табрик-мақолалар учрайди.¹⁰¹ Бу литографиялар техник жиҳатдан мукаммал бўлмай, маҳаллий аҳоли ҳам етарли малакага эга эмас эди. Уларда, асосан, дарсликлар ва кам нусхада рисолалар чиқарилган. Жадидлар орасида Авлоний, Мунавварқорилар ҳимматпарвар мулқдорлар кўмаги

⁹⁹ Бобохонов, А. Ўзбек матбааси тарихидан. – Тошкент, 1979. – Б. 105

¹⁰⁰ Дўстқораев, Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Тошкент: Фафур Ғулом, 2009.

¹⁰¹ “Нашриёт” ширкати // Ойина. 1914. ; Файрат ширкати // Ойина. 1915. № 7. – Б. 171

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали билан матбаа ишларини юргизишган. Беҳбудийнинг ҳам нашр ишлари билан шуғулланганлигини тасдиқловчи маълумотлар кўп бўлса-да¹⁰², унинг нашриёти ҳақида фактлар етарлича эмас.

Ушбу нашриёт ўз босмахонасига эга бўлмай, балки кутубхона таркибида фаолият юритган ва Беҳбудий ўзи нашрга тайёрлаган китобларни Самарқанддаги босмахоналарда чоп эттирган. Сабаби бир пайтда ҳам кутубхона, ҳам босмахона фаолиятини маблағ ва ускуналар билан таъминлаш бошқача шароитни талаб қиларди.

“Нашриёти Беҳбудия”да илк бор Беҳбудийнинг туркий тилда тузган Туркистон, Бухоро, Хива харитаси, дарслик қўлланмалари, “Падаркуш” драмаси ва Фитратнинг “Сайёҳи ҳиндий” асари русчага ўгирилиб чоп этилган. Гарчи бу китоблар нархи белгилаб қўйилган бўлса-да, Беҳбудий “уларни ўз масорифи билан босиб тарқатди”. Беҳбудий ўз раҳнамолигида очган мактаблари учун дарслик ёзган, нашр эттирган ва уларни “текинга тарқатган” ягона муаллим эди.

Кутубхоналар таркибига кирувчи нашриётлар фаолияти бугунги кунда ҳам давом этаётган жараёндир. “Беҳбудия кутубхонаси” ҳамда “Нашриёти Беҳбудия” ҳам биргалиқда халққа хизмат қилган, Беҳбудийнинг жадид киёфасини ёритиб турувчи зиё масканлари бўлиб қолди.

“Беҳбудия кутубхонаси” ва “Нашриёти Беҳбудия” 1908-1915 йилларга қадар фаолият олиб борди. Кутубхона фондидағи ноёб асарлар ва қўлланмалар кўпчилик китобхонлар эҳтиёжини қондирди. “Нашриёти Беҳбудия”нинг саъй-ҳаракатлари билан чоп этилган харита ва дарсликлар мактаб муаллим ва шогирдлари учун кўп йиллар хизмат қилди.

¹⁰² Муин, Ҳожи. Танланган асарлар. –Тошкент: Матнавият, 2010. –Б.30-31

«ОЙИНА» – БИРИНЧИ МИЛЛИЙ ЖУРНАЛ

Беҳбудий 1913 йил 20 августда ташкил қилган “Ойина” журналига муҳаррирнинг энг қизғин ижод палласи акс этиб турган кўзгу сифатида қарашимиз мумкин. “Туркий ва форсий ўрта шевада”¹⁰³ чиқсан илк журнал “Ойина” халқ орасида анча машҳур бўлган¹⁰⁴. Биргина Туркистонда эмас, “дунё мусулмонлари орасида яхшигина шуҳрат ва эътибор”¹⁰⁵ қозонган “Ойина” миллат учун “ясалган” эди: “...мажалла бизники эмас, миллатницидур”, деб таъкидланган Беҳбудийнинг ўзи¹⁰⁶. Ҳақиқатан ҳам, “Туркистонга хизмати буюк” деб эътироф этилган “Ойина” бу йўлда оғишмай ижод қилди, “ўлка халқларининг фикрий уйғонишига катта ҳисса қўшди”¹⁰⁷. Журналнинг юзага келишида Беҳбудийни руҳлантирган омил дастлабки татар журнали “Миръот” (“Ойина”) бўлди, дейиш мумкин. У журнални “Миръот” – “Кўзгу” – “Зеркало” – “Ойина” деб тўрт тилда номлади ва у форсча номи билан шуҳрат топди. “Ойина”нинг мақолалари ўзбек ва тожик тилларида ёзилган. Бунинг кўпроқ улуши ўзбек тилига тўғри келади. Журнал рус тилида реклама ва эълонлар бериб борган. Журналдаги руқнларни қўйидагича белгилаш мумкин:

1. Доҳилий ҳабарлар руқни. Бу руқнда Туркистон ижтимоий-маиший, маърифий ҳамда сиёсий ҳаётида рўй бераётган янгилик ва ўзгаришлар ёритилган мақолалар бериб борилган. Жумладан, “Самарқанд ха-

¹⁰³ Ойина. 1913. №2.

¹⁰⁴ Қосимов, Б. Маслақдошлар. – Тошкент: Шарқ, 1994. – Б.14.

¹⁰⁵ Мунин, Ҳожи. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б.31.

¹⁰⁶ Беҳбудий, Махмудхўжа. Танланган асарлар.–Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.155.

¹⁰⁷ Дўстқораев, Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. –Б.191.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали барлари” (1913.№2. –Б.18), “Моро ислоҳи мадорис ва макотиб лозим аст” (1913.№3. –Б.74-76), “Сайлов муносабати ила” (1913.№4. –Б.82-84), “Хўқанда мактаб биноси” (1913.№4. –Б.93), “Қози ва бийлар ҳақинда лойиҳа” (1913.№5. –Б.106-108), “Иона” (1913.№8. –Б.178), “Андижонда янги банк” (1914.№13 –Б.211), “Ахбори Туркистон” (1914.№13.–Б.209-210), “Каттақўрғон хабарлари” (1914.№13. –Б.211-212), “Эски мусулмон мадрасаларинда нималар ўқилур эди?” (1914.№15. –Б.256-259), “Бухорода миллий тиётр” (1914.№17.–Б.306), “Самарқандга электролик трамвай” (1914.№19 –Б.358-360), “Муаллимлар тайёрламоқ усули” (1914. №26. –Б.489-490) каби замоннинг муҳим муаммоларини акс эттирган мақолаларни кўрсатиш мумкин.

2. Хорижий хабарлар рукни. Бу руқидаги мақолаларда, асосан, хорижда рўй берадиган сиёсий ва маърифий жабҳадаги хабарлар берилган. Жумладан, ”Жароиди жопун” (1913.№1.–Б.32), “Ахбори жаҳон”(1913.№2.–Б.17-18), “Юнониларнинг ватанпарварлиги”(1913.№3.–Б.71), “Америко майшатидан”(1913.№4.–Б.96-98), “Турк учувчилари”(1913.№5.–Б.121-123), “Арабларда фунун ва кашфиёт”(1914.№11.–Б.96-98), “Хитойда қанча мусулмон бор?”(1914.№14.–Б.232-233), “Афғонистон эшонидан”(1914.№23.–Б.346-347), “Жава мусулмонлари”(1914.№22.–Б.321-322), “Миср ал-Қоҳирада Жомеъ ал-Азҳар мадрасаси”(1914.№19.–Б.344-348), “Англиядаги мусулмонлар”(1914.№30.–Б.582), “Туркия ва Франция аҳдномаси”(1914.№31.–Б.611-612), “Хорижий хабарлар”(1914.№36.–Б.864-869), “Франция-Германия уруши”(1914.№41.–Б.990-991), “Японияда талаба майшати” (1914.№43.–Б.1024-1029), “Афғон амирининг японларга эҳсони”(1914.№44.–Б.1049).

3. Адабиёт рукни ўз ичига адабий-танқидий мақола ва парчалар, тақриз ва шеърий асарларни олган: “Шеър ёзувчилар дикқатина”(1913.№3.–Б.68), “Учинчи адад “Ойина”даги шеърга тахмис” (1913.№8.–Б.189), “Фаустдан”(1913.№9.–Б.217), “Хушим келмайдир!” (1914.№11.–Б.262-263), “Оҳ ва ҳасрат” (1913.№10.–Б.244), “Отингни сот, түнунгни сот, дўқтур бўл” (1913.№5.–Б.117), “Мубоҳаса” (1913.№7–Б.169-170), “Туркистонда биринчи миллий тиётр”(1914.№14.–Б.227-231), “Бир аъмо боланинг ҳасрати” (1914.№27.–Б.505), “Танқид сараламоқдур”, “Самарқанд тиётр”(1914.№10.–Б.234), “Мўътабар “Таржумон” ва И smoилбек Гаспринский жаноблари ҳақинда” (1914. №17.–Б.294), “Ишқ ва ҳавас” (1914.№21.–Б.31), “Киноялик ифтихор” (1914.№37.–Б.886-887), “Фазилати мактаб” (1914.№37.–Б.895), “Тажриба меваси”(1914.№42.–Б.995), “Паёми Хайём”(1914.№46.–Б.1108), “Тарғиб ба илм ва маориф”(1914.№56.–Б.94), “Табиб ила сангтарош” (1915.№9.–Б.231-232), “Қарзҳоҳ ила қарздор”(1915.№9.–Б.232) ва ҳ.к.

4. Илмий мақолалар рукни. Ушбу рукнда Беҳбудий ва унинг замондошлари ҳамда хориж шарқшунослари (хусусан, Вяткин)нинг тарих, география, тишлинослик, астрономия, анатомия, археологияга доир кузатишлари эълон қилиб борилган: “Шердор мадрасаси”(1913.№1.–Б.), “Тутун ёинки тамаки” (1913.№1.–Б.), “Улуғбек расадхонасинда”(1913.№2.–Б.), “Жуғрофиё чист?” (1913.№2.), “Ер” (1913.№10.), “Тарихи ихтирои башар = одамларнинг чиқарган нимарсалари” (1914.№28), “Ҳайвонотнинг умри” (1914.№11), “Офтоб” (1914.№49), “Қамар = ой” (1914.№57), “Қаҳва = кофе” (1914.№56).

5. Эълонлар руқнини журнал ва муштариylарниг ўзаро ахборот алмашиш минбари бўлган, дейиш мумкин. Идорага келган мактублар ва муҳаррирниг уларга жавоблари, янги очилган мактаб ва кутубхоналар, нашр этилган китоблар эълони ушбу руқниниг асосини ташкил этади: “Усули жадид мактаби учун босилган тайёр китоблар” (1913.№1), “Муҳаррирниг таҳрир ва нашр этган асарлари” (1913.№2), “Идорага келган янги асарлар” (1913.№4), “Ташаккур” (1913.№10), “Мушмирзога очик мактуб” (1914.№12), “Беш нафар муаллим керак” (1914.№13), “Идорадан” (1914.№15), “Эълон” (1913.№6), “Муҳтарам мақола ёзувчилардан рижо!” (1914.№28), “Тошканда “Мактаб” кутубхонаси” (1914.№16), “Мусулмоний тақвим жадвали” (1914.№56), “Янги таржима” (1914.№27), “Ойина” муҳаррири муҳтарам Маҳмудхўжа жаноблари сафарга чиқдилар” (1914.№41).

Журнал саҳифаларини тадқиқ этиш жараёнида унинг биринчи йилидаги сонларида турли мавзудаги мақолаларга кенг ўрин берилган бўлса, иккинчи йилга келганда эса, “Ойина”нинг танқид кучи бир оз сусайган, шеърий парчалар миқдори ортиб кетганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, ўқувчилардан бири юборган мактубда бу ҳол шундай таъриф этилган: “Ойина” бултур муштариylарға кўзингни оч, деб қичқирап эди. Бу йил эса хонандаларни бешикда танбур айтиб ухлатмоқдадурки, илгариги маслакида давом этсун”.¹⁰⁸ Агарда журнал мундарижасига эътибор қаратадиган бўлсак, унда турли хорижий ва дохилий хабарлар, илмий мақолалар, гўзал шеър ва насрый асарлар, ҳажвий парчалар – хуллас, муштариини жалб қила оладиган ранг-барангликни кўрамиз. Бироқ катта режалар билан иш бошлаган журнал муштариylар томонидан етар-

¹⁰⁸ Хонандалар мактубидан // Ойина. 1915. №8. – Б.203

лича қўллаб-куватланмади. Унинг ташкил этилгандағи эҳтирослар оташи тез сўнди. Барча ишлар биргина муҳаррир зиммасида қолиб кетди. Бу эса, ўз навбатида, журнал савиясига таъсир этмай қолмади. Ҳамма масалада бўлганидек, “Ойина”га нисбатан ҳам муҳлислар нигоҳида икки хил қараш бўлган. Журнал шаънига ёғдирилган “табрик ёғмурлари”¹⁰⁹ билан бир қаторда “Ойина”нинг ташкил топганига қўп вақт ўтмай эътиrozлар битилган хатлар ҳам кела бошлади. Фитратнинг “Ҳиммат ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаққи ҳаёти йўқ” номли мақоласида юқорида айтиб ўтилган ҳолат анча батафсил таҳлил этилган. Ҳусусан, “Бутун Туркистонда бўлмаса ҳам, у катта Самарқанд шаҳринда шул кераклик мажаллани ҳалокатдан қутқаратургон бир неча ҳиммат эгалари йўқмиудур ажабо?! Қани ул табрик ёғмурлари! Қани ул ташаккур тўфонлари?...”¹¹⁰ деган изтироб тўла сўзларини келтириш мумкин. Яна бир жихатдан олиб қараганда, бу танқидлар “Ойина”нинг доим эътиборда бўлганлигини ҳам далиллайди. Лекин бу эътирозларнинг қўпи бир-бирини инкор қиласади. Беҳбудий журналнинг 15-сонида худди ўшандай бир-бирига жавоб бўлувчи хатлардан бир қанчасини чоп этди. Биринчи мактуб муаллифи “Тошкентлик” журнални ўз фойдаси учун ҳалққа “хушомад” қилаётганлиқда айблайди. Унинг фикрича, “Ойина” жуда бўш ёзади. Яна бир мактуб муаллифи “Кўқонлик” эса ўқувчилар кўнглига қаттиқ тегадиган ва “халқни ўзидан нафрат қилдурадур”ган услубда давом этса, “Ойина” ўз-ўзидан “синуб” йўқ бўлишини айтиб, “бўш” журналнинг услубини “ўта қаттиғ” деб баҳолайди: “.....алалхусус уламо ва бойларға ҳатто усули жадидчиларға “Ойина” сўзлари

¹⁰⁹ **Фитрат.** Ҳиммат ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаққи ҳаёти йўқдир // Ойина. 1915. №7. Б.165.

¹¹⁰ **Фитрат.** Ҳиммат ва саботи ... // Ойина. 1915. №7. Б.165.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали қаттиғ тегиб халқни ўзидан нафрат қилдирадур.ула-мо ёмон дегандан сўнгра халқ “Ойина”ни ўқумайдурган бўлур. Албатта, халқни хусусан уламони танқид қилинмасун....”¹¹¹ Шу каби “Ойина”га йўл қўрсатувчи яна бир мактубда “Ойина” доим ёмон ишларни то-пип ёзади, яхши жиҳатларни кўрмайди, деб танқид қилинади. Яъни Беҳбудий миллат шаънига нолойиқ деб билган иллатларга қарши чиқиб, “Ойина” минбарида уларга муносабатини билдириб турганлиги танқид қилинмоқда. Мактуб муаллифи муҳаррирнинг бу ишларига қарши чиқади: “...тўй ва маъракани кичик бўлсун, масорифи озайсун, базмлар йўқ бўлсун деб ёзар. Аммо бу нимарсалар аввалдан бор эди. Яна бўлур”.

Кейинги мактубларда журналнинг тили ҳақида гап кетади. Самарқандлик муаллиф форс тилидаги мақола ва шеърлар “Ойина” тилини оғир қилиб қўяётганлигидан нолиб, халқ англайдиган “осон ўзбакий ила” ёзишга чакиради. Яна муаллиф ёзади: “Бизға тарих ва фандан ёзмай, ҳар ким билатургон ва қизиқатургон хабар ва ғалати ажойиботлардан ёзинг. Бу “Ойина”нгиз қизиқ эмас. Ошиқона ғазаллар кўброқ ёзилса яхши бўлурди”. Эътиroz кайфиятидан кўриниб турибдики, мактуб эгаси оддий авом вакили. Навбатдаги мактуб мазмуни эса юқоридагисининг акси: “Ойина” тилини авомча ва қўчаги қилиб юборилибдур. Муни авом ўқимайдур. Аҳли илм ва адабиёти жадида ошиқлари ўқийдур”. Мактуб муаллифининг фикрича, журнал авом учун эмас, уни фанний нарсалардан кўпроқ ёзиб, илмийроқ қилиш керак эди. Мактублар ичida биргина форс тилида ёзилгани ҳам бўлиб, унинг муаллифи Мунзим Бухорий эди. Мунзим форсий тилнинг ҳозирда кенг ёйилиб бораётгани ҳолда, нима сабабдан “Ойина” форсча кам ёзади, деб савол қўяди. Муштарийлар раъйига қараб ақалли журнал-

¹¹¹ Идорадан // Ойина. 1914. №15. -Б.246.

нинг ярмини бўлса ҳам форсий шеър ва мақолалар билан бойитиш лозимлигини мақбул деб таклиф киритади.¹¹² Беҳбудийда эса форсий ва туркйга бир тил, яъни мусулмоний деб ёндашиш мавжуд бўлган.¹¹³ Кўриниб турибдик, ўқувчиларнинг “Ойина”дан кўнгли тўлмаган. Мақола йўлловчилар кам бўлгани сабабли, муҳаррирнинг кўпроқ ижод қилишига тўғри келган. Бир хил услугуб ҳам ўқувчиларни зериктириши табиий. Журналнинг баъзи сонларига нисбатан “24 саҳифани ҳамаси Маҳмудхўжани қалами или тўладур, десак ҳам бўлур”.¹¹⁴ Сабаби юқорида айтилганидек, мақола юборувчилар сийраклашиб қолган эди. Беҳбудий буларга жавобан “Ойина” саҳифалари ҳар кимга очиқлигини таъкидлайди.¹¹⁵

“Ойина” журнали жуда оз муштарий билан иккинчи йилини бошлайди. Унинг зиммасига ёғилаётган талаблар эса яна-да кучаяди. Энди муштариylар журнални бошқа нашрлар билан солиштира бошлади. Бухоролик бир мактуб йўлловчи “Ойина”га “Садои Туркистон” имлосини қабул қилиш таклифи билан чиқади. Намангандлик муаллиф “Ойина”ни “Шўро” ва “Дирилик”дек қилиб чиқарилсин, деб кескин талаб кўяди.¹¹⁶ Беҳбудий Самарқанддаги матбуот ишлари мукаммал эмаслигини, “Дирилик” ва “Шўро”дек чиқармоқ учун яна 15-20 йил вақт кераклигини тушунтиришга уринади. Мирмуҳсин Шермуҳамедов (1895 – 1929) ҳам ўз мактубида журнал мундарижасини “Шўро” каби аввалги саҳифада ёзилишини сўрайди. Ҳамма талабларнинг қондирилиши

¹¹² Идорадан // Ойина. 1914. №15. –Б.246-248

¹¹³ Балдауф, Ингеборг. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент: Машнивият, 2001. –Б.42.

¹¹⁴ Мирмуҳсин Шермуҳаммад ўғли. Муҳаррир ва матбуотимиз // Ойина. 1915. №9.–Б.215-217

¹¹⁵ Идорадан // Ойина. 1914. №52.–Б.1234.

¹¹⁶ Хонандалар мактубидан // Ойина. 1915. №8.–Б.201.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали иложисиз бўлгани сабабли Беҳбудий буларни ижросиз қолдирган, деб тахмин қилиш мумкин.

Карши фикрлар ёзилган мавзуларнинг бири муҳораба, жанг хабарлари эди. Ҳарбий ва сиёсий хабарлар Туркистон матбуотининг энг кўп ўқувчи тўплай оладиган мавзуларидан бири бўлган. Бундай хабарлар газетада бериш учун қулиб, журнал ойда бир ёки икки марта чиққунига қадар бу хабарлар ўз янгилигини йўқотар эди. “Ойина” журналида муҳораба хабарларининг берилишига М.Шермуҳамедов кўп эътиroz билдирган. Ҳатто айрим шундай илтимослар билан хат йўллаган муаллифларни танқид остига олади: “Муҳораба хабарлари ёки суду судя воқеотлари ёзилмаса яхши бўлур, нимагаки бошқа жаридалардан бул воқеалар илгарироқ эшитилур”.¹¹⁷ Беҳбудий ҳам ушбу фикрлар тарафдори бўлган. У муҳораба хабарларини ўқиш учун “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона”ни тавсия қиласди. Журнал услугбини эса адабий, илмий, тарихий, фаний мақолалардан иборат бўлишини лозим деб билди.¹¹⁸

Идорага келувчи мактубларда ошиқона шеър ихлосманidlари кўп учрайди. Шу кезларда жадидлар орасида ошиқона ғазаллар ёзиш қаттиқ қораланаар эди. Ишқий-анъанавий шеърлар бутунлай инкор этилмаган. Хусусан, “Ойина” журналида ҳам бадиий жиҳатдан пухта ишқий шеърлар чоп этиб турилган.Faқат бу даврда адабиёт миллий озодлик, мустақиллик ғояларини асосий ўринда туришини талаб қиласди. Шу боис маърифий руҳдаги бир хил шеърлар кўп берилган. Масалан, “Танбеҳ ва баёни воқеъ”(1913.№1.–Б.9-10), “Эътироф” (1913.№3.–Б.64), “Ҳамият аҳлина!” (1914.№4.–Б.223), “Йиғлар

¹¹⁷ Хонандалар мактубидан // Ойина. 1915. №8.–Б.202.

¹¹⁸ Идорадан // Ойина. 1914. №52.–Б.1234.

биза” (1914.№15.–Б.255), “Таассуф” (1914.№18.Б.327) каби шеърлар мазмун жиҳатдан ўхшаш.

“Ойина” ташкил этилган кунидан унинг фаолияти ва мазмунини бойитиш тўғрисида турли-туман маслаҳатлар журналнинг охирги сонига қадар ёнмаён кетди. Уларда мақолалар ҳажми икки саҳифадан ошмаслиги, журнал “қалинроқ” бўлиши ва кўпроқ чиқишини хоҳловчи талаблар янграй бошлади. Куруқ маслаҳатлар кўп эди. Лекин журналнинг тараққийси учун амалий иш қиладиганлар йўқ эди ҳисоби. Беҳбудий бу истакларни амалга ошириш учун пул ва кўнгиллилар йўқлигини, ўзининг “касал нимкора” ҳоли билан бу ишда ожизлигини очиқ-оидин ёзди.¹¹⁹

“Ойина”нинг аста-секин дарз кетаётганини сўнгти сонларидан ҳам пайқаш мумкин. Аввал бошида Таваллодан бошланган юз ўгиришлар¹²⁰ самарқандлик зиёлиларга ҳам ўтди. Ҳожи Муин, Сайдахмад Василий Самарқандий, Сиддиқий-Ажзийлар “Ойина”дан “қалам”ларини тўхтатди. Журнал Беҳбудийнинг илмий мақола ва шеърлари жамланган тўпламга айланиб қолаётган эди. Шу ўринда Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг қуидаги фикрларини келтириш ўринли: “...бизда янги бир асар кўруна бошласа 5-6 кун бақириб-чақириб шеър ва мақола ёзармиз, сўнгра чарчаган киши бўлиб ўз манфаатимизга бечора миллатни курбон қилиб ўлтураворамиз. Шунинг учун бизим ўртамиизда матбуот эътиборсизлануб борадур”.¹²¹ Ушбу “арзнома”лардан сезиш мумкинки, “Ойина” ҳақиқатан ҳам халқ қалбига умумий йўл топа олмаган”.¹²²

¹¹⁹ Хонандалар мактубидан // Ойина, 1915. №8. –Б.201.

¹²⁰ Эътиroz // Туркистон вилоятининг газети, 1914. №22.

¹²¹ Мирмуҳсин Шермуҳаммад ўғли. Муҳаррир ва матбуотимиз // Ойина. 1915. №9. – Б.215-217

¹²² Абдирашидов, З. Исаим Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. Ташкент: Akademnashr, 2011. –Б.319.

1914 йил 52 сонидан кейин “Ойина” ўз фаолиятини тўхтатишга қарор қилди. Бироқ идорага келган илтимослар сабаб 68-сонигача давом этди. 1915 йил 15 июнядаги 16 сон (68) дан “Ойина” тутатилди. Идора бунинг сўнгги сабаби қилиб муҳаррирнинг бетоблиги ва таҳрир этувчи кишининг йўқлигидан деб кўрсатди. Билдиришномада “Ойина”нинг 17(69)-сони чиқарилади, дейилган бўлса-да, журнал қайтиб дунё юзини кўрмади.

“Ойина” журнали қисқа умр кўрган бўлса-да, унда чоп қилинган адабий-танқидий ҳамда илмий-маърифий мақола ва шеърлар XX аср адабиётининг номаълум саҳифалари ҳақида маълумот беради. Маҳмудхўжа Беҳбудий ижодкорлигининг энг қизғин ва муҳим томонларини очиб беришда, шубҳасиз, “Ойина” журнали катта ўрин тутади.

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙНИНГ ТАШҚИ ДАВРИЙ МАТБУОТДАГИ ПУБЛИЦИСТИК ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР¹²³

Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистондаги барча жадидлар, маърифатпарварларни бирлаштиришга интилган йирик шахсадир. Ҳожи Муин таърифлаганидек, “Биздаги янгилик раҳбарларининг бири ва балки биринчиси, шубҳасиз Маҳмудхўжа Беҳбудийдир. Беҳбудий афанди уйғониш даври ва ўзбек адабиёти тарихида биринчи ўрунни олурға лойиқ бир зотдур...”¹²⁴

Шу билан бир қаторда у бутун Россия империясидаги илғор, хур фикрли, ислоҳотчи мусулмонлар билан мунтазам алоқада бўлиб турган. Айниқса, у

¹²³ Тарихнинг номаълум саҳифалари – 4. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. –Б.270–277.

¹²⁴ Муин, Ҳожи. Маҳмудхўжа Беҳбудий. // Учқун, 1923, №1.

қрим-татар маърифатпарвари, Россия мусулмонлари орасида ёйилган жадидчилик – янгиланиш ҳаракатининг асосчиси Исмоил Гаспринскийнинг содик муҳлисларидан, шогирдларидан бири десақ, хато бўлмас. Чунки унинг фикрлари, қарашлари кўпда Гаспринский тутган йўлга, олиб борган ишларига мувофиқ тушган. Бу ҳолни Беҳбудийнинг ўзи ҳам мақолаларида тилга олади. Немис олимаси профессор Ингеборг Балдауф таъкидлашича, Беҳбудий Гаспринскийнинг “мусулмон жамияти ижтиҳод эшикларини ланг очиб, яхшилик томон юз тутади, ҳозирда ҳукм суриб турган бидъат, хурофотдан халос бўлади” деган фикрларини жон-дилдан маъкуллар, ўзи ҳам шу фикрда эди.¹²⁵

Беҳбудий Туркистон аҳолисини маърифатли, билимли қилишда жуда сермаҳсул, сермазмун фаолият олиб борди. Яна Ҳожи Муин сўзлари билан айтадиган бўлсак, “Беҳбудий афанди... қўлиға қалам олиб, ...Туркистоннинг янгилик ва юксалишиға ҳормай-толмай, талашиб-тортишиб хидмат қилғон бирдан-бир муҳаррир ва йўлбошли”¹²⁶ эди. Унинг ушбу фаолиятининг энг муҳим бир қисмини журналистлик, газетачилик ташкил қиласи. У бир қанча вақтли матбуот нашрларини чиқариш билан бирга, “Хуршид”, “Тужжор”, “Ҳақиқат” (кейинчалик “Шухрат”) каби маҳаллий газета ва журналларда иштироқидан ташқари Кафказ, Крим, Волгабўйи мусулмонларининг вақтли нашрларида ҳам фаол қатнашиб турган.¹²⁷ “Беҳбудий афанди, ёзади Ҳожи Муин, Кафказ, Тотористон ва Туркистонда чиққан матбуотда доим адабий, илмий, ижтимоий

¹²⁵ Бу ҳақда қаранг: Балдауф, Ингеборг. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. Т.: Маънавият, 2001. –Б.25.

¹²⁶ Муин, Ҳ. Маҳмудхўжа Беҳбудий. // Учқун, 1923, №1.

¹²⁷ Бу ҳақда қаранг: Балдауф, Ингеборг. XX аср ўз... –Б.26.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали ва сиёсий мақолалар ёзиб тураган эди.”¹²⁸

Беҳбудий жами 18 вақтли матбуот нашрларида фаол қатнашган ва жами мақолаларининг сони 200 га яқин бўлган.¹²⁹ Ҳожи Муин кўрсатган бу нашрлар орасида Туркистондан ташқарида нашр қилинган “Таржимон”, “Вақт”, “Шўро”, “Тирик сўз”, “Улфат”, “Иршод”, “Тоза ҳаёт” каби ўз даврининг машҳур газета ва журналларини кўришимиз мумкин.

Беҳбудий мақолаларининг аксарияти Туркистон мактаб-мадрасаларининг ислоҳи, бу борада қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида эди. “Беҳбудий мақолаларининг кўбиси муҳим мавзуларда ёзилғон бўлуб, ҳануз эскирган эмас ва бу кунларда ҳам биз учун дастуруламал бўлатурғон фойдалик сўзлардур”¹³⁰, деб ёзади ўз вақтида Ҳожи Муин. Масалан, унинг “Таржимон”даги “Туркистонда мактаб лисони” (1909 йил, 14, 21-сонлар) мақоласи “...мактаб лисони таҳсиласи бобинда баҳс...” бўлиб, бунда Беҳбудий Туркистондаги мактабларда таҳсил бир тиллик эмас, бир неча тиллик бўлишини ёқлаб чиққан эди.

Беҳбудийнинг Туркистондан ташқаридаги вақтли нашрлардаги фаолиятини кузатар эканмиз, унда вақт жиҳатдан маълум бир чегараланишни кузатамиз, яни 1909-1913 йиллар орасида у ўша нашрларда фаолроқ иштирок этган ва ўз мақолаларига “Муфтийи дорул-қазо Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа”, “Дорул-қазо муфтиларидан: Маҳмудхўжа Беҳбудий” каби имзолар қўйган.

Шуниси ачинарлики, Туркистон жадидларининг етакчиси бўлган Беҳбудийнинг ўлқадан ташқаридаги вақтли матбуотда эълон қилинган мақолалари ҳалигача тўпланиб, тадқиқ этилмаган. Бу Беҳбудий

¹²⁸ Муин, Ҳ. Маҳмудхўжа Беҳбудий. // Зарафшон, 1923, 25 март.

¹²⁹ Юқоридаги манба.

¹³⁰ Муин, Ҳ. Маҳмудхўжа Беҳбудий. // Зарафшон, 1923, 25 март.

ижодини ўрганишда ҳозирги тадқиқотчилар олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ушбу қисқа мақола сўнгида Беҳбудийнинг “Таржимон” газетаси ва “Шўро” журналида босилган айрим мақолаларининг матни илова қилинмоқда. Беҳбудийнинг илова берилган мақолалардаги фикр ва қарашлари унинг фаолиятидаги янги қирраларни очишга хизмат қилиши муҳаққақдир. Масалан, Беҳбудийнинг Фаргона вилояти бўйлаб 1908 йили саёҳатга чиққани ҳанузгача номаълум эди ёки граф Пален билан бўлган учрашуvida кўрилган асосий масалалар Туркистон мактабларида ўқитиш тили бўлгани ва ҳоказо. Мақолаларнинг матни, тили ва услуби сақланди.

Ҳақиқат ҳар тарафдан зухур эдар¹³¹

“Улфат” рафиқимизнинг 20 нчи нўмерли нусхасинда шаҳри Самарқанднинг аҳли ирфон қозиси фазилатлу ал-Ҳожҳа Маҳмудхўҷа жанобларининг пек гўзал бир мактуби кўрилди. Лисони умумий ва лисони адаб масаласина дошр энг эски Туркистон, энг қадим Ватан ўлан Самарқанддан чиқмиш довуш ва садоя диққат буюрдук, қози Маҳмудхўҷа буюруюр.

“Русия мамлакатининг ҳар бир тарафинда беш-үн нафар ғазита, авроқи фанния ўқувчи мусулмонлари бўлундиғи каби бизнинг Самарқандда ҳам ўқувчилар топиладур. Адабиёти жадида қорийларининг мажмуъига “Таржимон”, “Улфат”, “Иршод”, “Ҳаёт” ила “Юлдуз”, “Озод”, “Нур” ва амсоли арз этилса, шубҳа йўқки, бизим жиҳатнинг адабиёти жадида ила машғул кишилари аввалги синф авроқни иккинчидан таржиҳ әдарлар. Аввалгиларнинг мутолааси осон ўлғонга

¹³¹ Таржимон, 1906, №48

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали кўра мазмунина воқиф ўлурлар. Туркий ғазита ва рисолаларни истиъол этмамиш туркистонлига мазкур икки синф варақалар кўстарулуб суол эдилса, албатта биринчи синфга тушунадурки, сиза тажриба или собит ўлмишдур.

Юқорида мазкур сўзларга неки ёлғиз Самарқанд ғазитахонлари икрор этсалар, балки Осиёи Вустодаги барча адабиёти жадида шоғиллари наздига мақбуллиги ҳар жиҳатдан собитдур. Адабиёти жадида қироати или машғул: бухорий, тошкандий, хўқандий, едисувли, хивали одамлардан бен кендим истифор этдим. Мақола ва мактубларина диққат этдимки, лисони ҳол ва қол или ҳаб биринчи синфни иккинчидан таржих ва таҳсин эдарлар. Бунга далил иқома эдаби лирам. Зеро, бир тарафнинг авом-ўрам тили или ёзилмиш ғазита ё мактуб дигар тарафда аслан ва қатъян мағҳум ўлмас. Янги адабиёт ва ғазиталардан бехабар туркистонли муллоға “Таржимон” или “Нур”; “Улфат” или “Озод” кўстарилса, “Таржимон” или “Улфат”га тезлик или тушунадир; чунончи, биз тажриба этуб билдик. Русияда туркий ғазиталарнинг аксар муштариyllари адабиёти жадида ошиқи толиблариdir. Фанний, адабий, сиёсий мақолаларни коффа авом-ўрам тили или ёзмоқ мумкин дагилдир. Фанний, адабий, сиёсий шайлар куч-кулфат или ўрам тилинда ёзулсада, авом фаҳмламайдир. Фаҳмласа ҳам илтифот этмайдир. Адабиёт, қироати жаридая одат этмамиш муллолар янги шева или ёзилмиш рисолаларни ўқумасаларда, адабий тилни таржих эдарлар.

Ҳар тарафда ўрам тилига иқтидо қилуб, китоб, ғазиталаримизни олар тилига беш-үн сана ёзар эсак, басбутун тилимиз қолишмаз; қоидалик туркий тилдан маҳрум бўлажағимиз лозим келадур.

Рубъи асрдан беру миллатимизга тил ва қалами,

қуввати қалби ила хидмат эткан, матбуоти жадида-
миз раиси ҳам отаси жаноб Исмоилбек ҳазратларина
тил бобинда табыйят этмак Русияда бор барча
муҳаррирларга лозимдур. Такрор арз қиласанки, тур-
кистонийлар “Таржимон”, “Улфат”, “Миръот”, “Ҳаёт”,
“Иршод” мактуботина “Юлдуз”, “Озод”, “Қозон мухби-
ри” ва бошқалардан тезрак тушунадир.

Шу кун биза бир шева керакки, Русия дохилинда
25 милийун аҳли исломнинг синфи олийи ва васатийи
ўшал шева ила бири-бирина ифодаи мурод эда бил-
сун. Бу кун биза бир шеваи васатияя иттихоз этмак
лозимдирки, беш-ўн санагача барча мактабларими-
за таъсир эда билсин; Русиянинг ҳар бир тарафида
чигатурғон авлоди ахлоф ояндамиз умуман бир ли-
сони адабияя молик ўлсун; Кримда, Қофқозда таълиф
ўлинмиш китоб Туркистонда, Қозонда, Сибирда ўқула
билсин; бир мактаб ичин таълиф ўлинмиш китоб Ру-
сияда вор ҳамма мактабларда ўқурлук ўлсин.

Яъни бизим Русия мусулмонларининг лисони ада-
биялари, мактаб, мадраса проғромлари, усули маъи-
шатлари бир бўлса керакки, иқтизойи ҳол, ижоди за-
мон шудур. Бунинг мабдаи асоси, таъотийи афкори
тавҳиди лисон эмасму?”

Туркистонда мактаб лисони¹³² (идорая мактуб)

“Вақт” ва “Таржимон” жаридаларинда Самарқанд
мактаби лисони таҳсиласи бобинда баҳслар ўқулмиш
эди. Самарқанднинг тараққийпарварлари орасиндада
ойлардан бери лаҳжа баҳслари эдилмақдадир. Ушбу
фурсатдан истифода эдарак лисондан ўтри банда бир
қоч сатр ёзмоқ истаюрам.

Туркистонда қоим балдалар ичинда Самарқанд,

¹³² Таржимон, 1909, №14, 21

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали
Хўжанд балдалари, Ўратеба, Панжикент, Конибодом
ва бошқа бир қоч қасабаларининг аҳли ўзбакий, то-
жик тилларини таҳсилсиз билиёрлар. Туркистоннинг
тоғларинда сокин аҳолининг аксари форсий ва бироз
миқдори туркий ила мутакаллимдирки, бунлар турк,
барлос ва соир қабилалардир.

Ўзбакий ва тожикий дедим, туркий ва форсий да-
гил, яъни форсий ва туркий қадим ва жадид шевала-
ринда муҳаррири адабий жумлалари фаҳм ва идро-
кидан ожиздирлар. Анжақ, ғоят маҳдуд омман ва ур-
фан бу ҳолдан мустаснодир. Самарқандда юз қадар
маҳаллалар вордирки, баъзисинда ўзбакий, баъзи-
синда тожикий ва баъзисинда бу икки лаҳжа қоришиқ
сўйланур. Фарибдурки, қари-қўжа ва авлоддан ибо-
рат оиласда жўжуқ онасила тожикий, отасила туркча
сўйлар. Жаноб устод, қудуми баҳжат лузумингиз ша-
рафила муфтахир ўлан қулбай фақиронамда мавжуд
икки оиласнинг бириси форсий, дигари туркий ва ҳар
бири муҳотабина ўз лисонила хитоб эдар. Бу ҳол бутун
Самарқандда ҳукмфармодир. Шўйлаки, аҳолимиз ҳар
икки лисон ила ифодай марома қодирдур. Туркистон-
нинг бошқа балдалари бу хосиятдан маҳрум ўлароқ
ҳаб ўзбакийдир.

Келалим расмият ва идора лисонина. Ал-он Туркис-
тонда Дору-л-қазо ва улус ва вулус маҳкамаларинда
дафтарлар ва расмий авроқ куллиян туркча ёзилур.
Ҳукумата тақдим эдилар арзихол ва көғазлар русча
ёки туркча ёзилмалидир. Фақат Дору-л-қазолара муф-
ти тарафиндан ёзилуб верilan фатволар форсийча
ёзилуб Дору-л-қазо котиблари тарафиндан яна даф-
тарлара туркча қайт ва забт ўлинурки, бу ҳоллар икки
тилнингда таҳсилина сабаб ва лузум ўлур.

Эски замондан бери Туркистон, Афғонистон, Бухоро,

Хива, Эрон, Қирғизистон орасинда ўлан тиҷорат ва мұносабат ила икки лисоннинг таҳсилина ҳожат ўлмиш. Шимди русчада, баъзан французча дахи лузум кўстариор. Хонлар замонасина назар эдилурса, маҳкамай шаръия авроқининг форсий ва хон девонларининг авроқи туркий ўлдиги кўрилур. Бу ҳол ёлғиз Самарқандада маҳсус ўлмаюб Туркистони Русий ва Туркистони Афғоний, Хива ва Бухоро ўлкаларина ҳам хосдир.

Макотиби қадимада ҳол яна бўйлачадир. Ўқилан ва мақдовли китоблар – Навоий, Фузулий, Бедил, Ҳофиз, Саъдий, “Саботу-л-ожизин”, “Муроду-л-орифин” ва гойридирик, баъзи форсий ва баъзи туркий ўлдиги жумлай маълумдур.

Бу сўнг замонда усули жадида номила ислоҳ ёдилмиш ва очилмиш мактаблара келинча, бунлар “Таржимон”и ғарро таъсирила алифбодан интиҳосина қадар туркча дарс вериб, Туркистонда туркчанинг интишорина хидмат қилмақдадир.

Авоил ҳолда лисон дарси хоҳ туркий ва форсий ўлсин – мажбур “табиий” суратда янги мактаблара туркча китобларла туркча дарслар верилдиги форсийлар ичин оғир бир ҳол эди. Буни мушоҳада этиб, Туркистонда усули жадида монандига аввал дафъа алифбо ва жутрофия ва форсий тартиб ва табъ этдирмак муҳлисингиз баҳмиға тушди ва модомики Туркистонда туркий ва форсий тили қоришиқ, ҳамда ноғиъ суратда қоришиқдир. “Мактуботу-л-атфол” номила мўътадил шевада туркий ва форсий қоришиқ бир иншо рисоласи тартиб ва табъ этдириб, “Тавҳиди лисон” бобинда, муқаддимасинда баъзи ожизона мутолаа ёздимки, баъзи муаллим ва муташарифларнинг дикқатинида жалб этди ва бендан суоллар эдилди. Бу иншо шимдилик Туркистон мактабларина оз-оз кириор.

Бу қоришиқ иншо Сирдарё ва Фарғона вилоятларининг мактабларнинг ва икки лисона ошно кишиларнинг хушина кедирмиш. Насл хушина кетмасин, кечан сана Фарғона мактаб ва мадрасаларина зиёрата кездигим аснода кўрдимки, дарс китоблари арабий. Муаллим ва мутааллимлар турк ва такрир эса аксарият ила форсийдир. Аммо янги мактабларина боқилса, сирф татар муаллимларини Бедил ва Ҳофиздан дарс вермая аҳоли маҗбур этмиш. Бу одат ҳам музирр, ҳам ноқисдир.

Туркистон хонларидан Амири Фарғона Умархон ҳазратларининг “Девони амирия”сина боқијормисиз? Шеърлари, назм ва насрлари ҳаб қоришиқ ўлуб, форсий ва туркий риштаи назм ... таҳрира чегамаздир.

Фузулий, Навоий, “Хамсаи куллиёт”, Фузулий, Ҳувайдо, “Мабдаи нур”, Сўфи Оллоёр илаҳ туркий девонлар баъда Ҳофиз, Бедил, Низомий илаҳ форсий девонлар каби манзум асарлар ва ададсиз тасаввух, ахлоқ, фикҳ ва адабиёт, назм ва наср китоблар Туркистонда форсий ва туркий лисонларини турк ва форсий ақвоми мухталифлари байнинда олтин эди...

Ҳозирги айёмимиза боқалим, матбуоти жадидая ва рубъи асрдан бери “Таржимон” воситасила туркий ва адабиёти жадидай асрия ва эҳтиёжоти мадания ила ошно ашхоси киром орасинда макотиб ва адабиёти жадидая муҳаббат ва рағбат хейли ортмишdir. Фикримча, бу истило давом эдар ҳамда ниҳоятсиз давом эдар. Қозон шевасина нисбатан Қrim, Қофқоз ва Усмонли шеваси туркистонлilarа асҳалдур. Чунки, зотан Туркистон лисони адабияси туркий ва форсий ва арабийдан мураккабdur. Шимол туркларининг лаҳжасина русча кўб маҳлут ўлмиш ва бизим шевада эса арабий чўқидir.

Туркистон макотиби жадидиянинг “лисони истиқболияси” ёйинки проғрам лисониясиндан бир қоч сатр ёза-

лим. Умумрусия мусулмонларинда, Туркистони Русий ва Самарқандда усули савтия мактаблари “туркийча” ўлароқ вужуда чиқди. Жумла муаллим, устод ва муовинлар туркий “Таржимон” тили соясинда матлаб ва маълумотта ноил ўлдилар. Турк тили ва адабиёти Русия мусулмонларини саййид эдажақдир. Матбуот бунга шоҳиддур.

Таассуби лисония кўстармиш жаридалара бу кун боқилса кечан санадаги шевасини хейли адабий этдиги кўрилур. Даҳа муқаддамги қабо шеваси хафо ва ... пардасиға бурунмиш. Мактаблар ва бутун осор ва расоили жадида иккинчи ва учинчи давра ва табъларинда бу қоидая жабарий суратда итоат эдарлар. Бу жабар табиъатдир. Бизда бу табиъата тобеъ бўлиниориз. Фикри ожизимча, Туркистон макотиби ибтидоялари дўрт санали ўлуб, лисони форсий ғолиб маҳаллардаги макотибнинг биринчи ва иккинчи саналари форсий ва учинчи, дўртинчи саналари форсий ва туркий мўътадил шевада таълим ва таҳсил этмалидир. Лисони туркий ғолиб маҳалларда эса мазкур усули акс этдириб, икки тилимизни бақосина хидмат этмалидир.

Туркистон муфаттиши ғраф Паленга ва они мутаъаддид ёвурлариға макотиби Туркистон бобинда арз ва тақдим эдилмиш лойиҳаи ожизонамда Туркистон тили туркий ва форсийлиги ва русларнинг занн ва орзу этдиклари хос форсий ўлмадигини далоили лозима ила кўстардим. Ҳамда “Адабиёти туркия ва форсияни янги фикрлилар янги мактаблара идхол этмишлар” деган суола “Хайр, афандим. Туркистон мактабларинда туркий ва форсий тиллари ва адабиёти янгилилар идхол этмади, балки туркистонлиларни ё турк ё форсликлариндан ўтри адабиёти туркия ва форсия азалдан бери ворки, эски мактабларда мавжуд эди. На-войй, Фузулий, Бедил, Ҳофиз, Саъдий ва соирлар бунга

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали шаҳодат верирлар....”, дея шафоан ва таҳриран жавоб вермиш эдим.

Лисон ва мактаб масаласинда “Таржимон” муриди бўлиндигим ва бу масалада аҳволи миллиямиза мувофиқ бўлиндигим мастур дагилдир.

Самарқанд муаллимлари орасинда мактаб програмини сирф форсий этмак тарафдорида вордир. Туркий програм орзу эданларда вордир. Лекин Тошканд ва Хўқанд муаллимлариндан аксарияти мактабларини икки лисон узра бино этмакдадир.

Туркистон муаллимлари таътилда жамъ ўлуб мажлис этса эдилар чўқ хайрли ўлурди. Чунки ихтилофи програмдан ихтилофи масолик ва ихтилофи маълумот ва ондан эса нифоқ туғар.

Муфти Дору-л-қазо Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа. Самарқанд.

Амир Дониёлнинг қабрдан ёзмиш мактуби¹³³

Мен, Бухоро аморатинда ҳозирги амирларнинг жадди аълолари ва силсилаи ҳозиранинг муассисидурман. (Ҳозирги Бухоро амири ҳазратлари ота тарафиндан турк уруғи мангит қабиласиндан ўлуб, она тарафиндан араб ва саййиддурлар). Буюк Бухоро ва Туркистоннинг подшохи эрдим. Туркистон ўлкасидаги боши бузуқ хонларини ва ҳадсиз ўлан ўзи бек (ўзбак) эл бекларини кўб меҳнат ва кўб ғайрат ва сиёsat ила лашкарим ионати сабабли ўзима байъат этдирдим ва бу кунги Бухоро аморатини ташкил этмиш эдим. Шўйлаки, Туркистон түғ беклари, эл хонлари хидматима муҳайё эдилар. Буюк Туркистон ўзбаклари ва барча улус халқи ва турк қабоили “Дониёл оталиқ” лақаби олиясини вермишларди. Тутмиш усулимдан бири, муҳим ишларда барча беклар

¹³³ Шўро, 1912, №23.

сўзларини тингламоқ ва охиринда ўз раъйим била ишламак эди. Онингчун, ҳатто, севикли рафиқам Ойим: “Билмам нечун бегим, ҳар ким сўзини маъқул дерсан?”, – дея манга эл-улус ишлари тўғрисинда шиддатли эътиrozларда бўлинур эди. Мен-да: “Шоҳмурод онаси: Сенинг сўзинг-да маъқул!” – дердим. Бу жумла, ушбу кунда Туркистон турклари орасинда оталар сўзи қаториндадир.

Хусусий майшатдан-да бир лавҳа кўстарайин: Севикли бойбучам ҳайит ва арафа кунларинда мени йўқлаб туради. “Халқ болалари ҳайитда гул каби кийинур, ястанур, аммо Шоҳмурод жоним эски кийимда!” – дея ҳасратланурди. Мен эса муқаррарий вазифамни байтулмолдан пишаги олуб, бойбучамни арзо этардим. Баъзан, байтулмолчи талабимни қабул этмаса, мұттал қолур эдим. Ўтканлар ўтсун! Хайрул хулқим, севикли ўғлум Шоҳмурод валиниъам, маним алқо отим ва тарбиям бўйинча юртима юрт қўшди. “Марв” ва бошқа ўлкаларни мамлакатима илҳақ этди. Кандиси эса байтулмола тиқилмасди. Қашқа пўстин (тулуп)ни ёзда сиртини киярди ва мадраса шогирдлариндан ўлуб, олим ва парҳезкор эди. Табаъаси они “Амири Чет макон” дерларди. Бобом Темур ҳазратларидан қолмиш муборак даҳмалар (мозор, марқад) ва аллома Улугбек ва Ялангтўш Баҳодир ва Шайбонийхон ва ўзга эзгулардан қолмиш мадраса ва мақбара ҳам савмаъаларини татхир ва таъмир этдуруб, буюк Темурдан қолма “Кўктош” тахтина “Самарқанд”да жулус этди. Темурнинг пойтахти ўлан “Самарқанд”да қурт ва қущдан ҳамда ҳоли эски иморатлардан бошқа бир шай йўқ ва дохилий фитналар сабаб шаҳар одамсиз қолмиш экан. Бу кунги 155 маҳалласини муҳожирлар ила тўлдурди. “Самарқанд” мадрасалари маним бу даҳмам каби зор ва хароб экан.

У канди али-ла супурди ва татҳир этди. Шаҳарнинг ўртасиндаги “Шош сукба”ни у бино этди... Оҳ, воҳ! Ҳепсини ёзмоға тоқатим йўқ ва менга кераги-да йўқ. Мен охират одами, дунё ила алоқам йўқ. Хулосасини айтайин: Ҳозирги Бухоро амири зоти анвар Олимхон, маним 7нчи халафим ва авлодимдур. Кечалим.

1192 санасинда Ҳўжа Баҳоуддин живоринда бино қилғон ўз даҳмаи фақиронамда 1199 санасиндан нари ётмоқдаман. Мендан қолмиш мамлакат ва иморат инқозини меним ворисларим насил идора этсалар этсунлар. Онда ишим йўқ. Фақат меним талабим “Нақшдори об” ўлан Бухоро ҳукуматидан, у эшигаса Бухоронинг бу кунги танпарвар уламосидан, у эшигаса шариат ила омил ҳар ким вор эса, ондин рижо эдарамки, меним даҳма ва қуббам атрофидаги мадраса ва қорийхоналаримдан жаззам ва чириган маҳлуқ васоиллар гуруҳини йўқ этуб, бу муқаддас мадраса ва қорийхонамга талаба ва қорийлар қўйсуналар. (Ал-он бу мадраса ва даҳмада пес, мохов ҳам шоллар туради.) Живориндаги масжид, охур ва оғил ва ҳужралар эса моховлар музбаласидир.

Атрофдаги 20-30 ҳужра талаба учун бино қилинмиш эди. Бу кун ҳар бир ҳужранинг вақфи 100 сўмдан зиёдадур. Яна имом, муаззин ва мударрис ва ходимлар учун кофий вақфлар бордурки, сана басана олуб турдиқлари ҳолда вазифаларини ифо этмаюрлар. Бу ўрунга маҳсус ўлан имом ва мударрислар доиман Бухорода туриб, асло бунда келмаюрлар. Ҳужраларимни вақфлари учун бойлар 300-600 сўмларға олуб, сотиб туурулар. Бухоро қозилари ва муфтилари қаю шариатга татбиқ этибдур, бу ботил байъ ва шароға рухсат бералар. Оҳ, тирик бўлса эдим, онларнинг бўйинларина замонамдаги “ғул бозорбеги”м солур

эдим (жонилариға махсус темир занжир). Лекин кима сўйлайин? Меним бу кунги турбадорам моховлардир. Модомики, бухоролилар бу ҳолларини кўрмаслар на-чора, жарида ва матбуот воситаси ила фарёд эдарга мажбур ўлдим. Хўжа Баҳоуддин зиёратина кирғонда йўлдоғи масжид ва дахма манимдур. Заввор ва сайёҳлар кўрсунларда, ибрат олсунлар ва бухороли-ларнинг лоқайдликларини билсунлар. Боқий дуо ва салом.

Бухоро ҳукуматини таъсис эдувчи: амир Дониёл

Ушбу сана 14-20 ўқтабринда Бухорода саёҳат эт-дим. Бухоро эски шаҳардур. Эски асбоб ва эски одат мабзулдур. Ҳар бир сайёҳ ўз табиатина мувофиқ эски шайлар оқтарар. Мен-да эски хабар ва эски васойик оқтардим. Ҳазрат Баҳоуддин ва амир Дониёл зиёратлари асносинда қўлима баъзи шайлар кирди. Онлардан бири Дониёл оталиқ марҳумнинг ушбу мактубидур. Мўътабар “Шўро” ўқувчиларина тухфа этмак нияти ила бу мактубнинг нусхасини идорага юбордим. Келажакда бошқа васойиклар-да ирсол ўлунур.

*“Самарқанд” дорул-қазо муфтийларидан:
Махмудхўжса Беҳбудий.*

ХХ АСР БОШЛАРИ ЎЗБЕК ВАҚТЛИ МАТБУОТИНИНГ ТАШҚИ ДАВРИЙ НАШРЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАРИ

(“Ойина” журнали мисолида)

Ўзбек, турк, татар, озарбайжон, эрон, араб уйғониш харакати вакиллари бир-бирлари билан матбуот орқали ҳар доим алоқа ўрнатиб боришиган. Туркистон матбуоти нашрларида учровчи иқтибослар ҳам бу муносабатларнинг бир далили бўла олади. Аслида, рус ва хориж матбуотидан иқтибослар бериб бориши маҳаллий матбуот учун цензура ўрнатган талаблардан бири бўлган. Кўпчилик мухаррирларнинг матбуот очишга рухсат олиш учун тайёrlаган дастурларида мана шу банд ҳам қайд этиб ўтилган.¹³⁴ Беҳбудийнинг ўзи ҳам мунтазам равишда ташқи даврий нашрлар билан танишиб борганидек, “Ойина” учун улардаги энг аҳамиятли хабарлардан иқтибослар олган.¹³⁵ “Таржимон”, “Вақт”, “Юлдуз”, “Сабоҳ”, “Қуёш”, “Чехранамо”, “Ал-Ҳилол”, “Шўро”, “Мулла Насриддин”, “Ислом мажмуаси”, “Сирож ул-ахбор” каби вақтли матбуот нашрларидан келтирилган иқтибосларни журналнинг деярли ҳамма сонида кузатиш мумкин. Ушбу кўчириб босилган материалларни қуидаги йўналишларга ажратиб кўрсатиш мумкин:

¹³⁴ Дўстқораев, Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. –Б. 190.

¹³⁵ “Беҳбудия кутубхонаси”да ҳам ”Сирож ул-ахбор” (Афғонистон), “Қадинлар дунёси” (Қозон), “Чехранамо” (Миср), “Ҳабл ул-матин” (Калкутта), “Таржимон” (Боғчасарой), “Мулла Насриддин” (Боку), “Юлдуз” (Қозон), “Шўро” (Оренбург) сингари ташқи нашр нусхалари бўлган. Бу ҳақда қаранг: “Ойина”.1914. №27-62.

1. Таълим ва маориф мавзудаги иқтибослар. Бу мавзудаги кўчирма материалларда чет ўлкаларда жорий қилинган таълим тизими ҳакида маълумотлар, олиб борилган ёки ўтказилаётган ислоҳотлар, мактаб ва маориф ишларига кўпроқ урғу берилади.¹³⁶

2. Мусулмонлар ҳаёти акс этган мавзулардаги иқтибослар. Турли ўлкалардаги мусулмонларнинг ҳаёт тарзи, уларга бўлган муносабат, дин аҳкомлари, шариат пешволари, муқаддас қадамжолар, дунё мусулмонлари ҳаётидан лавҳалар акс эттирилган мақолалар шулар жумласидандир.¹³⁷

3. Ҳарбий-сиёсий мавзудаги иқтибослар. Бу турдаги иқтибосларни ҳарбий-сиёсий янгиликлар, муҳолифатлар, муҳорабалар, ислоҳотлар ёритилган мақолалар ташкил этади. Бу мавзудаги иқтибослар журналда камчиликни ташкил этади.¹³⁸

Иқтибослар, албатта, муҳим маънога эга мавзулардан танланган. Мавзу кўлами жиҳатидан айтиш керакки, иқтибос сифатида, аксаран, таълим ва мусулмонлар

¹³⁶ “Тошканд семинарияси – дорул муаллимин” (“Вақт”. 1914.№25.–Б.396-397), “Илм аҳлларига ҳадия” (“Шўро”. 1914.№41.–Б.977-978), “Японияда талаба майшати” (“Вақт”. 1914.№43.–Б.1024-1029), “Туркистонда биринчи намуна мактаби” (“Вақт”. 1914.№43.–Б.1029-1030), “Русия қанча мактабга муҳтож” (“Шўро”. 1914.№48.–Б.1153-1154), “Ислоҳи мадорис” (“Сабоҳ”. 1914.№52.–Б.1239-1240)

¹³⁷ “Махрами эрониён ва исломиён” (“Чехранамо”. 1913.№9.–Б.216), “Эроний ҳожиларнинг Мадина ёклигинда талангани” (“Чехранамо”. 1913.№9.–Б.209-210), “Хитойда қанча мусулмон бор?” (“Чехранамо”. 1914. №14.–Б.232-233), “Мусулмонларни кофир этмоқ осон эмас” (“Шўро”. 1914.№35.–Б.828-830). “Бухоро шиалари” (“Таржимон”. 1914.№44.–Б.1059), “Мусулмон ятимхонаси” (“Вақт”. 1914.№46.–Б.1104-1105), “Қаъбаи муаззама ва хажжи шариф” (“Ал-Ҳилол”. 1914.№45-48).

¹³⁸ “Қазоқларнинг вазирга мурожаати” (“Ойқон”. 1914. №32. –Б.634), “Турк давлати нимага мағлуб бўлди?” (“Таржумон”. 1914.№23-27), “Эдирненинг мустаҳкам қилинмаги” (“Таржумон”. 1914.№26.–Б.484)

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали ҳаёти акс эттирилган мақолаларга мурожаат қилинган. Мисол учун, “Сирож ул-ахбори аффония”дан келтирилган “Аъмолимиз ёинки муродимиз”¹³⁹ иқтибоси тўй, базм, маърака масорифлари ҳақида. Унда одамлар ўзлари емай-ичмай тўплаган пулини тўйга сарфлаши, қарз кўтариб тўй бериши ва оқибатда қарздан қутулиш учун жойини, боғини, ҳатто кўрпа-тўшак, кийим-кечакларни сотиб хонавайрон бўлиб юришлари девоналик деб баҳоланган: “...Ой, бу нима? Тўғриси бир навъ девоналик эмасму? Субҳоноллоҳ, қарз қилиб халқға ош бермоқ ақлсизлик эмасму?” Бу мавзу матбуотда энг кўп баҳсларга сабаб бўлган ва кўп бор ёзилган масалалардан ҳисобланади. Беҳбудий бу иқтибосни келтириш билан ушбу исрофгарчилик, дабдаба ва онгсизликнинг Туркистондан бошқа худудларда яшовчи мусулмонлар орасида ҳам авжга чиққанига ишора қилмоқчи бўлган. Бу иқтибосларни, кўпинча, муаллифсиз беради. Сабаби, бу анонимлик муаллифни ва муҳаррирни “ташвишдан фориғ қиласди”, деб ҳисобланган. Бундан ташқари, бирор иқтибоснинг журналда қайси муносабат билан қайта чоп қилинаётгани борасида идоранинг изоҳлари учрамайди. Муқояса учун “Таржимон” ва “Ойина”нинг иқтибос бериш тартибини олиб қарайдиган бўлсак, Гаспринский ўз газетасида қайта босаётган иқтибоснинг манбаси, нашр йили ва сонигача кўрсатиб, кириш ёки сўнгсўз сифатида изоҳ ҳам ёзиб ўтади. “Ойина” журналида бу каби иқтибоснинг дастлаб эълон қилинган йили ва сонини, изоҳини бериш эса анъана тусига кирмаганилигини кўрамиз. Шу боис иқтибосларнинг биринчи варианти билан қиёслаб текшириш имкони бўлмади. Лекин “Ойина” билан ташқи даврий нашр-

¹³⁹ Аъмолимиз ёинки муродимиз// Ойина. 1913 №6. –Б.130-132

ларни услуг ва тил жиҳатдан текшириш мақсадида, уларни умумий аспектда қиёслаб ўтилди. Хусусан, журналда босилган иқтибосларнинг катта улушини татар матбуотидан олинган кўчирмалар ташкил қиласди. Тил жиҳатидан улар “Ойина” танлаган “ўрта шева”га нисбатан мос келган, деб айтиш мумкин. Беҳбудийнинг ўзи ташки нашрларни тушунилиш жиҳатидан икки гурухга ажратиб, “Таржимон”, “Улфат”, “Иршод”, “Ҳаёт” газеталарининг тили “Озод”, “Юлдуз”, “Нур” газеталари газеталарни “бир шевайи васатияя иттихоз этмак”¹⁴⁰ига чақиради. Гаспринский ҳам таъкидлаганидек, кўпчилик газеталарнинг “ҳар бири бирор турли шевада”¹⁴¹ нашр бўлаётгани “умумий лисон”дан узоклашишга олиб келаётганди. Лекин Гаспринский ҳам, Беҳбудий ҳам тил бирлиги масаласида яқдил бўлса-да, улар танлаган “ўрта шева” бошқа-бошқа эди. Бу фарқни улар нашр этган “Таржимон” ва “Ойина”нинг тили яқъол кўрсатиб беролади:

“Илм, ҳилм, маориф, иззат-нафс ва ҳайсият риёкорлиға табдил ўлмиш эди. Бу сўзлар, балки оғу сўзлардир, лекин дўғри сўзлардир. Тарих ёзан муаррих мадҳия ёзан мирзо дагилдир” (Тарихи жадидаи Туркистон // Таржимон. 1905. №110.)

“Туркистон Осиёи вусто ва ёинки Туронзаминдан иборат ва турк қавмининг мухталиф уруғлари ила маскун бўлуб, ҳоли ҳозирда Туркистони русий ва Туркистони чиний қисмлариға бўлинур”. (Ойина. 1913. №1.)

Ҳар икки мақоланинг услугидан ҳам муҳар-

¹⁴⁰ Ҳақиқат ҳар тарафдан зухур эдар // Таржимон. 1906. №48. / Тарихнинг номаълум саҳифалари. 4-китоб. –Тошкент:Fafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2013. –Б. 273.

¹⁴¹ Тил ва лисон йили //Таржимон. 1906. №142. / Исломилбек Гаспринский. Ҳаёт ва мамот масаласи. –Тошкент: Маънавият, 2006.–Б.116.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали рирларнинг миллий тил хусусиятлари таъсири кучлиги англашилиб турибди. “Таржимон”да турк тили элементлари устун бўлса, “Ойина”да форсий-арабий сўзларни қўллашга “ўчлик” сезилади. Гаспринский “Таржимон” тилини содда ва очиқ, деб билади. Беҳбудий ҳам, аслида, “Таржимон” муриди эканини таъкидлагани ҳолда, “ўрта шева” борасида бошқа йўлдан боради. У танлаган “мўътадил шева”¹⁴² туркий ва форсий тилнинг оралиғидаги қоришиқлик эди.¹⁴³ Бизнингча, бунинг хусусий ва умумий сабаблари бор. Биринчидан, Туркистонда халқ азалдан шу икки тилда сўзлашиб келган. Демак, Беҳбудий туркистонликлар учун мослаб, шу йўлни танлаган. Иккинчи томондан, Беҳбудийда форсчага мойиллик қўпроқ бўлган ва у ҳеч қачон форс тилидан узоқлашиб кетолмасди. Буни унинг ўзи ҳам баъзи ўринларда очиқ айтиб ўтади.¹⁴⁴

Бу мулоҳазалардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, тил ва шеванинг турличалигига қараб, иқтиbosлар ҳам баъзан тўғридан тўғри берилган ёки қисман мослаштирилган. Баъзида эса таржимаси берилган. Хусусан, форс тилидаги мақолалар ўзидек эълон қилинаверган. Арабистон, Миср нашрларидан танланган иқтиbosларнинг эса таржимаси берилган. Худди шундай таржима иқтиbosга мисол тарзида Абдусалом Ал-Азмий¹⁴⁵нинг “Ойина” учун юборган “Каъбаи

¹⁴² Туркистонда мактаб лисони // Таржимон. 1909. №14. / Тарихнинг номаълум саҳифалари. 4-китоб. – Тошкент: Faфур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2013. –Б.275.

¹⁴³ Унинг ўзи ёзишича, бу йўлда тажриба сифатида “Мактуботул атфол” номли рисола ёзган.

¹⁴⁴ Балдауф Ингеборг. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент: Маънавият, 2001. –Б.45.

¹⁴⁵ Абдусалом ал-Азмий ас-Самарқандий – Миср ал-Қоҳиранинг “Ал-Азҳар” мадрасасида таҳсил олган. Унинг “Миср ал-Қоҳирадан мактуб”и ҳам “Ойина” журналида босилган. Азмий Беҳбудийнинг ҳомийлигига ўқиган.

муazzама ва ҳажжи шариф” мақоласини айтиш мумкин.¹⁴⁶ Бу иқтибос Мисрда чиқадиган “Ал-Ҳилол” журналидан ўзбекчага ўғирилган. Мақоланинг ички номланиши “Қаъбаи муazzама”дир. Унда Каъбанинг жойлашиш ўрни ва архитектураси, хусусан, безаклари, жиҳозлари, қайси султон даврида қандай ўзгаришлар қилингани, ҳажару-л-асвад билан боғлиқ ҳодисалар, ҳаж тартиблари, эҳром боғлаш тартиблари, ҳожиларга ман этилган ишлар ҳақида гап кетган. “Ойина” мухлислари мусулмонлар ҳаётига оид чиқишларни илиқ қарши олишган. Журнал муҳаррирининг чуқур диний билимларга эгалиги, бу мавзудаги мақолаларнинг саралаб эълон қилингани, оддий халқ орасида мавжуд динга таскин сифатидаги ёндашувлар ҳам юқоридағи фикрға омил бўлади. Диний-сиёсий ёки диний-ижтимоий руҳдаги хабарлар имконият даражасида етарлича эълон қилинган. Фақат айрим, таҳририятнинг ўзи маҳфий деб ҳисоблаган хабарларни кўз илғамас тарзда бაъзи мақолалардан кейинги давом сифатида бериб кетилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ҳеч қандай алоҳида ишорасиз, номсиз. Масалан, 1914 йил 18-сонида “Каркидан жаноб Абдуллоҳ афанди ёзадурларки” хабари тугаган ўринда “Идил” газетаси мухбири Абдураҳмон Амируғунинг 4 йилга сургун қилингани хабари келтириб ўтилган. Ёки 1913 йил 4-сонда берилган “Хитода ва Жопуниёда исломнинг интишори” мақоласи сўнгида “Қурайш жазирасида собиқ садри аъзам Комил пошо вафот бўлубдур”, деган қисқа хабарни кўриш мумкин. Булар, бир қараганда, аввалги мақоланинг давомидай тасаввур уйғотиш ва цензорнинг эътиборини ортиқча тортмаслик учун ҳам шундай қилинган, деб тахмин қилиш мумкин. Журнал-

¹⁴⁶ Абдуссалом ал-Азмий ас-Самарқандий. “Қаъбаи муazzама ва ҳажжи шариф” // Ойина. 1914. № 45-46-48.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали даги матнлар ҳам техник жиҳатдан бир-бирига яқин ва гоҳида сиқиқ тарзда жойлашириб юборилган. Бу ҳолатга ўша даврнинг ижтимоий, сиёсий, моддий ёқларини ҳисобга олган ҳолда баҳо бериш лозим.

Миқдор жиҳатидан иқтибос олинган манбалар кўпроқ “Таржимон” ва “Вақт” газеталарига тўғри кела-ди. “Таржимон” туркистонлик зиёлиларни матбуотга ҳаваслантирган илк нашрdir. Зиё Сайд сўзлари билан айтганда, “Таржимон” газетасининг ўқувчилари қўпайиши билан, жадидларнинг матбуотга ҳаваси қучайди.¹⁴⁷ Ундаги аксарият мақолалар Туркистон жадидларини доим илҳомлантирган. “Ойина”да ҳам “Таржимон”дан нашр қилинган хабар ва мақолалар кўп учрайди. Хусусан, “Ойина” сиёсий-ҳарбий мавзуда танлаган мақолалардан бири “Таржимон” газетасидан олинган. Аслида, мавзу “Турк давлати нимага мағлуб бўлди?” дея номланган бўлса-да, унинг тагида “бошқа бир савол ҳам бор. Ул будурки: жумлай ислом давлатлари ва бутун миллати исломия на учун таназзул қилди?” Гаспринскийнинг фикрича, ҳамма ҳодисалар узвий боғлиқликда кечади. Яъни турк давлати мағлубияти мусулмон оламининг таназзули билан боғлиқдир: “...Мана, agar мунинг жавоби тайин қилинса, турк давлатининг нима учун таназзул қилиши яхшироқ маълум бўлур”. Шундан сўнг мусулмонларнинг ўтмишда оламшумул шухрат эгаси бўлганликлари ва қандай сабабларга кўра ҳозиргидек ачинарли ҳолга тушиб қолганликларини изоҳлашга ўтади: “Умаройи ислом кўб ғофил эди, лекин уламойи ислом кўброқ ғафлатда қолган эди. Муҳит ва ҳаёти исломия шундоқ бир ҳолға келган эдик, энг золим бир шоҳфа ёинки султонға “одил”, энг жоҳил бир муллоға “олим”, энг порахўр бир қозиға “ходими шаръи шариф”,

¹⁴⁷ Сайд, Зиё. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар. – Тошкент-Самарқанд: Туркистон давлат нашриёти, 1927. –Б.35.

душманни кўрмасдан қочганларға “баҳодир, қаҳрамон”, ноҳақ шаҳодат берганларга “амин”, ақдға ва нақлға келмаган афсоналарға “таълиф”, беш-йн сатр мадҳия илан хушомадгўйлик қилганларға “адиб”, йўлларни босуб, етимларни ийғлатгонларға “оға”, билар-бilmас турмасдан сўйлаганларға “ориф”, таъмачиларға “муршид”дек лақабларни тиқиштурмоқни “мадоро” ва “усули мусошират” ҳисоб этиб кундан кунға дунёмиз қорайибдур”. Мулоҳазалар шу тартибда, тарих ва бугунни қиёслаш йўли билан айтиб борилган. Ушбу мақола серияли тарзда давом этган. Ўз ўрнида, “Таржимон” ҳам “Ойина”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона” каби Туркистон матбуотидан иқтибослар бериб борган. “Таржимон” саҳифаларида “Ойина”дан олиб босилган иқтибосларга “Эътироф” (1913, №255), “Туркистонда сайловлар” (1913, №266), “Бухорода тўйлар” (1913, №278), “Милий майшат” (1913, №279), “Бухоро хабарлари” (1914, №8), “Бир суннат тўйи” (1914, №28), “Энг керак ва энг қиммат шай надир?” (1914, №28), “Фавқулодда такфир” (1914, №31) кабиларни мисол қилиш мумкин.

Яна бир татар матбуоти ҳисобланган “Вақт” газетаси билан “Ойина” ўртасида ҳам кенг ҳамкорликни кўриш мумкин. “Вақт”дан иқтибос қилиб олинган “Вақт” газетаси “Ойина” ҳақинда на дер” мақоласида муштариyllарни “Ойина” учун обуна бўлишга ва уни тарқатишга даъват қилиб чиқади: “7-8 миллионлик Туркистон халқи орасида ўз шеваларинда бирдан бир бўлган бу илмий, адабий мажмуанинг бу ҳолда бориши шоёни таассуфдир. Бу мажмуя ҳар хил мавзуларда илмий мақолалар, шеърлар ёзib ўқувчиларининг хейли муҳаббатларини жалб этган, ёлғуз бир Туркистондагина эмас, Истанбул ва Ҳиндистонда бўлган туркистонли талабалар орасида ҳам муҳаббат ила ўқулганлиги идорамизға келган

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали мактублардан англашилган эди”¹⁴⁸ “Вақт” уламо ва ёшларни “Ойина” учун моддий ва маънавий кўмакка чақиради. Уларнинг таклифича, шундай йўл тутилса, мажмуя (журнал дейилмоқчи – Н.Э.) йилдан йил ўқувчи тўплаб ўзини ўнглаб олиши мумкин. Бу мақоланинг тили “Ойина”га бир оз мослаштирилган. “Вақт” ва “Ойина” тилининг тафовутини кўриш мақсадида бу икки нашрни ўзаро қиёслаш лозим. Бевосита “Вақт”дан айнан келтирилган қуидаги парчада газетанинг тил хусусиятларини фарқлаб олиш мумкин: “Бир жиҳатдан динимизнинг қадр ва эътибори ортувиға, иккинчидан миллий ва адабий қийматимизнинг кўтариливина сабаб бўлачақ бу эзги моросимнинг йилдан йил тараввиж этилуб муайян бир суратка кируви тараққиёт давримизнинг энг кўнгулли бир саҳифасин ташкил этса керак”¹⁴⁹ Кўриниб турганидек, “Вақт”нинг тили “Ойина”дан соддароқ, енгилроқ. Журналда келтирилган иқтибослар, албатта, “Ойина” тилига мосланган. Умуман, бу анъана ўша даврдаги барча вақтли матбуот нашрларига тааллуқли ҳолатдир.

Иқтибослар ўзга кишининг фикрлари билан таъсир ўтказиш мақсадида қўл келган. Яъни Туркистон мусулмонларига қардош халқларнинг ибратли ишларидан на-муна сифатида кўрсатиш, биродарлари ҳаётидаги муҳим воқеалардан хабардор этиб туриш, уларнинг фикри билан таништириш каби мақсадлар иқтибос қўллашнинг асосий сабабларидан бири бўла олади. “Ойина” журнали аҳамиятга эга мавзуларда иқтибослар эълон қилган. Шу билан бир қаторда, журналдаги иқтибосларнинг тадқиқи “Ойина”нинг ташқи нашрларга муносабати ва алоқаларини ўрганиш учун йўл очади.

¹⁴⁸ “Вақт” жаридаси “Ойина” ҳақиқида на дер. // Ойина.1915.№53. – Б.18.

¹⁴⁹ Пайғамбаримиз Мұхаммад (с.а.в.) ҳазратларининг тувғон куни или жумлаи мусулмон қардошларимизни табрик этамиз // Вақт. 1916.№1955.

“ОЙИНА” ЖУРНАЛИДА АДАБИЙ МУХИТ I

Адабиёт давр талабларидан келиб чиқиб, ўз мавзу-мундарижасини белгилаб боради. Хусусан, ўзбек шеъриятининг шу кунгача босиб ўтган мавзу йўналишларига эътибор бериладиган бўлса, уларда ўз даври муаммоларидан келиб чиқсан турлича тенденцияларни кузатиш мумкин: Навоийдан аввал ва ундан кейинги мумтоз шеъриятда тасаввифий оҳанглар, илохий ишқ тасвирларига кенг ўрин берилган. Хонликлар даврига келиб эса назм илохийликдан бир пофона пастга тушди. Бу даврнинг лирик қаҳрамони ижтимоийлашди, зулмга қарши курашувчи, хон ва бойларни қораловчи инсон сифатида гавдаланди. Туркистон ўлкаси мустамлака зулми асоратига тушиб қолган XIX аср охирларидан бошланган миллий уйғониш даври босқичига келиб энди шеъриятдаги мавзу ҳам, услугуб ҳам кескин ўзгарди. Агар жадид шеъриятининг биринчи босқичи 1905-1917 йиллар оралиғи деб белгиланса¹⁵⁰, шу қисқа вақт ичидаги мавзу ҳам, услугуб ҳам кескин ўзгарди. Агар жадид шеъриятининг биринчи босқичи 1905-1917 йиллар оралиғи деб белгиланса¹⁵⁰, шу қисқа вақт ичидаги берган жараён кўп асрлик анъана қолипини парчалаб юборди. Бу босқич шеъриятда “тажриба босқичи” бўлди ва у ифоданинг тўпориликдан жозибадорликка ўтишига замин ҳозирлади.

“Куйдан даъватга”¹⁵¹ айланган бу давр шеъриятини маърифий руҳдаги шеърлар баёзи, дейиш мумкин. Унда “эркинлик”, “тараққиёт”, “маърифат” мавзулари қизил чизиқ бўлиб ўтганини кўрамиз. Мутахассислар

¹⁵⁰ Қосимов, Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. –Тошкент: Маънавият, 2002. –Б. 128

¹⁵¹ Йўлдошев, Қ. Ёниқ сўз. –Тошкент: Маънавият, 2006. –Б. 184

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали XX аср бошларида жадид адабиётини “бадииятига кўра у қадар юксак эмас”¹⁵² деб баҳолашади. Бу хусусият, айниқса, шеъриятда кўпроқ сезилиб турди. Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд:

1. Ҳиссиётни бадиий тарзда етказиш Шарқ халқлари учун анъана. Лекин фикрни шу йўл билан етказилганда бадиийликка путур етиши турган гап.

2. Танланган мавзу йўналишига қараб (ilmga чақириш, иллатларни танқид қилиш, ижтимоий фикрни сингдириш) шоирдан кескин ва оддий ифодаларни кўллаш талаб қилинади. Шу боис жадид шеъриятида поэтик ҳашамдорликдан қочиш ва мақсадга яқин йўл билан етишга уриниш етакчилик қиласди.

3. XX асрга келиб бадиий шаклдан кўра бадиий мазмун бирламчи кучга айланди: қандай ёзиш эмас, нимани ёзиш муҳим бўлиб қолди. Шу боис “ялангоч даъват ва чақириқлар”¹⁵³ бадиийликни “шиорбозликка алмашди”.

4. Жадид адабиётининг дастлабки намуналари “ўтиш даври” (1905-1917 йй.) маҳсули ҳисобланиб, янги жанр, янги услугга ишлов бериш давомида сайқалланди. XX асрнинг 20-йилларига келибгина у “ҳар жиҳатдан тўлақонли адабиётга айланди”¹⁵⁴.

XX аср адабиёти ва адабий манзараси жадид матбуотида тўла-тўқис акс этган. “Ойина” саҳифалари ҳам бу жараёндан четда қолмади. Журнал ўз фаолияти давомида кўплаб шеърий материалларни нашр этган. Улар ўзбек (70%) ва тожик (30%) тилларида ёзилган маърифий ҳамда диний, ижтимоий шеърларни ўз ичига олади. Журналда Васлий, Миллий (Нусратилла Кудратилла),

¹⁵² Қосимов, Б. Миллий уйғониш... –Б.128.

¹⁵³ Қосимов, Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. –Тошкент: Маънавият, 2002.–Б.128.

¹⁵⁴ Ўша ерда. –Б.128.

Фахриддин Рожий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ҳожи Муин Шукрулла, Садриддин Айний, Нигорхоним, Маҳмуд Акрам, Тавалло, Ваҳобий, Кавқабий, Ўщий каби муаллифлар мунтазам иштирок этиб боришган. Муаллифлар доирасига эътибор берилса, Туркистоннинг турли ҳудудларидағи, шу билан бирга, турқ, афғон, эрон, татар шоирларининг ҳам фаол қатнашганликларига гувоҳ бўламиз. Шеърларнинг аксарияти маърифий мавзуда бўлиб, маснавий шаклида битилган. Шу ўринда шеърларни жанр хусусиятига ва мавзусига қўра таснифлашга зарурат туғилади.

Шеърларнинг жанрига қўра таснифи қуйидагича¹⁵⁵:

1.Ғазал. Журналда миқдор жиҳатидан ғазал жанри энг кўп учрайди. Лекин уларнинг барчасини ҳам ғазал жанри талабларига жавоб беради, деб бўлмайди. Бунинг бош сабаби вазн билан боғлиқдир. “Ойина” нашрда бўлган йиллар (1913-1915) шеъриятда аruz вазни етакчилик қилган бўлса-да, бу даврда аruz вазнида бузилишлар рўй берётган эди. Бу ўзгаришлар мисрадаги ҳижолар сифати (чўзиқ-қисқалиги) ва миқдорининг бузилишида қўринади. Бу эса бир ғазални битта баҳр билан номлаш имконини бермайди. Мисол учун, журналда эълон қилинган ғазаллардан айримларини кўриб ўтиш мумкин:

Ўлуб ақвол/и уммат мун/салиб сидқу /садоқатдан,
Жаҳолат зул/мати босди/ бизи ушбу /разолатдан.¹⁵⁶

Ушбу ғазал бошланишидан ҳазажи мусаммани со-

¹⁵⁵ Тасниф аруз жанрлари бўйича амалга оширилди. Шеърларни таснифлашда қўрсатган амалий ёрдами учун доц. Д.Юсуповага миннатдорчиллик билдирамиз.

¹⁵⁶ Мулла Убайдуллаҳўжа Сулаймоний. Таассуф // Ойина. 1914. №18.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали лим баҳрига мос тушган. Тўртинчи байтга келиб, аруз вазнидан чиқиши ҳолати юз берган:

*Бу Шарқ аҳ/лини кирдо/ри эрур ғафлат/ла сархушилик,
Хўжум айлаб эзаверди бу сархушилик сафолатдан.*

Биринчи мисрадаги “шарқ” сўзи ўта чўзиқ ҳижо бўлиб, бундай ҳижо, одатда, мисра сўнгида кўпланилади. Мисрадаги биринчи руқннинг биргина чўзиқ ҳижога камлиги вазни “издан чиқарган”.

Ҳижолар сифати ва миқдорининг бузилишига сабаб бўлувчи яна бир ҳодиса ижтимоий, маърифий шеърларга байналмилал сўзларнинг кириб кела бошлиганидир. *Ғазта, гимнозиё, айрофлут, контрол, тилғиром* каби сўзлар ҳар доим бир хил шаклда ёзилмаган. Талафузга мослаб бир неча хил вариантларда ёзиб кетилган. Бундан вазнга шикаст етган:

*Берса устул ўтур, қимиirlама деб,
Ётамиз чалқа, ўлтуролмаймиз.
Контуроллар келиб белат сўраса,
Биз йўқотган белат тополмаймиз.*¹⁵⁷

*Ношири ғазта, Бек Исмоил афандиким эрур,
Чўқ расо фикру фасиҳ ҳам забондон “Таржумон”.*¹⁵⁸

Журналда форс тилидаги ғазал намуналари учрамади. Мавжуд форсча шеърларнинг аксарият қисми маснавий шаклида ёзилган. Кўрилганидек, шеър ёзишда вазн талабларига ҳар доим ҳам тўлиқ амал қилинавермаган. Хусусан, “Ойина”даги ғазаллар ми-

¹⁵⁷ Тавалю. Тошканд “Хива” синоматографинда // Ойина. 1914. №16

¹⁵⁸ Камий. Мўътабар “Таржумон” ва Исмоилбек Ғаспринский жаноблари ҳақинда // Ойина. 1914. №17.

солида айтиш керакки, жадид шеъриятида дастлаб арузнинг қўлланиш доираси торайиб борди, вазн “ҳавоси ўзгарди” ва ундан аста-секин чекинилди.

2. Рубоий. “Ойина” журналида Умар Хайём ва Алишер Навоий қаламига мансуб фалсафий, ахлоқий, маърифий мазмундаги б та форсий рубоий нашр этилган.¹⁵⁹

3.Мусаддас. Журналнинг дастлабки сонида Нусратилла Кудратилла қаламига мансуб “Илтижо” мусаддаси келтирилган. Қофияланиш тартибида мусаддас талабларига амал қилинган: биринчи банд ўзаро, кейинги бандларнинг охирги икки мисраси биринчи банднинг охирги икки мисрасига ҳамоҳангдир: ааа-аа, бббаа, вввваа:

*Фарёдким, мадор эди оламға зотшимиз,
Шарғи набийға чўқ эди бизнинг саботимиз,
Таълим олурди халқи жаҳон илмиётимиз,
Асру замон ўқурди бизнинг чўқ сифотимиз,
Ё Раб, ҳаёта вер, ҳора гетди ҳаётимиз,
Лутф айлабон ўзунг веражаксан најсотимиз.*

Миллий (Нусратилла Кудратилла)нинг айни шу мусаддаси тўғрисида журналнинг 3-сонида танқидий мақола ҳам эълон қилинган¹⁶⁰.

Журнал саҳифаларида “Мусаддас” сарлавҳаси билан яна бир мусаддас берилган¹⁶¹. Мусаддас форс тилида.

4.Мухаммас. “Ойина”да мухаммаснинг тахмис тури учрайди. Журналнинг 3-сонидаги “Эътироф”

¹⁵⁹ Умар Хайём. То чанд кунам арза-и нодони хиш // Ойина. 1913.№6. –Б.150.;Умар Хайём. Некий ва бадий ки дар ниҳоди башар аст. Ойина. 1913.№7. –Б.166.;

¹⁶⁰ Қаранг: Н.Явушев. Шеър ёзувчилар диққатина // «Ойина». 1913.№3. Б.68

¹⁶¹ Мулла Иброҳим ибн Сайд Камол “Журъат”. Мусаддас// Ойина.1914.№12. –Б. 293-294.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали (Хожи Муин) шеърига Камий мухаммас боғлаган ва бу мухаммас ҳам “Ойина”да эълон қилинган. Ушбу мухаммас банддан иборат. “Эътироф” шеъри 12 байтдан иборат бўлиб, Камий унинг 1-, 5-, 6-, 10-, 11-, 12-байтларинигина олган:

*Дер “Камий”, жонлар, уйғонинг эмди,
Йиғлабон, қонлар, уйғонинг эмди,
Чекуб ағғонлар, уйғонинг эмди,
Эй мусулмонлар, уйғонинг эмди,
Дард учун тармашинг даволарға.*

Бундан ташқари, журналда Фузулийнинг шеърига боғланган мухаммас ҳам келтирилган бўлиб, Аббосий қаламига мансуб¹⁶².

5. Марсия. “Ойина” саҳифаларидан Мирзо Сирож ва Исмоил Гаспринский вафоти муносабати билан ёзилган марсиялар ўрин олган. Уларда марсия ёзиш анъanasига кўра марҳумнинг миллат олдидаги хизматлари, яхши фазилатлари эсланган, муаллиф ўзи ва миллатдошларининг қайғу-надоматларини баён этган. Улар газал, мураббаъ жанрида, баъзилари маснавий шаклида ёзилган.

“Ойина” журналида учрайдиган шеърий матнларнинг мавзу ўйналишига кўра таснифи:

1. Ишқий шеърлар. «Ойина» журналида анъанавий ошиқона шеърлар жуда оз қисмни ташкил қилган. Борлари ҳам бадиий жиҳатдан у қадар етилмаган. Худди шундай шеърларга мисол қилиб муаллиф Сайд Ваҳбий, Исмоил Сафо, Хоиб Андижоний, муаллим Тожийнинг шеърларини келтириш мумкин¹⁶³.

¹⁶² Аббосий. Фузулий шеърина мухаммас// Ойина. 1914. №22.–Б329.

¹⁶³ Муаллим Тожий. Маҳрум ўлали такаллумингдан. 1913. №10.Б.233.; Сайд Ваҳбий. Нурлар каби бир жамолингиз вор. 1914.№17.Б.299; Исмоил Сафо. “Сенинг ишқинг..”. 1914.№18.Б.330.

2. Маърифий мавзудаги шеърлар ўз ичига жадидларнинг барча бош ғояларини сингдириб кетган. Бу каби шеърларда Оврупо билан Шарқни солиштириш, мусулмонларнинг илм ва маданиятдаги аввалги мавқеларини эслаб ўтиш ўринлари кўп учрайди. Мана шу “дастак” маърифий шеърларга танқидий рух берган. Дунёвий илм-фанга даъват, бепарво, беилм ватандошларини ғафлатдан уйғотишга ҳаракат мотиви бу йўналишдаги шеърларда бир-бирига кўчиб юрган. Маърифий мавзудаги шеърларнинг дебочаси миллатдошларга хитоб билан бошланиб, шеър сўнгида шоирнинг замонадан, замондошларидан қониқмаёттганлигига ишора бериб ўтиш билан якун топади.

3. Ижтимоий-сиёсий мазмундаги шеърлар. Бундай шеърлар нисбатан эҳтиёткорлик билан ва “пардалаб” ёзилган. Сайлов муносабати ва Оқ пошшога дуо тарзида учровчи шеърларни бир қараща мавзусини белгилаш осон. Лекин журналда шундай шеърлар борки, уларда сарлавҳа бошқа, ички мазмун бошқа. Бу масалага Ражабзода Ниёзийнинг “Шодлиқ шеър”¹⁶⁴ини мисол келтириш етарли. Бушеърда сарлавҳадан кейин “Миллатимга” деб номланган ички номланиш берилган. Шеърнинг мавзусини хас-пўшлаш мақсадида (Рамазони шариф муносабатила) деб изоҳ кўрсатилган. Шеър кўтаринки руҳда, ғалабага ишонч кайфиятида, ҳуррият учун қулай имкон келганига ишора тарзида ёзилган:

Бу кун каби шодлик кунлар бўлур сийрак,
Бу куннинг қадрини билмак керак.
Қўлимииздан кишин, занжир олингандা,
Кўзголайлук, афандилар, биз тезрак.
Журналда нашр этилган юқоридаги каби шеър-

¹⁶⁴ Ражабзода Ниёзий. Шодлиқ шеър // Ойина. 1914. №38.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали ларнинг ғоявий жиҳатларига, яъни парда ортидаги ҳақиқатга назар ташлаш адабиётга кириб келган давр нафасини янада ўткирроқ тасвирлаб беради.

4.Диний мавзудаги шеърларга мисол сифатида Рамазон ойи, Қадр кечаси, мавлуди шариф тўғрисидаги ҳамда бирор кишининг вафоти муносабати билан ёзилган намуналарни келтириш мумкин.¹⁶⁵

Жадид адабиёти ҳар қанча ўзига хосликларга эга бўлмасин, у аввало, мумтоз адабиётда мавжуд анъ-аналардан озуқа олиб ривожланди. Хусусан, Шарқ мумтоз адабиётида танқидни шеърий йўлда ифодалаш анъанаси XX аср бошлари адабиётида ҳам кўп учрайди.¹⁶⁶ Буни “Ойина” журналида учрайдиган маърифий шеърларнинг барчасига нисбатан айтиш мумкин. Сабаби, бундай шеърларда таъсир ўтказиш, қўзғатиш катта аҳамиятга эга. Шоир миллатдошлири ҳолига ачиниб, иллатларни кўрсатибгина қолмай, уни бошқа халқлар билан таққослади, миллатдошлирини кескин танқид қиласди. Журналда келтирилган худди шундай маърифий-танқидий шеърларга мисол қилиб, Миллийнинг “Илтижо” (1913, №1), Васлийнинг “Танбех ва баёни воқеъ” (1913, №1), Ҳожи Муиннинг “Эътироф” (1913, №3), Фахриддин Рожийнинг “Табиб ҳикояти” (1913, №3), Таваллонинг “Оҳ ва ҳасрат”(1913.№10), Иброҳим Давроннинг “Синдилар”(1914.№27), Ажзийнинг “Ватан манзумаси”(1914.№36), Рожийнинг “Носозлигимиз учун”(1914.№57(5)) шеърларини айтиш мумкин. Бу шеърларда, асосан, илмсизлик, лоқайдлик, ялқовлик

¹⁶⁵ Айний, С. Ё рабб. 1913.№7. Б.156.; Идорадан. Таҳрифи Каломуллоҳ ҳақинда. 1913.№7. Б.162.; Идора. Қасидаи мавлудия. 1914.№13.Б.199.; Собит. Лайлаи меърожи шариф. 1915.№66(14).Б.373-374.

¹⁶⁶ Бу ҳакда қаранг: Назаров, Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. 1979. Б.19

Зайнабидин Абдирашидов, Нодира Эгамқурова

иллатлари танқид қилинган. Шу боис уларда миллат-
га хитобан ёзилган мисралар кўп учрайди:

*Эй мусулмонлар! Уйғонинг эмди,
Дард учун тармашинг даволарға.*

(Хожи Муин)

*Келинг исломлар югуринг, ўлунг эмди Худо ҳаққи,
Нифоқ ила таассубдан қочинг буғзу адоватдан.*

(Убайдуллахўжа Сулаймоний)

*Шарқдин Мағрибгача биздек жаҳонда хор йўқ,
Бизга не бўлди билолмам, ё расули Мустафо.*

(Тавалло)

“Ойина” журналида маҳаллий шоирлар ва турк, та-
тар шоирлари ижодидан намуналар бериш билан бир
қаторда, жаҳон адабиёти мисолида Гётенинг “Фауст”
асаридан, Ходий девонидан, Умар Хайёмнинг робоий-
ларидан, Бедилнинг ижодидан, “Шайбонийнома”дан
парчалар келтирилганлиги журнал саҳифаларининг
бадиий қимматини янада оширган. Журналнинг шеъ-
рий матнларни беришдаги ўзига хослик яна шунда
кўринадики, унда “Мутафарриқа” сарлавҳаси остида
бир шоирга тегишли турли шеърлардан парчалар кел-
тириб борилган.(Мутафарриқа // Ойина, 1913 №1
б.27; №5, б.118; №8. б.188).

“Ойина” ўз даврида муҳим бўлган фикрларни шеъ-
рият орқали ҳам ўртага ташлай олди. Жанр ва мавзуу
жиҳатидан кўламдор материалларни нашр қилди. Журнал материаллари мисолида жадид шеъриятига
назар солинадиган бўлса, янги мазмунни ифодалаш
учун янги поэтик шаклларни излаш бошлангани,
ижтимоий-сиёсий фикр айтиш биринчи поғонага

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали кўтарилигани равшанлашади. Бу даврдаги шеърлар “ўтиш даври” шеъриятидир. Уларга кўп назарий талаблар юклашмас, ижтимоий гоявий талабларни кузатиш керак.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Ойина”да эълон қилинган шеърий материаллар туркий ҳамда форсий тилда. Шеърлар, асосан, маснавийда ёзилган бўлиб, мусаддас, мусамман, ғазал, фард, шеърий достон, рубоийлар кам микдорда учраб туради. Журнал биргина маърифий шеърлар билан чекланиб қолмай, балки ишқий, ҳажвий, ижтимоий мавзудаги шеърлар ҳам эълон қилиб борган.

II

XX аср бошлари ўзбек адабиёти жуда мураккаб адабий жарайёни бошидан кечирди. Бу даврда қарашлар, ифода йўллари, мақсад ўзгарди, кескинлашди. Бадиий тафаккур ва эстетика янгилана бошлади.¹⁶⁷ Ғарб адабиёти ва публицистикасининг таъсирида ҳикоя, роман, драма жанрлари ва танқидий мақола ва эссе, тақриз, обзор, фельетон каби адабиётшунослик соҳалари ўзлашди. Мумтоз адабиётда “Навоий асри” қанчалик кескин бурилиш ясаган бўлса, янги ўзбек адабиётидаги жадидчиликнинг ўрни ва салмоғи ҳам ундан кам эмас. Жадид адабиётининг ҳақиқий баҳосини бериш шу даврга мансуб адабий мерос-

¹⁶⁷ Қаранг: Г.Т.Махмудова. Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва унинг ахлоқий-эстетик фикр тараққиётига таъсири. Фалсафа фан. номз. дисс... –Тошкент,1996.; Д.Н.Ражабова. Туркистон жадидларининг қарашларида ёшлар ва хотин-қизлар масалалари (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фан. номз. дисс... –Тошкент,2003.; Д.Т.Амриддинова. Самарқанд жадидчилигининг ижтимоий-фалсафий асослари. Фалсафа фан. номз. дисс... –Тошкент, 2006.; Л.А.Муҳаммаджонова. Жадид мутафаккирларининг ахлоқий-эстетик қарашлари. –Тошкент: Университет,2007.

ни чукур ўрганиш билангина амалга ошади. Бу давр адабий мұхитида назмдан күра күпроқ насрда мұхим янгиланишлар, бадий кашфиётлар рўй берәётганди. Шу сабабли жадид адабиётининг кўпгина ўзига хосликлари ундаги насрый намуналарида кўзга ташланади. Буни адабиётта кириб кела бошлаган янги жанрлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жадидлар танқидни аср адабиётининг энг катта ютуғи деб тан олишди.¹⁶⁸ Деярли барча маърифатпарварлар танқид ҳақида гап айтишга кириди. Беҳбудий ҳам ўзининг “Танқид сараламоқдур” мақоласи билан ўз қарашларини майдонга ташлади ва том маънода XX аср ўзбек адабий танқиди назариётчиси сифатида эътироф топди. Танқиднинг дастлабки содда таърифларини биз XX аср бошлари матбуотида тез-тез учратишими мумкин. Хусусан, “бир кишининг ёзганига икинчи бир кишининг назари”¹⁶⁹, “боиси ислох”¹⁷⁰, ёзувчининг ўз устида ишлашига уннадаб, уни “бармоқ билан туртуб кўрсатурға лойик адаб сифатида тарбияловчи куч”¹⁷¹ сингари таърифлар жадидларнинг танқидга муносабати ва уни қандай

¹⁶⁸ Гаспринский, И. Мезон (адабий-маиший ва танқидий баҳслар) // Таржимон. 1906. №58, 106. 1907. №14; Ҳожи Муин. Мұхтарам шуаромизга // Ойина. 1913. №9.; Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танқид – сараламоқдир // Ойина. 1914. №32. –Б. 621-623; Абдурауф Фитрат. Ҳиммат ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаққи ҳаёти йўқдир // Ойина. 1915. №7.; Мирмуҳсин. Шоир жанобларига илтимос // Туркистон виоятининг газети. 1914. №14.; Аҳдулло Ҳайбулло. Танқид // Садои Туркистон. 1914. 19 ноябрь.; Расулий. Шоир ва миллий шеърларимиз // Ойина. 1915. №9.; Матбуот мұхаби. Танқид эмас танбех // Ойина. 1915. №3.; Вадуд Маҳмуд. Адабий танқидга бир назар // Туркистон. 1924. 22 январь – 7 февраль. Зарафшон. 1924, 10 апрель.

¹⁶⁹ Ҳайбулло, А. Танқид // Садои Туркистон. 1914. 19 ноябрь;

¹⁷⁰ Беҳбудий, Маҳмудхўжа. Танқид – сараламоқдир // Ойина. 1914. №32. –Б. 621-623;

¹⁷¹ Зоҳирий, А // Садои Туркистон. 1914. №49.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали қабул қилганликларини кўрсатиб беради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дастлабки танқид на муналарини соф адабий кўринишда деб бўлмайди. Уларда қоришиқлик ва тажрибасизлик сезилиб туради. Фақат XX асрнинг 10-йилларидан сўнг “танқид” истилоҳ сифатида адабий танқид маъносига ишлатили бошланди.¹⁷²

Театрнинг кириб келиши, саҳна асарлари ва уларга ёзилган тақризлар ҳақиқий маънодаги танқид адабиётини юзага келтирди. Танқиднинг муҳим жанри бўлган тақриз энг кўп қўл урилган йўналиш бўлди. Жадидлар театрни маданиятнинг бир кўриниши деб қабул қилдилар: “Тараққий қилмоқнинг энг биринчи сабаб ва боисларидан бири тиётрлардур деюрлар”.¹⁷³ Беҳбудий театр тўғрисидаги қарашларида драманинг уч турига ишора бериб ўтади: “Тиётрхона саҳналаринда қўюлатургон асарлар фожиа, яъни қайгулик, мазҳака, яъни қулгу, драма, яъни ҳангомалик бир воқеа ва ҳодисани тасвир этиб халойюқға кўрсатилур”.¹⁷⁴ Аста-секин драма жадид адабиётининг етакчи соҳасига айланди. Саҳна асарларига ёзилган тақризлар эса адабиётнинг, адабиёт шуносликнинг янги имкониятларини очди.

“Ойина” ўзининг танқид мактабига эга эди. Унда мунтазам равища Беҳбудий, Ҳожи Муин, Фитрат, Расулий, Нўширавон Явушев, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, С.Айний, Васлий сингари даврийнинг фикри очиқ ижодкорлари иштирок этиб турган

¹⁷² Тожибоев Р.К. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихи. Дан. Филол. фан. номз. дисс... –Тошкент, 1993. –Б.103.

¹⁷³ Беҳбудий, Маҳмудхўжа. Тиётр надур // Ойина. 1914. №29. –Б.550. Замонавий нашри: Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. –Тошкент: Маънавият, 2007. –Б.175-177.

¹⁷⁴ Юқоридаги манба. –Б.550.

ва бошқа нашрлараро мунозараларда ҳам журнал ўзининг муносабатини билдириб борган. Журналда учровчи насрий материалларни қуийдагича таснифлаш мумкин:

1. Тақриз.
2. Адабий-танқидий мақола.
3. Мубоҳаса.
4. Фельетон.
5. Латифа.
6. Мактуб.
7. Реклама-танқид.

Тақризлар. Асарнинг ҳақиқий баҳосини берувчи ва “танқидий баҳонинг ҳаракатдаги жонли ўлчови” ҳисобланувчи тақризни “танқиднинг тиконли гули” деб ҳам эътироф этишади. XX аср драматургиясида тақризлар ана шундай, танқиднинг асосини ташкил қилувчи фаол жанрга айланди. Бу даврда, асосан, тақризнинг шарҳ-тақриз ва хабар-тақриз турларини учратиш мумкин. Ўзбек адабий танқидчилигигида дастлабки тақризни Фурқатга нисбат берилади.¹⁷⁵ 1890 йилда ёзилган бу шарҳ-тақризда рус шоирларидан бирининг (муаллифи айтилмаган) ўзбек тилига ўгирилган эркин таржимадаги шеърига муносабат билдириб ўтилади. Матбуотда эълон қилинган илк ўзбекча тақризларга “Туркистон вилоятининг газети”да нашр қилинган “Янги алифбо дарслиги

¹⁷⁵ Бу ҳақда қаранг: А.Абдуғауров. Фурқатнинг насрий мероси // Ўзбек адабиёти масалалари.1976. –Б.64.; Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. –Тошкент: Фан, 1979. –Б.14-15.; Б. Валихўжаев, Ш.Холматов. Ўзбек адабий танқиди тарихи. –Самарқанд,1983. –Б.44.; Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Икки томлик. –Тошкент: Фан,1987. –Б.67.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали ҳақида”¹⁷⁶ мақоласини мисол қилиш мумкин.¹⁷⁷ “Ойина” журналида учровчи хабар ҳамда шарҳ-такризлар, асосан, “Падаркуш” драмаси учун ёзилган эди.¹⁷⁸ Журналнинг 1913 йил 10-сонида “Самарқандда тиётр” номли кичик хабар-такриз берилган. У “Падаркуш” драмасининг, шу билан бирга, ўзбек драмасининг илк саҳна юзини кўриши хабари ҳамдир. Унда ўзбек ва татар тараққийпарварлари билан биргаликда “Падаркуш” ҳамда “Олдадук ҳам олдандук” асарининг Самарқандда қўйилиши ва Кўқон, Тошкентда саҳналаштириш учун тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида хабар келтирилган: “Хўқанд ва Тошкандда ҳам “Падаркуш” фожиасини саҳнада қўймоқ учун машқ қилмоқда эмишлар”.¹⁷⁹ Шу йилнинг 12-сонида хабарнинг давоми эълон қилинган. Хабарда драманинг ўйналиши учун Самарқанд губернаторидан рухсат олинганлиги, билетларни кимдан сотиб олиш мумкинлиги тўғрисида қисқача маълумот олиш мумкин. Журналнинг 1914-йил 25-январь 14-сонида “Туркистонда биринчи миллий тиётр” деб номланган шарҳ-такриз берилган бўлиб, “Падаркуш”нинг қай даражада ўйналганлиги, халқ томонидан қандай кутиб олинганлиги, драманинг ижрочилари, ютуқ ва камчиликлари атрофлича шарҳлаб ўтилган.

Ушбу шарҳ-мақоланинг муаллифи турли манба-

¹⁷⁶ Янги алифбо дарслиги ҳақида // Туркистон вилоятининг газети. 1903. 13 сентябрь

¹⁷⁷ Тожибоев Р.К. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. Филол. фан. номз. дисс... –Тошкент, 1993. –Б.85.

¹⁷⁸ Муаллифи кўрсатилмаган. Самарқандда тиётр // Ойина. 1913. №10. –Б.234.; Муаллифи кўрсатилмаган. Самарқандда тиётр // Ойина. 1914. №12. –Б.285.; Муаллифи кўрсатилмаган. Туркистонда биринчи миллий тиётр // Ойина. 1914. №14. –Б.227-231.; Муаллифи кўрсатилмаган. Самарқандда тиётр // Ойина. 1914. №15. –Б.262-263.

¹⁷⁹ Муаллифи кўрсатилмаган. Самарқандда тиётр // Ойина. 1913. №10. –Б.234.

ларда турлича күрсатилади. Хусусан, адабиётшүненослар Бегали Қосимов, Узоқ Жўракуловлар “муаллифи номаълум” эканлигини айтиш билан чекланган бўлсалар, беҳбудийшунос Солиҳ Қосимов уни Беҳбудий мақолалари қаторига киритади. “Жадиддрамаси” монографиясида мақола муаллифи Ҳожи Муин деган тахминий фикр ўртага ташланади. Шу нарса аниқки, “Падаркуш” га ёзилган ҳар тўрт тақриз битта муаллифга тегишли. Сабаби, “Туркистонда биринчи миллий тиётр” мақоласининг давоми “Самарқандда тиётр” деб номланган ҳолда, 1914 йил 10-12-сонда берилган тақризлар ҳам худди шундай сарлавҳаланган. Тақризларда келтирилган драманинг тили ҳақидаги фикрлар, “Баланд даражалик Самарқанд волийсидан муҳарриримиз рухсат ҳам олди”¹⁸⁰ жумлалари драма муаллифига тегишли бўлолмайди (Беҳбудий ўзга шахс номидан ёзган бўлиши ҳам эҳтимол). Ва бу нарса тақризчи Беҳбудий эмас, деган тўхтамга олиб келади. Мақолалар муаллифини Ҳожи Муин деб белгилаш ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Ушбу “Туркистонда биринчи миллий тиётр” мақоласи ўзида ҳам шарҳ, ҳам талқинни бирлаштирган бўлиб, ўзбек саҳненинг илк асарига ёзилган биринчи тақриз эканлиги билан аҳамиятидир. Театр асарларига ёзилган тақризлар билан бир қаторда адабий асар ва шеърлар таҳлил қилинган тақризлар ҳам учрайди. Шундай тақризлардан бири Нўширавон Явушев¹⁸¹нинг “Шеър

¹⁸⁰ Муаллифи кўрсатилмаган. Самарқандда тиётр // Ойина. 1914. №12. –Б.285.

¹⁸¹ Нўширавон Явушев – Туркистон мадрасаларида ишлаган татар сайёхи, муҳаррир, шоир, публицист. Унинг бир қатор танқидий, публицистик мақолалари ва шеърлари “Туркистон вилоятининг газети”, “Садои Туркистон”, “Ойина” ва бошқа нашрларда учрайди. “Чингизхон” пьесаси муаллифи.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали ёзувчилар диққатина”¹⁸² мақоласидир. Унда журналнинг илк сонида эълон қилинган “Илтижо”¹⁸³ мусаддасига фикр билдирилади. Явушев шеърни сарф ва нахв қоидаларига амал қилмай ёзилган деб топади. Ундан маъно англамоқ мушкуллигини айрим мисралари мисолида исботлашга уринади. Мунаққид (Н. Явушев) рус ва араб шоирларининг ижодини ўrnак сифатида келтиради. Явушевнинг ўзи шеърларини содда тарзда ва асосан бармоқда ифодалашга эътибор қаратган. Ўз ўрнида идора Явушевнинг фикрларига эътиroz билдириб, “Илтижо” шеърини қоидага мувофиқ ёзилган деб ҳимоя қилиб чиқади.

“Ойина”даги тақризларнинг нисбатан мукаммал-роғи “Тўй” пьесасига ёзилган “Танқид эмас, танбех”¹⁸⁴ тақризидир. Дастрлаб “Тўй” муаллифи Нусратилла Қурдатилла қаламига ташаккур айтилиб, мунаққид пьесани ўқиб қувонгандигини, “мазмуни нофеъ”, жамият учун фойдали асар бўлганини таъкидлайди. Шундан сўнг ушбу пьеса ва у орқали бошқа асарларнинг ҳам “ҳар навъ нуқсондан тоза чиқмоғ” и учун бир-икки сўз айтишни лозим топади. Бу эса “Матбуот муҳиби”нинг танқид маданиятидан хабардорлигини билдиради. Муаллиф саҳна маданияти ва танқид таъсиридан сўзлаб, пьесадаги айрим “адабдан хориж” сўз ва ҳаракатларнинг саҳна учун тўғри келмаслиги ва томошабинларнинг “юз қизармоқлариға” сабаб бўлишини ёзиб туриб, пьесадаги шундай сўзларни саҳифаси билан санаб ўтади. Мисол учун, “эшак” (13-саҳифа), “олуфталик” (18-саҳифа), “гадой” (31-саҳифа), “падар...” (35-саҳифа), “журми бошдан” (44-саҳифа) сўзлари учрайди. Лекин бу сўзлар

¹⁸² Нун. Я. Шеър ёзувчилар диққатина. // Ойина. 1913. №3. – Б.68.

¹⁸³ Миллий. Илтижо // Ойина. 1913. №1. – Б.10-11.

¹⁸⁴ Матбуот муҳиби. Танқид эмас, танбех. 1915. №3.

танқидчи айб юклайдиган даражада “қабиҳ ва уят” деб бўлмайди. Шу билан бирга, “Тўй” қаҳрамонларининг касб-кори (кўбкоритоз, кўкноритоз, беданабоз, читфурш ва ҳ.к.) ва шахсиятига қаралса, улар нутқида бундай сўзларни бериш ҳақиқатта анча яқин ва табиийдир. Тақризчи Миллийни ўз асарини қайта таҳрир қилишга чақиради. Ва йўл-йўлакай “Падаркуш”да ҳам юқоридаги каби эътибор бериш керак бўлган ўринларни кўрсатиб, ҳар икки муаллифдан “афви маржу” тилайди. Ушбу тақриз жавобсиз қолмаган. Лекин Миллий эмас, Ҳожи Муин жавоб ёзган. Бунинг сабабини унинг ўзи шундай изоҳлайди: “Мазкур “Тўй” рисоласининг ярмидан зиёдаси маним шикаста қаламим ила ёзилуб, қолгани ҳам ўзимнинг ислоҳ ва тасҳиҳим ила тартиб қилингандиги учун бу тўғрудаги адабий масъулият маним устимға тушса керак”.¹⁸⁵ Муиннинг жавобига кўра, асаддаги нуқсонларнинг сабаби иккита: биринчиси, турк, татар театр рисолаларидағи шундай сўзларнинг борлигини “тафтиш этмаган”и бўлса, иккинчиси, бу сўзларни у ўз ихтиёри билан қаҳрамоннинг “қабиҳлигини кўрсатмоқ қасдила” ёзганини айтади. Яна Ҳожи Муин пьеса ёзилган вақтдаги ўзининг ноқислигини аста-секин тузалишини умид қиласди. Эътибор берилса, мақоланинг бирор жойида Миллий (Нусратилла Кудратилла) номи тилга олинмайди. Нуқсонларнинг эгаси ҳам Ҳожи Муин, кимдир айбдор бўлиш керак бўлса ҳам у, пъесани қайта таҳрир қиласди ҳам унинг ўзи. Агар Ҳожи Муиннинг сўзларига қарайдиган бўлсак, “Тўй”ни ёзишда Миллийнинг роли умуман бўлмаганлиги тушинилади. Аслида ҳам шундай бўлганми? Ўша давр

¹⁸⁵ Ҳожи Муин ибн Шукрулло. Танбеҳга ташаккур // Ойина. 1915. №7. – Б152.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали
мунаққидлари асарларида ва матбуотда “Тўй” ҳақида
ҳам фикрлар ва эълонлар учрайди. Хусусан, “Туркис-
тон вилояти газети”нинг 1914 йил сонларида “Тўй”
пьесасининг таҳририятга келиб тушгани ва муалли-
фи Нусратилла Кудратилла (Миллий) экани айтилади.
М.Б.Солиҳов тадқиқотида ҳам ушбу пьеса ҳақида гап
кетганда, фақат Миллий номи тилга олинган.¹⁸⁶ Ай-
нан “Ойина”нинг ўзида ҳам “Тўй” деб сарлавҳаланган
эълон берилган. Эълонда “Муҳаррир ва ношири
Нусратиллоҳ Миллий ибн Кудратиллоҳ, Туркистон
маишатидан олиб ёзилган иккинчи рисола” деб таъ-
рифланади.¹⁸⁷ Ҳожи Муиннинг жавоб мақоласи Мил-
лий вафотидан сўнг ёзилган ва эҳтимол у “Ойина”
муҳаррири сифатида идорага келган пьесани қўздан
кечиргандир. Лекин бу нарса унга муаллифлик даъво
қилиш ҳуқуқини беролмайди.

Адабий-танқидий мақолалар. “Ойина”нинг 1913 йил 9-сонида Ҳожи Муиннинг “Муҳтарам шуаромизга” мақоласи нашр қилинган. Унда кўтариб чиқилган асосий муаммо олди-қочди шеърларнинг кўпайиб бораётганлиги масаласидир. Муаллиф май ва жом таърифи келтирилган, ҳажв ва мадҳиядан иборат ахлоқсиз шеърлардан қочиб, “фанний, миллий ва ахлоқий шеърлар” ёзишга чақиради. Ва буни замон тақозоси деб билади. Миллий шеърлар на-
мунаси сифатида татар, озарбайжон шоирлари ижодини келтиради. Ушбу мақолада Ҳожи Муин кенг йўсинда баён қилиш, атрофлича тушунти-
риш йўлидан боради: “... шеърға ҳам суиистеъмол қилиниб, алалхусус, бу замонда шеър таърифи хат ва хол, тавсифи май ва жом ё таъмагирона мадҳиёт

¹⁸⁶ Miyon Buzruk. Ozbek teatr tarixi uchun materiallar. – Toshkent: O’z SSR Davlat nashriyoti, 1935. – Б.111.

¹⁸⁷ Тўй. (эълон) // Ойина.1914.№54. – Б.30.

ва ғаразгарона ҳажвиётдан иборат бўлиб қолди”. Шоирларни миллий руҳда, замон талабига мос, нафли шеърлар ёзишга чақириқлар “Ойина” ва шу каби бошқа нашрларда ҳам муҳим масала сифатида кўтарилиган эди.

Мубоҳасалар. Беҳбудий Самарқанд вилоят ҳарбий губернаторига ёзган аризасида “Ойина” саҳифаларида 16 хил материалларни беришни ваъда қилган¹⁸⁸. Рўйхатдаги энг охирги мавзу – бу ҳажв (сатира ва араплаш) эди. “Ойина” турли номлар остида мубоҳасалар эълон қилди. Ушбу парчаларни ўқиб, журналнинг ўзига хос танқид “нафаси” ни сезиш мумкин. Улардан аниқланган адабий тахаллуслар ва ҳажвий асарлар эса бугунги кунгача мавжуд қўпгина қарашларга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Мисол учун, биз унда “Мушмирзо”¹⁸⁹, “Пишак сўфи”, “Гумном”¹⁹⁰, “Сомеъ”¹⁹¹, “Хушёқмас”¹⁹², “Мулло Хокиро”¹⁹³, “Гўрбе”¹⁹⁴ каби янги номларга дуч келамиз. Тахаллуслар бир қарашдаёқ ўзининг ҳажвий “либос”ини кўрсатиб турибди. Улар кимга тегишли экани ҳақида яқдил фикр йўқ. Солих

¹⁸⁸ Абдуазимова, Н. Миллий журналистика тарихи. –Тошкент: Шарқ,2008. –Б.230.

¹⁸⁹ Мушмирзо. Суҳбат //Самарқанд.1913.№33.; “Отингни сот, тўнунгни сот, дўйтур бўл!”. 1913.№5.; Мубоҳаса.1913.№7.

¹⁹⁰ Гумном. Орзуёки хаёл.1914.№34.; Қизиқ ўзгаришлар.1914.№37.; Жавонбозликни ким манъ этар? 1914.№38.;Хушёқмас. Хушим келмайдур. 1913. №11. Мулло Хокиро. Шия ва суний.1913.№10.; Ислоҳи расм лозим аст.1914.№18.; Ибрат.1914.№23.; Суҳбат.1915.№15.; Гўрбе. Жавоб ба Муш. 1914.№11.

¹⁹¹ Сомеъ. Мунозараи қадимий ба жадидий.1914.№34.; Мусоҳиба ёки мубоҳаса.1914.№35.;

¹⁹² Хушёқмас. Хушим келмайдур. 1913. №11.

¹⁹³ Мулло Хокиро. Шия ва суний.1913.№10.; Ислоҳи расм лозим аст.1914.№18.; Ибрат.1914.№23.; Суҳбат.1915.№15.;

¹⁹⁴ Гўрбе. Жавоб ба Муш. 1914.№11.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали Қосимов¹⁹⁵ ва Бойбўта Дўстқораев¹⁹⁶ берган маълумотларга кўра, “Хушёқмас” ва “Мушмирзо” имзосини Беҳбудийга тегишли, деб ҳисоблаб келинарди. Бироқ беҳбудийшунос олим Сирожиддин Аҳмад ўз кузатишлари натижаси ўлароқ, бу тахаллусларнинг ҳақиқий «эга»си Ҳожи Муиндир, деган хulosага келган. Яъни, Ҳожи Муин ибн Шукрулло исмидаги “мим” ҳамда “шин” ҳарфларини бирлаштириш орқали Муш тахаллуси келиб чиққанига ишора қилган. Бизнингча ҳам, ҳажвиялар Ҳожи Муинга тегишли. Сабаби, Беҳбудийга нисбатан Ҳожи Муин қаламида ҳажвга мойиллик кўпроқ сезилади.

“Мушмирзо” (Сичқонмирзо) “Ойина” журналида нашр қилинган ҳажвий асарларда энг кўп қўлланган адабий тахаллуслардан бири. Унинг “Гумном”, “Сомеъ”¹⁹⁷ тахаллуслари билан узвийлиги “Мусоҳиба ёки мубоҳаса” суҳбатида кўринади.¹⁹⁸ Мубоҳасанинг муаллифи Сомеъ. Гумном ва Хокиро сухбатга киришувчи шахслар. Унда “Гумном” тилидан айтилган шундай гап бор: “Нима қиласай, жўра! Ўзумга Мушмирзо ном қўйдим, мирзолар эътиroz қилдиларки, бизларни масхара қиласан деб... Агар Мулло Муш от қўяй десам, ўйлайманки, муллолар “Уламони истихроф этдинг” деб, албатта, мани такfir этарлар. ...ҳатто жонимдан азиз иймонимға тўкунарлар”.¹⁹⁹ Ҳақиқатда, “Мушмир-

¹⁹⁵ Қосимов, С. Беҳбудий ва жадидчилик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990. 19-26 январь.

¹⁹⁶ Дўстқораев, Б. Қўрсатилган манба. – Б.198

¹⁹⁷ Қаранг: Гумном. Орзу ёки хаёл.1914.№34.; Гумном. Қизиқ ўзгаришлар.1914.№37.; Гумном.Жавонбозликни ким манъ этар? 1914.№38.; Сомеъ. Мунозараи қадимий ба жадидий.1914. №34.;Сомеъ. Мусоҳиба ёки мубоҳаса.1914.№35.

¹⁹⁸ Сомеъ. Мусоҳиба ёки мубоҳса. // Ойина.1914. №35. – Б.845-846.

¹⁹⁹ Англашилганидек, Мушмирзо ва Гумном бир шахсга тегишли. Муаллиф “Сомеъ” ҳам услубидан келиб чиқиб айтидиган бўлсак, Мушмирзо ва Гумном билан бир қаторда туради.

зо” исмининг танқид қилинганлиги “Мушмирзоға очик мактуб”²⁰⁰ мақоласида ҳам учрайди. Унда дастлаб Мушмирзо қаламига ташаккур айтилиб, сўнгра “Мушмирзо” ва “Пишаксўфи” тахаллусларига тўхталиб, улардаги “мирзо” ва “сўфи” иборатлари “бир неча кишиларға гирон тегиб” кеттани сабабли, уларга “тағиyr бериб, лут-фан яна латифагўйликда давом этсангизлар” деб майл билдирилади. Мақолада яна бир эътибор қаратиш лозим бўлган ўрин бор. Мактуб эгасининг хабар беришича, Мушмирзо номига Хўқанд ва бухоролик маслақдошлари, мухлисларидан идорага мактублар йўлланган. Идора бу мактубларни эълон қилиш учун Мушмирзога ўз лақабини ўзгартиришни шарт қилиб кўяди. Ушбу мактуб муаллифсиз бўлиб, “Ойина” номидан берилган.

Мушмирзонинг “Оtingни сот, тўнунгни сот, дўқтур бўл!” мубоҳасаси ҳажман кичик. Унда илмни ёиши, маърифатга суюниш ғояси бош мақсад қилиб олинади. Асосий қаҳрамонлар Мушмирзо ҳамда хизматкор образи. Эпизодик образ сифатида бемор (бухоролик жаноб) ни кўрсатиш мумкин. Суҳбатда етилиб турган вазиятдан муаммо сифатида фойдаланилади; асосий муаммо илмсизликка қарши курашиш, ёрдамчи муаммо беморнинг аҳволи эди. Асадаги барча деталлар унсурлари тўлиғича асосий муаммони очишига йўналтирилган. Бунда жадид адабиёти намуналарига хос бўлган усул қўлланган, яъни муаммо ҳал қилинмаган, балки уни ечиш йўли кўрсатилган.

“Мубоҳаса” ҳикоясида Мушмирзо ва Пишак сўфи мулоқотга киришади. Пишак сўфи бадиий тўқима бўлиб, у сичқон образига қарама-қарши тарзда танланган. Аввалги ҳикоядан фарқли ўлароқ, унда кундадлик ҳаётда учрайдиган мураккаб вазият ҳақида суҳбат бўлиб ўтади. «Мубоҳаса» ҳикоясига “Самарқанд” газе-

²⁰⁰ Мушмирзоға очик мактуб. // Ойина, 1914. №12. – Б.280.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали тасида эълон қилинган “Суҳбат” ҳикояси²⁰¹ мантиқий боғланиб кетган. Шева соф самарқандча ифода билан берилган. Ҳикояда мулло Хокиро эпизоди ҳам учрайди. Бироқ унинг Мушмирзо шахси билан боғлиқ нуқталари таҳлил қилинмаган. Шу ўринда мулло Хокиронинг “Ойина” журналида нашр қилинган бир мубоҳасаси ҳақида айтиб ўтиш жоиз. Бу “Суҳбат”нинг²⁰² асосий қатнашчилари Хокиро ва намакфуруш иштирок этишган. Суҳбат асносида Хокиро ўзи гувоҳи бўлган бир ҳолатни суҳбатдошига сўзлаб беради. Унга қўра бир неча мусулмон йигит-қизлар русларга тақлидан кийинишиб, ўзларига Иван Петрович, Феодр Кирпич каби русча ном қўйиб олганликлари, лекин ўзлари на мусулмоний хатни, на русийни ўқий олмас даражада бесавод эканликларини қўриб, бу ҳолни “илмсиз ёшларнинг маймун бўлгани” деб киноя қиласди. Ва уларни “жонлик сурат ёинки нақшин маймун” дея атайди. Бу каби мубоҳасаларда оддий кўринган майший мавзулар воситасида маҳаллий ҳалқ дунёқарashi, уларнинг онг ва турмуш даражаси бир қадар пичинг ва истиора йўли билан очиб берилган, деб айтиш мумкин.

Фельетон. XX асрга келиб ўзбек адабиётида кўпгина жанрларга синов сифатида қўл урила бошлади. Эътибор берадиган бўлсак, жадидлар кўпинча ўз ёзганларига аниқ бир жанр белгилаб ўтмаган. Матбуотда ҳам фельетон рукнида бир нечта жанрдаги (ҳикоя, роман, танқидий мақола, саёҳатномалар, шеър) асарлар эълон қилинаверган. Ҳолбуки, вазият шундай экан, уларга аниқ бир жанрни тиркаб қўйиш ҳам тадқиқотчига мушкуллик туғдиради. Масаланинг яна бир томони, вақтли матбуотда фельетон сўзи ҳам рукн, ҳам жанр сифатида қўлланилаверган. Биз фельетон

²⁰¹ Мушмирзо. Суҳбат // Самарқанд. 1913. №33.

²⁰² Мулло Хокиро. Суҳбат // Ойина. 1915. №15. – Б425-427.

деб атамоқчи бўлаётган қуидаги насрй парчаларда кўп жиҳатдан эссе²⁰³ жанри талабларига яқинликни кўрамиз. Эссеңинг шу кунгача мавжуд таърифларига таянадиган бўлсак, ҳажман кичик, “эркин композицияли, маҳсус мавзуга бағишиланган, шахсий мулоҳаза ва таассуротларга асосланган”²⁰⁴лик тамойиллари бу жиҳатдан фикримизни далиллайди. Хусусан, журналда келтирилган “Хушёқмас” имзоли муаллифнинг “Хушим келмайдур” мақоласи²⁰⁵ шариатга ва инсонийликка мос келмайдиган ишларни танқид қилиб ёзилган. Муаллиф услуги ўзига хос. У ёзмоқчи бўлаётганларини гўёки ёзишни хоҳламаётгандай (“Истайманки, ёзайн..... лекин хушим келмайдур”) қилиб қўрсатади. Бироқ уларни шу “эҳтиёткорлиги” билан “енг ичида” англатиб кетади: “Истайманки, ёзайн: бойларимиздан бири талабамиз учун 5 сўм иона тилаганда бермай, ҳар байрамда рус хонимларини зиёфат қилуб, 100 сўм-100 сўм харж қиласур-да, ўзини энг муқаддас ва мутадайин одам ҳисоб қиласур, ох, хушим келмайдур”²⁰⁶. 1914 йилнинг 34-сонида “Гумном” тахаллуси билан ёзилган “Орзу ёки хаёл” мақоласида “Хушим келмайдур” услубини сезиш мумкин. Дастребки мақолада “истайманки, ёзайн...” тарзида ўз мулоҳазаларини беради: “Истайманки, ёзайн: бу яқин вақтларда катта кишиларимиздан бири катта тўй қилиб, неча шаҳарлардан давлатмандларни тўйиға даъват айлаб, аларға неча минг сўмлар сарф қилганда, фақир одамларни ва бенаво талабаларни ёдига ҳам солмади. Лекин хушим келмайдур...”.

“Орзу ёки хаёл”да ўқиймиз: “Агар маним нуфуз ва

²⁰³ Эссе (фр. Уриниш, синов, очерк) – адабий шакл, муаллифнинг шахсий қарашларини баён қилувчи катта бўлмаган насрй матн.

²⁰⁴ Краткая литературная энциклопедия. – Москва, 1968. Т.5. – С.895.

²⁰⁵ Хушёқмас. Хушим келмайдур. // Ойина. 1913. №11. –Б.262-263.

²⁰⁶ Хушёқмас. Хушим келмайдур. // Ойина. 1913. №11. –Б.262-263.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали иктидорим бўлса эди, барча мактаб ва мадрасаларни мувофиқ замони ислоҳ этиб, таълими ибтидоийни мажбурий қилиб, ўғлини ўқутмагон кишиларға жазо берур эдим ва мунинг ила 25 йил ичида бутун Туркистонни маориф ва маданият нури ила зиёландуарар эдим. Лекин оҳ! Чи кораки.....”²⁰⁷ Мақола худди шу услубда давом эттирилади. Бундан Хушёқмас ва Гумном услугидаги ўхшашликни сезиш мумкин.

Латифалар. Журналнинг 1915 йил 9-сонидан бошлилаб латифалар бериб борилган.²⁰⁸ Турли мавзудаги, кичик ҳажмли латифалар ҳажв, киноя, истеҳзога йўғрилган. Уларда ҳозиржавоблик²⁰⁹, сўзамоллик²¹⁰, нодонликни қоралаш²¹¹ ҳолатлари устуворлик қиласиди: “Қарзҳоҳ қарздор эшигини тақ-тақ қилас. Қарздор панжаре (дераза)дан бошини чиқариб, ани кўриб писинур. Хидматкори чиқиб дерки: хўжайин уйда йўқ! Ташқари кетди. Қарзҳоҳ дер: кўб яхши. Келса дегинки: яна ташқари чиқса, бошини панжара олдиға унучтиб кетмасунки, кўрганлар уйда гумон қилурлар”.²¹²

Латифалар орасида “Ота ила ўғул” латифаси ўзининг сатирик руҳи, кинояга бойлиги, кўтарилиган мавзунинг долзарблиги билан аҳамиятга эга. Унда авом орасида авж олиб кетган саводсизлик қораланади. Ўзининг бесаводлиги туфайли ўғлига жабр бериш давомида ўзи ҳам изза бўлган отанинг типик қиёфасида бутун миллат оталарини кулги остига олиб, аёвсиз

²⁰⁷ Гумном. Орзу ёки хаёл. 1914. №34.

²⁰⁸ Мисол учун: Табиб ила сангтарош. 1915. №9. –Б.231-232; Қарзҳоҳ ила қарздор. 1915. №9. –Б.232; Амир ила бир кўзлик. 1915. №10. –Б.264-265; Икки қарздор. 1915. №12. –Б.330. Касал ила ҳаким. 1915. №13. –Б.354.

²⁰⁹ Шоир ила вазир. 1915. №11. –Б.295.

²¹⁰ Зийрак бола. 1915. №10. –Б.264.

²¹¹ Ота ила ўғил. 1915. №13. –Б.354-355.

²¹² Қарзҳоҳ ила қарздор. 1915. №9. –Б.232.

“савалайди”. Албатта, бундан бошқа латифаларнинг ҳам ҳаммасини ўз юки, англатмоқчи бўлган ғояси мавжуд. Журналдаги мазкур латифа ва ҳажвий асарлар муштариylарда енгил қайфият уйғотиши баробарида, уларни атрофдаги ўzlари билиши ва эътибор берини керак бўлган иллатлардан қочишга чақирган, деб айтиш мумкин.

Мактуб ва реклама-танқидлар²¹³. XX аср боши матбуот саҳифаларида “Идорага”, “... дан мактуб”, “Очиқ хат”, “Идорага мактуб” деб номланган рукнлар кўп учрайди. Бундай мактублар кенг мавзуларни қамраб олиши ҳамда идора-муштариy муносабатларини четдан баҳолашга қўл келиши билан аҳамиятлидир. Ушбу мактубларда бирор асар юзасидан фикр билдириб, пьеса таассуротларини баён қилиб ёхуд муаллифларга мурожаат тарзида ёзилган мактублар²¹⁴ ҳам учрайдики, уларни адабий-танқидий мактуб жанри²¹⁵га оид деб олишимиз мумкин. Адабий мавзудаги мактублардан бири “Мушмирзоға очиқ мактуб”дир. Унда муаллиф дастлаб Мушмирзо қаламига ташаккурдан сўнгра “Мушмирзо” ва “Пишаксўфи” тахаллусларига тўхталиб, улардаги “мирзо” ва “сўфи” иборатлари “бир неча кишиларға гирон тегиб” кетгани сабабли, уларга “тағиyr берib, лутфан яна латифагўйликда давом этсангизлар” деб майл билдирилади. Мақолада яна бир

²¹³ Қаранг: Тожибоев Р.Қ. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. Филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 1993. – Б. 81-85.

²¹⁴ Тўлаган Хўжамёруф. Туркистонли қардошлара очиқ хат. 1913.№6. – Б.137-138.; Мушмирзо. Хўқанддан мактуб. 1913.№7. – Б.165.; Идораи Ойина. Мұхтарам ўқувчи ва ёзувчиларимизга очиқ мактуб. 1913.№8. – Б.187-188.; Идорага мактуб. 1914.№14. – Б.231.; Қуён. Андижондан мактуб. 1914.№17. – Б.306.; Хат юборгучиларга.1914.№24. – Б.380.; Идорадан.1915.№16. – Б.442.

²¹⁵ Бужанр ҳақида қаранг: Ахмедова Ш.Н. Ўзбек адабий танқидининг жанрлар таркиби. Филол. фан. докт. дисс... – Тошкент, 2010.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали
эътибор қартиш лозим бўлган ўрин бор. Мактуб эгасининг хабар беришича, Мушмирзо номига Хўқанд ва бухоролик маслақдошлари, муҳлисларидан идорага мактублар йўлланган. Бундан келиб чиқадики, Мушмирзо Хўқанд ёки Бухородан эмас, Самарқанд адабий доирасидан, деб тахмин қилиш мумкин. Идора бу мактубларни эълон қилиши учун Мушмирзога ўз лақабини ўзгартириши шарт қилиб қўйилади. Ва “Ойина”ни кузатадиган бўлсак, Мушмирзо тахаллуси шу мақоладан сўнг қайтиб давом этмайди. 1914 йил 35-сонидан “Гумном” бўлиб қатнаша бошлайди. Ушбу мактуб муаллифиз бўлиб, “Ойина” номидан берилган.²¹⁶

Матбуот муҳаррирлари янги асар ёзилганда ёки бирор пьеса саҳнада қўйилишидан олдин улар ҳақида кичик эълонлар бериб боришган. Бундай эълонлардан ўқувчи асар ҳақида дастлабки маълумотларга эга бўлган ва муҳаррирнинг қисқа муносабати билан ҳам танишиш мумкин бўлган. Бу реклама-танқидларdir. Улар орқали “янги адабиётлар билан танишибигина қолмай, балки уларга берилган илк баҳодан, илк танқидий назардан”²¹⁷ хабардор бўлинган. “Туркистон вилоятининг газети”, “Улуг Туркистон”, “Садои Туркистон”да берилган “Янги китоблар” рукнида реклама-танқидларни учратиш мумкин.

“Ойина”да нашр қилинган “Тўй” реклама-танқиди²¹⁸ идора томонидан ёзилган бўлиб, “Тўй” рисоласи муаллифи, рисола қиймати, манзили, қисқача мазмуни ёритилган. Шунингдек, идорага келган янги асарлар, усули жадид мактаблари учун ёзилган дарсликлар, саҳна асарлари ҳақида худди шундай эълонлар бериб борилган.

²¹⁶ Идора. Мушмирзога очиқ мактуб. 1914.№12. – Б.280.

²¹⁷ Тожибоев Р.Қ. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. Филол. фан. номз. дисс... –Тошкент,1993. –Б. 83.

²¹⁸ Тўй. (эълон) // Ойина.1914.№54. – Б.30.

Юқорида билдирилган мұлоҳазалар “Ойина” журналида адабий мұхит қандай акс этғанлиги юзасидаги умумий бир қарашлардир. Кичик ҳажвий парчалар ҳамда сатирик эссе ва мактублар наинки уларни XX аср жадид ҳажвиёти сифатида кашф этишни, балки “Ойина” минбаридаги адабий-танқидий мұхит ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини ҳам берә олади.

“ОЙИНА” АДАБИЙ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ МАТНИЙ ТАДҚИКИ

I

Юқорида күрсатиб ўтилған шеърий материалларнинг катта қисми ўзининг салмоғи ва муаллифлар ижодини ўрганишдаги ақамияти билан ҳам қимматлидир. Бу материалларнинг адабиётшунослигимизга ҳавола қилиниши эса, албатта, табдил жараёнiga әхтиёж сезади. Шу әхтиёждан келиб чиқиб, “Ойина” адабий материаллари юзасидан айрим кузатышлар олиб борилди:

“Тошканда “Хива” синоматуграфинда”. 1914. №16.
Б. 290

Журналдаги “Тошканда “Хива” синоматуграфинда” матни 2004 йил “Ўзбек миллий уйғониш адабиётига материаллар-1” түпламида нашр қилинган²¹⁹. Шеърнинг номланиши асл матнда “Тошканда “Хива” синоматуграфинда” дейилгани ҳолда ноширлар томонидан “Тошканда (Хива) синемоси түғрисида” шаклида табдил қилинган. Шеър мазмуни (Хива) синемосига бориб тақалмайды, балки “синоматуграфинда”

²¹⁹ Ўзбек миллий уйғониш адабиётига материаллар-1. – Тошкент: Университет, 2004. – Б.71-72

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали
шоир ўзи гувоҳи бўлган ҳолатларни ёритган. Табдил асносида айрим жузъий хатоликларга йўл қўйилган. Жумладан, иккинчи байтнинг биринчи мисрасида “маълумотни” сўзи “маълумотин” деб ўқилган. Ваҳоланки, кейинги мисрадаги “хатин” сўзида бу камчилик қайтарилимайди. Учинчи байтда “бормайинг” сўзи “бормайик” тарзида ўқилган. Эски ёзув қоидалари бўйича “К” товушининг турли кўринишлари мавжуд. Баъзан уч нуқтали “К” нинг “К” ва “Г” вариантида ўқилиш ҳоллари учрайди. Муаллифларни шу ҳолат чалғитгандир. Лекин “К” дан олдинги “Н” ҳарфи бу сўзни “бормайинг” деб ўқишини талаб қиласди. Бу кейинги сўзнинг шахс-сонига ҳам мазмунан тўғри келади.

Нашрда айрим сўзлардаги “вов” ҳарфини “и” ўқиб кетиш ҳоллари ҳам талайгина:

Кўрунгки — кўрингки (– Б. 72)

Қичқурушуб — қичқиришуб (– Б. 72)

Ўлтуролмаймиз — ўлтиrolмаймиз йўсинида ўқиб кетилган (– Б. 72).

Матнни табдил қилувчи шахс ҳар бир матнни ўз тилида “сўзлатиши” керак. “Бошқа даврда ёзилган матнга иккинчи бир даврда аралашиш”²²⁰ бадииятига²²¹ ҳам, тил хусусиятларига ҳам путур етказади. Таҳлил қилинаётган нашрдаги “контрол” ва “билет” сўзлари аслида “контурол” ва “белат” каби ёзилган. Бу ҳолат матнга ҳозирги имло қоидалари билан дахл қилинаётганлигини кўрсатади. Журналдаги матнларда чиқиш келишигининг чўзиқ ҳамда қисқа ҳарф билан ёзилиши варианти учрайди. Шеърдаги “дин” ва-

²²⁰ Мирзаев, Т., Очилов, Э. Ўзбек филологияси—янги босқичда// Ўзбек тили ва адабиёти. 2003.№4

²²¹ Жумахўжа, Н. Истиқлол ва тил. —Тошкент: Шарқ, 1998.

риантида берилган “қайтадин”, “күнкадин” ноширлар “қайтадин”, “күнкадан” деб икки хил тарзда табдил қиласылар, “күнкадин” сўзи пунктуациясига эътибор бериладиган бўлса, унда:

- 1) чиқиш келишиги ҳам қўштироқ ичида берилгани;
- 2) атоқли отнинг кичик ҳарф билан ёзилганини кўриш мумкин.

Эски ёзма матнларда тиниш белгиларига катта аҳамият берилмаган. Бироқ манбада “Кўнка” сўзи қўштироққа олинганлиги очик-ойдин кўриниб турибди.

Нашрда “Яна ҳайдаб чиқарса, бизни кўринг” мисраси “Яна ҳайдаб чиқарса, буни кўринг” деб ўқилган. Бундай камчиликлар, қанчалик жузъий бўлмасин, айрим ўринларда матндаги маънога таъсир қиласи.

2. “Туркистон”. Носириддин. 1914. №16 б.288-289.

Ушбу шеър “Ойина” журналининг 1914-1915 йил сонларида адабиёт материаллари” тадқиқотида эълон қилинган. Шеър 12байтдан иборат бўлиб, умувшашағазал шаклида ёзилган. Ушбу мувашшаҳнинг бир жиҳати шундаки, калит ҳарфлар байтлар бошидаги эмас, мисралар орасидаги сўзларга яширинган. Шеърда шаклий ўхшашликка куч берилгани боис, маъно силлиқ чиқмаган. Шеър соғ маърифий руҳда бўлиб, унда афсус ва ачиниш кайфияти сезилиб туради:

*Бу Туркистонни “то”ви вор талаф ўлмоқ маҳал ўлмаз,
Нечун? Айлар далолат “ро”йи Туркистон разолатдин.*

*Мурод аз коғ Туркистон гулестондин ибораттур,
Ва лекин ани термоқ бизлара айни малолатдин.*

*Демак “син”дан иборат сони йўқ жоҳил кишилар вор,
Анга лозим илож, аммо туруб ғафлат, касолатдин.*

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали

Таназзул айлаюб қундан қун ўлди ҳалқимиз мискин,
Имон ё раббий отидин магар маҳвиз ҳалокатдин.

Агар ноиттифоқ ўлса, қутулмазлар фалокатдин,
«Алиф» анга ишорат аҳли ислом иттифоқ ўлсун.

Бо қарасанг “нун” ишорат айлаюр наммомалар чўқтур,
Кўярлар ажнабийларда манима нуқта оғатдан.

Энди табдил жараёнида киритилган айрим тузатишлар ҳақида. Матнинг эълон қилинган вариантида кичик ўзгаришларга йўл қўйилганки, бу шеърнинг мувавашаҳлигини эътибордан соқит қилиш натижасида келиб чиқсан, дейиш мумкин. Уларни яна ҳам аниқроқ тасаввур қилиш учун кетма-кет тарзда кўриб чиқиш мумкин:

Асл манба (1) Иккиласч манба (2)

Бу Туркистонни “то” ви вор талаф ўлмоқ маҳал ўлмаз,
Нечун? Айлар далолатда “ро”ши Туркистон разолатдин. (1)
Бу Туркистонни то ёвур талаф ўлмоқ маҳол ўлмаз,
Нечун? Айлар далолатда роии Туркистон разолатдин. (2)

Демак, “син”дан иборат сони йўқ жоҳил кишилар вор,
Анга лозим илож, аммо турууб ғафлат, касолатдин. (1)
Демак, сандан иборат сони йўқ жоҳил кишилар вор,
Анга лозим илож, аммо турууб ғафлат, касолатдин. (2)

Бо қарасанг “нун” ишорат айлаюр наммомалар чўқтур,
Кўярлар ажнабийларда манима нуқта оғатдин. (1)
Боқарсанг нун ишорат айлаюр наммомалар чўқтур,
Кўёргилар ажнабийларда манима наҳот оғатдин. (2)

Илоё, айюхал ихвони, илма эҳтимом айланг,
Қаю ҳолатда ўлса, илм мунжий, яъни зулматдин. (1)
Оллоё, илоҳо, хон илма эҳтимом айланг,
Қаю ҳолатда ўлса, илм мунча, яъни зулматдин. (2)

Хусусан, аҳли исломи мунаввар айламак лозим,
Ўлур албатта танвири маорифла назоратдин. (1)
Хусусао аҳли исломи мунаввар айламак лозим,
Ўлур албатта таниор маорифла назоратдин. (2)

Кўриниб турибдики, тадқиқотчи йўл қўйган янгилиш ўринлар шеър услубининг оғирлигидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Лекин бундай ҳолатлар матншуносни масъулиятдан ҳоли қилолмайди. Чунки биргина сўз ёки ҳаракат матн мазмунини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

II

XXаср бошлари даврий нашрларига қараладиган бўлса, уларнинг ҳар бирида ўзигагина хос бўлган имло хусусиятлари борлиги яққол кўзга ташланади. “Ойина” журнали насрый матнларини тадқиқ қилиш билан бир қаторда журнларнинг ана шундай ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб ўтиш жоиз. “Ойина”даги матнлар, асосан, настаълиқ ёзуvida бўлиб, таълиқ ва насх айрим ўринлардагина қўлланган. Жумладан, реклама ва эълонлар бўлими насх ёзуvida, айрим мақола сарлавҳалари ёки кичик-кичик матнларни беришда таълиқдан фойдаланилган. Журнални ўқищдаги мураккаблик бир ҳарфнинг турли кўринишда ва айрим сўзларнинг қўшиб ёзиб кетилишида кўринади. Беҳбудийнинг

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали тиниш белгилари ишлатилишига жиддий эътибор бергани ҳисобга олинса²²², журнал бу борада сафдош нашрлардан бир поғона юқори турганлиги шубҳа уйғотмайди.

Ҳар бир матн ўзида матншуносликнинг қайсиdir бир муаммосини акс эттиради. Матнни тўғри ўқиши учун матн яратилган давр тилини ҳам яхши билиш керак. Шу кунгача миллий уйғониш даври манбаларини тадқиқ қилишда амалга оширилган ишларда сўзларни турлича табдил қилиш ҳолатини кузатиш мумкин. Биргина “театр” сўзи гоҳ шаклий томонига қараб, гоҳ замонавий та-лаффузга мослаштирилиб, “тиётр”, “тётр”, “театр”, “теётр” деб ўқиб келинади. Бу каби ҳар хилликлар “Ойина” материаллари мисолида ҳам учрайди. 1994 йил “Маслакдошлар” тўпламида “Туркистонда биринчи миллий тиётр” тақризи эълон қилинган.²²³ Матн айрим қисқартиришларга учраган. Унда асл манбага мувофиқ келмайдиган ўринлар ҳам борки, уларни қуидаги шаклда ифодалаш мумкин:

I. Нашрда тушириб қолдирилган қисмлар:

1.“фожиаси” сўзидан кейин “... ила “Алдадук ҳам алдандук” воқеаси” жумласи ташлаб кетилган.

2. Биринчи гапдан сўнг “Падаркуш” фожиаси ниҳоятда яхши амалға қўюлгани ҳозир бўлганларнинг ҳар синфини розилигидан маълум эди” деб берилган қисм келтирилмаган.

II. Ношир томонидан матнга мослаш учун (конъектура) таҳrir қилинган ўринлар:

²²² Беҳбудий “Китобат ул-атфол”(1908) рисоласида ҳам айни бир бўлимни тиниш белгиларига (Румузлар) ажратган эди.

²²³ Ушбу матн “Ойина”нинг 1914 йил №14 сонидан олинган.

Аслиятда:	Нашрда:
ниҳоят	ниҳоятда
мевалар	пивалар
ҳамشاҳарийлар	ҳамшаҳарлар
борлик	борлиқ
наъра ураг, жон узар, хириллар наъра ураг, хириллар, жон узар баайни яъни	

Бу каби кичик ўзгартириш ҳам матнда дағаллик келтириб чиқаради. Шу боис матнни ўқишда муаллиф нутқи, матн мавзуси, давр ва муҳит каби белгилар эътиборда бўлиши муҳим. Журнал асосида нашр қилинган яна бир мақола бу Ҳожи Муиннинг “Муҳтарам шуаромизга” номли танқидий мақоласи бўлиб, Б.Дўстқораев ҳамда Н.Намозовалар томонидан нашрга тайёрланган. Мақоланинг ифода йўсунинда шева сўzlари ва туркий тил унсурларига кенг ўрин берилган. Бунга “бирав”, “уйғотмак”, “чиқармак”, “эмди”, “туфроғ”, “аччик”, “мундан” сўzlарини мисол тариқасида келтириш мумкин. Айрим ўринлардаги “аччиғ”, “мундин”, “мадҳиёт”, “Тўқаеф” шаклида ўзгартиришлар муаллиф позициясидан четга чиқиши билдиради. Қуйидаги арабча матн ҳам шу мақолага тегишли бўлиб, у нашр вариантида учрамайди: “Аллоҳума лав ла анта ма ихтадайна вала тасаддақна ва соллайна. Фаанзилна сакинатан алайна васаббитил ақдам ла қайна. Вал мушрикуна қад буғу алайна ва ин ароду фатантаху абийна”.

Матннинг нашр варианти асл матнга деярли мос тайёрланган. Ундаги “алиф” ва “вов” ни ўқиши билан боғлиқ икки хиллик эса ҳозиргача жуда кўп матнларни ўқишда учраб келаётган муаммодир. Матн-

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журналини ўқиётганда унинг замонавий имло қоидаларига мувофиқлашиб кетишининг олдини олиш зарур. Бундай қилинмаса, биринчидан, манба ўз ишончлилигини йўқотади. Иккинчидан, даврнинг тил хусусиятлари чигаллашиб кетади. Масалан, юқорида келтирилган “тиётр” сўзини ҳозирги талаффуз имкониятларидан келиб чиқиб “театр” деёлмаймиз. Бунда унинг тил хусусиятларига путур етказилган бўлади.

Матннинг ифодали ўқилиши ва тўғри маъно англатишида тиниш белгиларининг аҳамияти катта. “Ойина” ва бошқа барча даврий нашрларда ҳам тиниш белгилари жойида қўлланилмаган. Шу боис матн устида ишлаш жараёнида унга мантиқий ёндашув асосида тиниш белгиларини жойлаштириш хато ҳисобланмайди.

**ХХ АСР БОШЛАРИ ВАҚТЛИ МАТБУОТИДАГИ
ТАРЖИМАЧИЛИК ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР
(“Ойина” журнали мисолида)**

“Ойина” журнал саҳифаларида нафақат туркистонликлар, балки турк, татар, афғон, эрон шоирларининг ҳам ўз ижодий намуналари билан фаол қатнашганликларининг гувоҳи бўламиз.

Масалан, Риҷоизода Маҳмуд Акром, Догистоний, Кафқозий, Жавдат, Шайх Олим Эроний, Маҳмуд Тарзий, Зухуриддин Фатҳиддинзода каби шоирлар ижодини мисол қилиб келтириш мумкин. Шу билан бир қаторда, жаҳон мумтоз адабиёти мисолида Гётенинг “Фауст” асаридан, Умар Хайём, Бедил шеъриятидан намуналар келтирилган. Жумладан, журналнинг 1913 йил 9-сонида Айн.Хе.нинг “Фауст”дан усмонли туркласига ўтирган таржимаси берилган:

Нобуд ўламазми бу қабо олами ночиз!
Токи эдажакдир бени ворлиқ ила таъжиз?
Бик жаҳд ила бен олами имҳоя чолишдим,
Тоғлардан олов пускуруб ўрмонлари ёқдим.
Уммондаги амвожи бутун жўша гетурдим,
Бен зилзилалар-ла ери зеру забар этдим.
Ҳайф! Ўлмадим охирина мақсадима ноил:
Орома гирифтор ўлур амвож ва савоҳил!
Нафрат бу бани одама, нафрат ҳашарота
Голиб ўламамми ажабо бен бу завота.
Беҳаддир отдиқларим оғуши мамоти,
Ҳайфоки, ўлумда геламиз қарши ҳаёта!
Доим бу жаҳонда янги бир қон даваронда
Ноқобил таъдод юраклар зарабонда.
Тупроқда, ҳавода бир уфоқ қатраи модда.
Бингларча базирот ҳар он нашшу намода:

Аҳё эдар ажсоми ҳароратла рутубат.
Вер фарда музрат, на ябусат, на бурудат,
Жаннат гатирар чилдирам бен агар олам.
Доим бени айларса бу ҳолила муаллам!...
Кесмам яна умидими, оташ бенга ёвур,
Оташла паришон эдарам олами яксар!²²⁴

Парча асарнинг 1-қисм “Фаустнинг ишхонаси”дан олинган бўлиб, жорий ёзувда илк бор эълон қилинмоқда. Ушбу парчадан XX аср бошлари усмонли турк адабиётида ҳам “Фауст”нинг таржима вариантлари бўлганини англаш мумкин. Бироқ бу таржима асардан парча, холос. Айн.Хенинг “Фауст”ни тўлиқ таржима қўлганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, кўпчилик таржимашунослар Гёте асарлари, хусусан, “Фауст” таржимони бўлишни қаҳрамонлик деб ҳисоблашади. Бу қарашни рус гётешуноси А.Михайловнинг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлаб турибди: “Ўлчов нозикликлари билан шуғулланишни Гёте ёқтирмасди, бироқ “Фауст” бунинг тескариси, негаки, “Фауст” шеърий шакллар ва ўлчовларнинг бутун бир қомусидир. Уларнинг орасида юонон фожиаларидан триметр ва тетраметрлар ҳам, XVII аср фожиаларидан гекзаметрлар ҳам, немис халқ қўшиқлари, Данте “Илоҳий комедия”сини ёзишда қўллаган терсина ва бошқа жуда кўплаб шакллар учрайди”²²⁵. Шундай экан, бу мўъжизавий асар таржимаси кишидан узоқ ва машаққатли меҳнатни талаб қилиши шубҳасиз. “Фауст”нинг шоир-таржимон Борис Пастернак, Холодковский, қозоқ таржимони Медеубай Қурманов, озарбайжонлик Аҳмад Жамил, таржимашунос Пошали Усмон ўғли томонидан амал-

²²⁴ Фаустдан.Айн.Хе. // Ойина.1913.№2.Б1.

²²⁵ Таржимонлик санъаткорлиқдир // Ёшлиқ. 2013. №12.

га оширилган таржима нусхалари мавжуд. Пастернак билан Эркин Воҳидовда таржиманинг бадиий пухта чиқишига эътибор қаратилган бўлса, Холодковский ва Пошали Усмон нусхасида аслиятга сўзма сўз яқинлик кўринади. Юқоридагилардан фарқли ўлароқ биз ўрганаётган парчада таржимага анча эркин ёндашилганлигини кўришимиз мумкин. Сабаби, Айн.Хе асарнинг мазмунига ҳам, шаклига ҳам ўзгачалик киритган. Аввало, Мефистофель тилидан баён қилинган 19 мисралик парча таржимада 22 мисрага айланган, 11 бўғинли вазн “бойитилиб”, ҳар бир мисра ўзича туроқланган: 14,13,12 тарзида. Мазмун мундарижасида ҳам сезиларли ўрин алмашинишлар бор. Мазмундаги бу ўзгаришни Эркин Воҳидов таржимаси билан қиёслаганда, яна ҳам ойдинлашади.

Айн. Хе Мефистофелнинг Фаустга ўзини ва қандай ниятда эканлигини ошкор қилиш лавҳасини таржима учун танлаб олган.

Эътибор берилса, айнан мана шу парчада Мефистофель исмининг моҳияти очилгандек бўлади. Айн.Хеда:

Нобуд ўламазми бу қабо олами ночиз!
Токи эдажакдир бени ворлиқ ила таъжиз?
Бик жаҳд ила бен олами имҳоя чолишдим,
Тоғлардан олов пускуруб ўрмонлари қдим.
Уммондаги амвожи бутун жўша гетурдим,
Бен зилзилалар-ла ери зеру забар этдим.

Эркин Воҳидовда:

Поён билмас Йўқлик олами аро
Кичкина заррадир бу борлиқ дунё.
Уни йўқотмоққа уринмай неча.
Ҳануз устувордир кор қилмас пича.
Унга юбордим: мен чақмоғу бўрон,
Даҳшатли зилзила, ёнғину тўйфон.

Пошали Усмоннинг келтиришича, немис олими Готтхард Эрлер томонидан Мефистофелга қуидаги изоҳ берилган: “Мефистофель – христиан динига мансуб кишиларнингFaуст ҳақидаги китобида шайтон шу ном билан машҳурдир, бу ном Мефистофилос, Мефостофилес ва Мефистофиль каби эски шакллари гаҳам эгадир.

“Мефистофель” сўзи қадимги яхудийча “мефис” (бузғунчи, вайрон қилувчи) ва “тофель” (ёлғончи) сўзларидан олинган бўлса керак.

Лекин бу сўзнинг юонича “мефото-филес” (ёруғликни севмайдиган) ва “ме-фаустофилем” (Faustни севмайдиган) деган маънони англатади деган фикр шубҳалидир, албатта²²⁶. Изоҳда келтирилган “бузғунчи, вайрон қилувчи” маъноси биз юқорида келтирган мисраларда яққол акс этган. Шу ўринда, Г.Эрлер Мефистофелнинг юонича “ёруғликни севмайдиган” деган маъносини шубҳали деб қарайди. Бироқ бу маънонинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигини қуидаги мисралар исботлаб турибди:

Бу – тун. Бир замонлар борлиқни бутун
Чулғаб олган зулмат! У яратди нур...
Вақт келиб оламдан йўқолса жисм
Борлиқда қолмагай нур деган исм.

Биз мана шу мўъжаз парчадан Йўқлик ва Борлик, зулмат ва нур, ўлим ва ҳаёт зиддияти акс этганини кўрамиз. Умуман олганда, 1913 йил Айн.Хе томонидан амалга оширилган ушбу таржимага ўша давр кесимида қарайдиган бўлсак, бутаржиманидунё адабиётини ўрганишдаги сезиларли қадам бўлган, дейиш

²²⁶ Таржима санъати: мақолалар тўплами / масъул мухаррир F.Саломов. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. –Б.238.

мумкин. Мұхаррир Беҳбудий эса ўз ўрнида “дунё адабиётида кўп машхур бўлган ва кам ўрганилган” (Генри Пошманн) асар таржимаси йўлидаги бу уринишни янгилик сифатида ўз журналига олиб кирди.

Беҳбудийнинг ўзи жаҳон адабиётидан таржима билан маҳсус шуғулланмаган бўлса-да, уни бу жараёндан четда турган, деб бўлмайди. “Туркистон вилояти газети”нинг 1909 йил 10-сонида “Оқ елпоғичли чинли хотун” ҳикояси нашр қилинганд. У “Тасодиф” деб номланган дебоча билан бошланган. Муаллифи берилмаган. Асар имзосида: “1909 йил, далви девона, Самарқанд, Маҳмудхўжа ибн Беҳбудхўжа” кўрсатилган.²²⁷ Ҳикоя хитой адабиётига тааллуқли. Профессор Бегали Қосимов изоҳича, Беҳбудий асарни “ўз қалби ва қалами билан ўзбек ўзбек ўқувчисига тақдим этмоқчи бўлган”²²⁸. Ҳақиқатда, унда Беҳбудий тили ва ёзма услубини кўриш мумкин. Хусусан, “муқтасиъ қадрга тобеъ бўлди”, “дунё одати узра ҳар шай кечар”, “ғамум”, “барои хужум”, “думуъ”, “хумои”, “жадид” сўзларида Беҳбудийга хос бўлган араб-форс ҳамда эски туркий сўзларига “ўчлик” сезилади. Беҳбудий мазкур ҳикояни тўғридан-тўғри ўгирмай, балки ўзи “олдин ҳам кўрган”²²⁹ таржимага миллий руҳ бериб, ўзбек ўқувчисига мослаштирган. Буни эркин таржима ҳам дейиш мумкин.

“Ойина” журналининг 1914 йил 27-сонида яна бир таржима асар учрайди. У кичик монолог тарзida ёзилган “Бир аъмо боланинг ҳасрати” парчаси бўлиб, сўнгига учта муаллиф номи келтирилади:

²²⁷ Тасодиф // Туркистон вилоятининг газети. 1909. №10.

²²⁸ Беҳбудий, Маҳмудхўжа. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2006.–Б.53.

²²⁹ Бир аъмо боланинг ҳасрати // Ойина. 1914.№27. –Б.505.

“Муҳаррири: француз қизи Соррун; мутаржими: Рижоизода марҳум Маҳмуд Акром; Усмонличадан табдил этгони: Маҳмудхўжа”. [14,505] Беҳбудийнинг ўзи “усмонличадан табдил этгони” тарзida берса-да, биз бунга таржима сифатида қарашимиз керак. Сабаби, Рижоизода турк адаби. У ҳикояни французчадан усмонли тилига таржима қилган. Беҳбудий эса уни ўзбек тилига ўгириган ва ўзи бунга табдил деб ном беради. Аслида, табдил ҳам (ҳозирги кунда таржима кучини беролмаса-да. –Н.Э) луғавий маъноси жиҳатидан ўша давр муҳити учун таржимага ўринбосар сўз бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Шу маънода, “Бир аъмо боланинг ҳасрати” ва “Оқ елпоғичли чинли хотун” ҳикояси Беҳбудий томонидан амалга оширилган таржима ишларидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, таржима ҳамма даврларда барча халқлар учун кўприк вазифасини ўтаган. Унинг дастлабки илдизлари иккиминг йил муқаддам юнонистонлик Ливий Андроникнинг Гомер “Одиссея”сини лотин тилига ўгириши билан бошланган бўлса²³⁰, ҳозирги кунга келиб эса таржимадан айро равишда ҳеч бир маданият ривожлана олмаслиги тўла-тўқис англаб етилди. Забардаст таржимашунос олим Ғайбулла Салом сўzlари билан айтганда, “Нақадар саодатки, халқларнинг қўлида “таржима” отлик қудратли восита бор!”²³¹

²³⁰ Таржима санъати: мақолалар тўплами / масъул муҳаррир F.Саломов. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. –Б.238.

²³¹ Саломов, F., Комилов, Н. ва бошқ. Таржимон маҳорати. –Тошкент: Фан, 1979. –Б.4.

<p>فاؤست دن : عزیج جنابلیشک دور</p> <p>تایвод او لا بازمی په تبا عالم ناجیسز! نمگاهیده جلد رینی و از لیس ایده تعجبیز!</p> <p>بیک جهد ایلین عالی امحایه چالشدم طاغی دن آکوپ سکور و بیا در اندری یافتم</p> <p>عمانده که امواجی بوتون چشیده گیتردم، بن زلزله کوهی زیری زیرو زبر ایشدم</p> <p>حیف! او لادم آخرینه تعصمه مرتامل: آرامه گرفتار او لور! امواج دمواحل!</p> <p>لغفت پوینی آدم، لغفت حشرات! غالب او لاممی میباش په ذوقتی؟</p> <p>بی خاکه او نوم و گلکه فارشی حیاته! بی خاکه او نوم و گلکه فارشی حیاته!</p> <p>دانم پوچنانه یگی بر قان دوزانده، نقابل تعدادیور کفر فرمانده</p> <p>بیک لوجه تبررات هران نشانده، طوب اقدره، هوا ده، بر او فاق طله ناده</p> <p>ویرمزده مضرت نیزه است، خبر ددت! احیا ایدر احسامی حرارتکه رطبت.</p> <p>جننت گتیر چیلید یرم من اگر عالم دانم بی ایرسه بو حائیله مؤلم!...</p> <p>کشم ینه اسیدی، آتشش لپریشان ایده درم عالی گسترا</p>	<p>فاؤست دن : عزیج جنابلیشک دور</p> <p>تایвод او لا بازمی په تبا عالم ناجیسز! نمگاهیده جلد رینی و از لیس ایده تعجبیز!</p> <p>بیک جهد ایلین عالی امحایه چالشدم طاغی دن آکوپ سکور و بیا در اندری یافتم</p> <p>عمانده که امواجی بوتون چشیده گیتردم، بن زلزله کوهی زیری زیرو زبر ایشدم</p> <p>حیف! او لادم آخرینه تعصمه مرتامل: آرامه گرفتار او لور! امواج دمواحل!</p> <p>لغفت پوینی آدم، لغفت حشرات! غالب او لاممی میباش په ذوقتی؟</p> <p>بی خاکه او نوم و گلکه فارشی حیاته! بی خاکه او نوم و گلکه فارشی حیاته!</p> <p>دانم پوچنانه یگی بر قان دوزانده، نقابل تعدادیور کفر فرمانده</p> <p>بیک لوجه تبررات هران نشانده، طوب اقدره، هوا ده، بر او فاق طله ناده</p> <p>ویرمزده مضرت نیزه است، خبر ددت! احیا ایدر احسامی حرارتکه رطبت.</p> <p>جننت گتیر چیلید یرم من اگر عالم دانم بی ایرسه بو حائیله مؤلم!...</p> <p>کشم ینه اسیدی، آتشش لپریشان ایده درم عالی گسترا</p>
--	--

Айн. Ҳе. “Фауст”дан. (“Ойина”, 1913. №9.)

ИЛОВАЛАР

1-и洛ва

ЯНГИ ТОПИЛГАН МАҚОЛА ВА ХАТЛАР

ТУЛЛОБИ КИРОМА

Ҳар миллат ва дин аҳлининг муҳтарам синфи уламолардир. Уламо ҳазароти, албатта туллоб ичиндан етишиюрлар. Уламо ҳазароти миллат ичин диний ва дунёвий ишларда йўл қўстаричи ва тарбия эдичидирлар. Бинобарин, унлара ҳурмат аҳолия лозимдир. Унлар варасай анбиёдирлар. Унларнинг зиммаларина шориъ тарафиндан аҳолиий илман, динан ва ахлоқан тарбия этмак-да юкланишидир.

Халқнинг жисмоний ва руҳоний тарбияти ичин мураббийларнинг, яъни уламонинг диний ва замоний улум ва фунунни даражай камолда билмалари, албатта лозимдир. Канди асрдошларининг аҳволи, афкори, авторини билмак керакдир. Наслки, салафи солиҳин ўз замонлариндаги ҳар дурлу халқнинг ақида, одат ва қашфиётларини билир ва онлар тарафиндан дини ислома оид ўлан баҳс ва иродлара муқобил юз бинглар ила китоблар тасниф эдиб, аҳолининг эътиқод ва ахлоқ жиҳатининг бақосина хидмат эдирларди.

Масалан, мантиқ, калом, ҳикмат илмларинда китоблар шунинг ичин тадвин ва тадрис ўлинмишdirки, бу илмлар дин ва миллат ичин одатан сувар ва муҳофаза ҳукминдадир. Уламои салаф ҳазароти ўз замоналариндаги даҳрий, ла адри, ҳаким ва файласуф насоро ва яҳуд фирмалари афкорина, аввалан ошно ўлуб, сўнгра унларнинг исломията зарар эдичи ақидаларининг раддина ададсиз китоблар

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали тасниф этмишлардир. Ақлиёт ва лақалқиёт тарафиндан дини ислома тааллуқ эдан баҳслара ғоят гўзал жавоблар ёзуб, китоблар тадвин эдуб, бунлари мадрасаларда таълим ва тадрис эдарларди. Бу на ичин эди, ажабо? Мусулмонлари ажониб фикрина маҳкум ўлмақдан муҳофаза ичин эди.

Шимди замонамизда яна калом, ҳикмат китоблари тадрис ўлинур. Аммо ҳанги ҳикмат, калом? Беш юз сана, минг сана муқаддам кечан ҳаким ва мутаарризлара муқобил тадвин ўлинан раддиялар ...

Ҳолбуки, беш асрдан бери ҳикмат, ҳайъат, кимё, соир табиъиёт ва ақлиётда ададсиз кашфиётлар воқеъ ўлди. Беш асли охир ичинда бу кашфиётлар сабаби ила ҳикмат ва фалсафа аҳлининг ақидаси бошқаланди. Аҳли замонимизнинг фалосифа ва ҳукамо ёхуд модиён ва ниҳилистларина, иштирокион ва динсизларина беш-ён аср муқаддам тасниф ўлинан калом китоблариндаги далиллар ила муқобала айласак, тўб ва туфанг каби олоти ҳарбияя бизим аждод ёдгори ўлан поло, ҳанжар, қилинч каби шайлар ила қарши келсак натижа ная ярап? Яъни биз билкулия илми замондан, кашфиёт аслидан, афкори мусолиини диндан бехабариз. Ҳолбуки, беш аср муқаддам ўлдиғи каби шимдида мусолиининг 300 милёни биз мусулмонлара тобедир.

Ишта, бунинг ичин уламо ва туллоби кирома лозимки, мусолиининг, Оврупонинг, фарангларнинг фикрина, фалсафасина, ҳикматина, ақлиётина аввалин ошно ўлуб, сўнгра салафи солиҳин суннати узара онларнинг афкори музиррасиндан мусулмонлари муҳофаза ичин унлар муқобилинда ва замонанинг динсиз – даҳрий ва модиён ва иштирокионлари қаршисинда дини исломнинг таълимотини мудофаа қилсунлар, китоблар ёзсунлар.

Бу ишлар мутлақо замонанинг фунун ва улуми жадидасини ўқумоқ ила, замона аҳлининг афкорини билмак ила, алсинаи ғарбияя воқиф ўлмақла, хулоса том маъноси ила (замоний олим) ўлмағла ҳусула келир.

Мұхтарам туллоби киром билсингларки, илми калом майдонинда тош отан (фуруқи золла) денилан хусмларнинг аксари чўқдан йўқ ўлуб кетмишdir. Шимди унларнинг еринда бошқа хусмлар пайдо ўлуб бизим каломий қўзимиза кўринмаяжак пек узоқ масофадан ҳикмати жадида воситасила ихтироъ қилинан маънавий олатлар ила ақида ва қалбларимиза янги фалсафий асбоблар ила ҳужум этмақдадирлар. Аммо биз ҳануз янги ҳукамо ва фалосифадан бехабарона ва уч-дўрт аср муқаддам кечан ва ҳоло мавжуд ўлмаян шу ва ё бу фирмә кўркўрина тош отиб умримизи зойеъ қилиор ва бу кун биза тамос эдан ҳукамо ва фалосифадан тамомила бехабариз.

Кўрқарам, Каъбая вусул муюссар ўлмаз, эй, аъробий! Чунки кетдигинг йўл Туркистондир.

(Самарқанд – Маҳмудхўжа Беҳбудий)

**Ислом дунёси. 1331 ҳижрий (1913 йил), № 16,
252-254-бетлар.**

МАКОТИБ

Самарқанддан:

“Сироти мустақим” ҳайъати таҳририя ва ноширияси жониби алайҳисина.

Баъд аз ифоғи ма лазима алайна минат-таҳияти вас-салам маъруз завоти улу-л-иҳтиромиён ўйлаким асари ҳамияти диния ва миллиялари ўлуб тарафи ожизия ирсол буюрулан “Сироти мустақим” мажаллаи шарифаси восили даст ифтихор ўлди.

Бандалари “Самарқанд мутолаъхонаи исломиёси”на вазъ этдим. Қироатхона аъзоларининг бениҳоят мамнуниятларина боис ва матбуоти жадида қориъларина фойдабахш ўлди. Ҳайъати маорифпарвароналарина бандалари-ла баробар арзи ташаккур ва эҳтиром этмай вожиботдан адд эдарлар.

Дору-л-хилофати алайҳи “Сонал-л-лоҳу таъала ани-л-балийяти” уламои завия-л-эҳтиромиийндан бу жиҳат мусулмонларина бу марҳамат ва отифат, узмо бир ҳидоят ва аъло бир илтифотdir.

Кечан сана китобчи “Мехрон” васотати-ла мажаллаи ғарродан Самарқанд мутолаахонаси-чун нисф саналик обуна ўлуб файзиёб ўлмишдик, аммо муассасанинг факр киссаси қатъи обуная сабаб ўлмишди. Ишта ташна луббони илм ва фаннийи бу мавҳибати аъзамилари сироби ирфон ва мадюни шукрон этди.

Самарқанд уфажиқ тараққийпарвар жамиятининг мутафарриқ аъзолари Рашид афанди ҳазратларина лутфан арзи салом этмай илтифонларина биноан идораи муқаддасай “Сироти мустақим”дан риҷо эди-юр. Асари ажими муҳтави ўлан олти нусха расоили матбуъя ва ҳукуматнинг жаридаи расмияси ўлан “Туркистон вилоятининг газети”дан идораи шарифая тухфа нияти-ла бу мактуб-ла баробар пўстая таслим

қилинди. Қабул ва қўздан кечирилса кендима шарапф эдиёрим. Буранинг аҳволина доир баъзи шайлар ёзмоғи маъла-л-ифтихор нафси ожизи илтизом эдиор.

Ёлғиз қусурот ва таъхиротимизи афу буюрмоқлари маржудир. Боқи: “Сироти мустақим” ҳайъати таҳририясининг давом умр ва оғияти ва саботи маслакини истидъо ва алларини ўпмайи жаноби Борийдан таманно этмак-ла хатми мақола айларам. Ва-саламу ва-л-акрому аввалан ва ахиран.

Самарқанд дору-л-қазо муфтиларидан Маҳмудхўжа ибн Беҳбудхўжа

Самарқанд, ғаррои Рамазон 1328.

“Сироти мустақим” – муфти жанобларининг лутфан идорамиза ҳадя буюрдиқлари кутуб ва жароид восил ўлди. Миллатдошдарина бўйла ноғиъ асарлар ёзмая муваффақ ўлдиқлариндан дўлайи, муфти жанобларини табрик ва биза бирар нусхасини иҳдо айламалариндан ношида билхосса ташаккур айлариз.

**Сироти мустақим, 25 Рамазон 1328
(29/30.09.1910), №108, 66-67-бетлар**

КИТОБ ҲОШИЯСИГА БИТИЛГАН МАКТУБ

Афандим нашр ва таъмимиға ҳиммат этмоқларила бандани сарфароз этмоқлари маржудир. Китобими бир маъхази (бир бурчаги, парчаси) Таржимон ва асарими мутаъаддид маҳалларина иқрор этмишам. Ушбу асари ожизона 455 саҳифа, 4 жилд, 35 дан зиёда харита ва аш-коли жўғрофиёй ва ҳикматийни ҳовийдур. Нисфи жилди аввалиси (уласи) ушбу. Ва охирида хариталар илова ўлинниор. Бақия 3 жилди Оврупо, Озия, Африқо, Америка, Афстролия, Русия қисмларидан иборатдур. Иншооллоҳ, ушбу жилди аввалиси (уласи) икки ойға мaa хариталари тайёр бўлса керак. Хуруфотлар озлиги бандани чўх заҳмат верди. Ҳар жузъи 4 саҳифа бўлганига ҳам иллат шудир. Бақиясинида тамом бўлгани ила идорага юборилур. Вассалом. Ал-Ҳож Маҳмудхўжа.

(“Китоби муNTAXаби жуғрофияи умумий” китобининг титул варагига ёзилган мактуб, 1906 йил)



«ОЙИНА» ЖУРНАЛИДАГИ ШЕЪРИЙ МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

1. Васлий. Танбех ва баёни воқеъ. 1913.№1.–Б.9-10.
2. Миллий. Илтижо. 1913.№1.–Б.10-11.
3. Фахридин Рожий. Ойина чист? 1913.№1 –Б.25-27.
4. Идорадан. Мутафарриқа. 1913.№1. –Б.27.
5. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Мулоҳаза. 1913.№1.–Б.
28-31.
6. Муаллифсиз. Тазарру. 1913.№2. –Б.4.
7. Лутфуллапошазода. Тафаккур. 1913.№2. –Б.4.
8. Ҳаким Бухорий. Ёд бод. 1913.№2. –Б.22-23.
9. Ҳожи Муин Шукрулла. Эътироф. 1913.№3. –Б.64.
10. Валий. Мактаб. 1913.№3. –Б.67.
11. Фахридин Рожий. Табиб ҳикояти. 1913.№3.
–Б.72-73.
12. Садриддин Айний. Мозий ва ҳол. 1913.№3. –
Б.79.
13. Ҳилмий. Йўқ биза. 1913.№4. –Б.84.
14. Маҳмуд. Мактаби инос аз рисолаи адаб дар
фан. 1913.№4. Б.87.
15. Мир Сарвар. Жавоб ба Васлий. 1913.№4.Б.96.
16. Идорадан. Табрики соли нави Қамарий.
1913.№5. Б.108.
17. Муаллифсиз. Марсия. 1913.№5.Б.112.
18. Нигорхоним. Кулол. 1913.№5. Б.112.
19. Идорадан. Мутафарриқа. 1913.№5.Б.118.
20. Идорадан. Аз “Сирож ал ахбор”и афғоний.
1913.№5.Б.124.
21. Васлий. Танаббуҳ. 1913.№5. Б.125.
22. Муаллифсиз. Бикушо назар бар Осиё гардониё
жуғрофиё. 1913.№6 Б.139.

23. Маҳмуд Акрам. Саҳар. 1913.№6. Б.139.
24. Мавлавий Ҳусайн Сайид Ваҳбий. Оҳ онин. 1913.№6. Б.139-140.
25. Умар Хайём. “То чанд кунам арзи нодони хиш”. 1913.№6. Б.150.
26. Садриддин Айний. Ё рабб. 1913.№7. Б.156.
27. Идорадан. Оҳ ва онин. 1913.№7. Б.160.
28. Ножий таржимаси. Марсия. 1913.№7. Б.160.
29. Идорадан. Тархифи Каломуллоҳ ҳақинда. 1913.№7. Б.162.
30. Умар Хайём. “Некий ва бадий ки дар ниҳоди башар аст”. 1913.№7.Б.166.
31. Маҳмуд. “Аз рисолаи “Адаб дар фан”. 1913.№7. Б.170.
32. Маҳмуд. Иона (аз рисолаи “Адаб дар фан”). 1913.№8. Б.178.
33. Мирзо Ҳасиб Қудсий. Тобанд дар оғоқа жамоли маданият. 1913.№8.Б.180.
34. Идорадан. Мутафарриқа. 1913.№8.Б.188.
35. Камий. Учинчи адад “Ойина”даги шеърга тахмис. 1913.№8.Б.189.
36. Бинти Усмонпоша Нигорхоним. Икки номзод аросинда акс-садодан. 1913.№9.Б.211.
37. “Чехранамо”. Махрами эрониён ё маҳрами исломиён. 1913.№9.Б.216.
38. Идорадан. Оҳ ва онин. 1913.№9.Б .217.
39. Айн. Ҳе. “Фауст”дан. 1913.№9.Б.217.
40. Мир Сарвар. Тарихи интишори “Ойина”. 1913.№9.Б.222.
41. Маҳмуд Тарзий. “Бишунавед, эй дўстон ин мозарои Фарбу Шарқ”. 1913.№10.Б.233.
42. Муаллим Тожий. Махрум ўлали такаллумингдан. 1913.№10.Б.233.

43. Идорадан. Султон Салоҳиддин Айюбийга. 1913.№10.Б.242.
44. Тўлаган Хўжамёруф. Оҳ ва ҳасрат. 1913.№10.Б.244.
45. Бухорой. Мактаб. 1914.№11.Б.267-268.
46. Те Аббосий. Румузи ҳасрат бар аҳли миллат. 1914.№11.Б.269-270.
47. Азdevони Мирзо Ҳодий. “Мерос”. 1914.№12.Б.284.
48. Аз девони Мирзо Ҳодий афанди-и марҳум. “Суҳан аст”. 1914.№11.Б.289.
49. Мулла Иброҳим ибни Сайид Камол “Журъат”. Мусаддас. 1914.№12.Б.293-294.
50. Мирзо Ҳасиб Қудсий. Интибоҳи маориф ва саное. 1914.№12.Б.294-295.
51. Идора. Қасидаи мавлудия. 1914.№13.Б.199.
52. Фахриддин Рожий. Оҳ ва онин. 1914.№13.Б.210.
53. Шайх Абулқосим Олимси Эроний. Башорати мавлуди шариф. 1914.№13.Б.214.
54. Абдурауф Фитрат. Тозиёнаи тадиб. 1914.№13.Б.214-216.
55. Бухорой. Марсия ба М.С. Ҳаким. 1914.№14.Б.223.
56. Муҳаммад Ҳодий Кафкозий. “Маснавий”. 1914.№15.Б.255.
57. Маҳмуд. Ҳасад. 1914.№15.Б.263.
58. Сайид Аҳмадхўжа Сиддиқий. Муқобила (“Анжумани арвоҳ”дан). 1914.№15.Б.276.
59. Носириддин. Туркистон. 1914.№16.Б.288-289.
60. Тўлаган Хўжамёруф. Тошканда “Хива” синемотуғрофинда. 1914.№16.Б.290.
61. Те. Аббосий. Ё рабб. 1914.№16.Б.291.
62. Камий. Мўътабар “Таржумон”ва Исмоилбек Гаспринский жаноблари ҳақинда. 1914.№17.Б.294.

63. Сайди Ваҳбий. Нурлар каби бир жамолингиз вор. 1914.№17.Б.299.
64. Идорадан. Мутафарриқа. 1914.№17.Б.299.
65. Фафлатий. Фарёд ва фифон. 1914.№17.Б.314-315.
66. Мулла Убайдуллахўжа Сулаймоний. Таассуф. 1914.№18.Б.327.
67. Исмоил Сафо. “Сенинг ишқинг..”. 1914.№18.Б.330.
68. Нафъий. “Кўнглим лаёл...”. 1914.№19.Б.356.
69. Асъад. Киноят. 1914.№19.Б.261.
70. Зухурийдин. То ба чанд? 1914.№19.Б.363.
71. Мим.Нун.Хатоий. Гузашта ва оянда. 1914.№20,б.384.
72. Хоиб Андижоний. Ишқваҳавас. 1914.№21.Б.301.
73. Идорадан. Мутафарриқа. 1914.№21.Б.307.
74. Мулла Аъвиз Муҳаммад. Мактаби жадид шаънига. 1914.№21.Б.307.
75. Тўлаган Хўжамёруф. Шароратимиз. 1914.№22.Б.318.
76. Аҳмаджон Абдулфасих ўғли. Қадим бирла жадид. 1914.№22.Б.326.
77. Аббосий. Фузулийнинг шеърина мухаммас. 1914.№22.Б.329.
78. Муҳаммад Сайди Доғистоний. Аё ихвон! 1914.№22.Б.335.
79. Абдулла Жавдат. Лавҳайибаҳор. 1914.№23.Б.347.
80. Надим. Чаман. 1914.№23.Б.349.
81. Рижойзода Акром. Баҳордан бир япроқ. 1914.№23.Б.357.
82. Мунзим Бухорий. Мактаб. 1914.№23.Б.358-359.
83. Қори Нажмиддин. Иштиёқи илм. 1914.№23.Б.359.
84. Мутафарриқа. 1914.№24.Б.367.

85. Мулла Абдуллахўжа Сулаймоний. Жаҳл. 1914.№24.Б.369-370.
86. Риҷоийзода Маҳмуд Акром. Сайри баҳор. 1914.№24.Б.370.
87. Раъфат. Дили оташдида... 1914.№24.Б.370.
88. Мирзо Бурҳон. Бир тифлинг шеъри. 1914.№25.Б.394.
89. Ғулом Қодир бойбача. Намунаи адабиёт. 1914.№25.Б.404.
90. Мутафарриқа. 1914.№25.Б.404.
91. Кавкабий Ўший. Йўқ! 1914.№25.Б.405.
92. Маҳмудхўжа Риҷоизода. Ойина. 1914. №25.Б.405.
93. Мутафарриқа. 1914.№26.Б.480.
94. Доий. Дариф. 1914.№26.Б.486.
95. Мулла Иззат. Ҳасад. 1914.№26.Б.488.
96. Те Аббосий. Насиҳат. 1914.№26.Б.490-491.
97. Хатоий. Баҳори ватан. 1914.№26.Б.494-495.
98. Шукуфа. 1914.№26.Б.497.
99. Тўлаган Ҳўжамёруғ. Ҳасби ҳол. 1914.№27.Б.518.
100. Иброҳим Даврон. Синдилар. 1914.№27.Б.518-519.
101. Ҳошим ибн Солиҳмаҳдум Шаҳрхоний. Хор ме-гардем. 1914.№27.Б.519.
102. Риҷоийзода Маҳмуд Акром. Умри башар. 1914.№29.Б.567.
103. Сиддиқий Ажзий. Э шаръ. 1914.№29.Б.570-571.
104. Хатоий. Суруши ғайб. 1914.№29.Б.571.
105. Сиддиқий Ажзий. Ихтиноқ. 1914.№30.Б.592.
106. Мим Нун Хатоий. Саёҳати фохта. 1914.№30.Б.592-593.
107. Мутафарриқа. 1914.№31.Б.607.

108. Васлат. Мутафарриқа. 1914. №31. Б.612.
109. Сиддиқий Ажзий. Дашна. 1914. №31. Б.613.
110. Миллий. Театро. 1914. №31. Б.618.
111. Мутафарриқа. 1914. №32. Б.623.
112. Мирзо Шароф Ҳилмий. Э аҳли замон. 1914. №32. Б.641-642.
113. Айн. Афсус. 1914. №32. Б.642.
114. Сиддиқий Ажзий. Одатча нафх. 1914. №33. Б.780.
115. Фахриддин Рожий. Қобил дегилса. 1914. №33. Б.780.
116. Сиддиқий Ажзий. Ё рабб. 1914. №33. Б.792.
117. Фахриддин Рожий. Кўнгилга хитоб. 1914. №33. Б.792.
118. Мирсарвар Қори Мирҳайдарзода. Баҳри ривожи миллат. 1914. №33. Б.799.
119. Тўлаган Ҳўжамёруф. Фарёд ва фифон. 1914. №34. Б.814.
120. Жавҳарий. Нималаримизбор? 1914. №34. Б.814-815.
121. Ориф Ҳикмат. Мазористон. 1914. №34. Б.815.
122. Қори Нажмиддин. Тарғиб ба мактаб. 1914. №34. Б.822.
123. Афанди Хон. Миллатга хитоб. 1914. №35. Б.838-839.
124. Баҳор. Аз мост ки бар мост. 1914. №35. Б.846-847.
125. Сиддиқий Ажзий. Э онки маҳзи ҳирси шикам кардае ҳавас. 1914. №35. Б.847.
126. Сиддиқий Ажзий. Ватан манзумаси. 1914. №36. Б.860-861.
127. Ҳолмуҳаммад Охундий. На ҳолдамиз? 1914. №36. Б.861-862.
128. Баҳор. Адабиёт. 1914. №36. Б.870-871.

129. Сиддиқий Ажзий. Адабиёт. 1914.№37.Б.886.
130. Мирзо Афанди. Киноялик ифтихор. 1914.№37.Б.886-887.
131. Мирзо Бурҳон. Фазилати мактаб. 1914.№37.Б.895.
132. Сиддиқий Ажзий. Шеър. 1914.№38.Б.905.
133. Муҳаммад Ҳодий Салимзода. Рамазон. 1914.№38.Б.911-912.
134. Ниёзий Ражабзода. Шодлик шеър. 1914.№38.Б.912-913.
135. Сиддиқий Ажзий. Ашъор. 1914.№39.Б.932.
136. Мулло Кўшоқ Мискин. Мактаб ҳақинда. 1914.№39.Б.932-933.
137. Сиддиқий Ажзий. Воиз. 1914.№39.Б.933.
138. Сиддиқий Ажзий. Ашъор. 1914.№40.Б.955.
139. Мулло Ғулом Зафарий. Э илм! 1914.№40.Б.955-956.
140. Холмуҳаммад Охундий. Ватанга. 1914.№40.Б.956.
141. Муҳаммад Амин. Мактабимиза! 1914.№40.Б.956-957.
142. Муҳаммад Ҳодий Салимзода. Лавҳи макотиб. 1914.№41.Б.972-973.
143. Сиддиқий Ажзий. Фахрия. 1914.№41.Б.978-979.
144. Муҳаммад Ҳодий. Тажриба меваси. 1914.№42.Б.995.
145. Фахриддин Рожий. Видо. 1914.№42.Б.996.
146. Холмуҳаммад Охундий. Илм на этар? 1914.№44.Б.1044.
147. Мирзо Шаҳобиддин. Ё рабб. 1914.№45.Б.1070.
148. Муҳаммад Ҳодий афанди. Иршодсиз муршидларга. 1914.№45.Б.1083.

149. Абдусалимзода. Паёми Хайём.
1914.№46.Б.1108.
150. Сирож ал-ахбор. Вақт. 1914.№46.Б.1108.
151. Сиддиқий Ажзий. Моро ба кори кас.
1914.№47.Б.1125.
152. Мим. Син. Сайд Азимзода. Оқ подшоҳга дуо.
1914.№47.Б.1135.
153. Фахриддин Рожий. Исмоилбек ҳазратларига.
1914.№49.Б.1165.
154. Мулло Абдухолиқ. Аллоҳ даргоҳига подшоҳ
учун дуо. 1914.№50.Б.1202.
155. Мұхаммад Ҳодий. Ийди азҳо. 1914.№51.Б.1210-
1211.
156. Сиддиқий Ажзий. Исмоилбек ҳазратлари ёди-
га. 1914.№51.Б.1228.
157. Васлий. Тарихи риҳлати жаноби Мирзо
Исмоилбек. 1914.№52.Б.1253.
158. Ҳошимжон ибни Мұхаммад Солиҳ маҳдум. Э
ҳаким. 1914.№52.Б.1254.
159. Мавлоно. Аз рубоиёти ҳазрати Мавлоно.
1914.№54(2).Б.30.
160. Қори Мұхаммад Раҳим Тожий. Тиканни фарё-
ди. 1914.№54(2).Б.39-40.
161. Ҳе.Ҳе. Э мусулмони диёр. 1914.№55(3).Б.53.
162. Камий. Ҳар кишида илм ва санъат бордир.
1914.№55(3).Б.53.
163. Ҳатойй. Исмоилбек ҳазратлари ёдига.
1914.№55(3).Б.63-64.
164. Мир Сарвар. Тарғиб ба илм ва маориф.
1914.№56(4).Б.94.
165. Асъад. Мактаб. 1914.№56(4).Б.95.
166. Фахриддин Рожий. Носозлигимиз учун.
1914.№57(5).Б.109.

167. Садриддин Айний. Нидо ба жавонон.
1914.№57(5).Б.118-119.
168. Аз Шайбонийномайи форсий.
1914.№57(5).Б.119.
169. Фахридин Рожий. Шогирд ила устоз.
1914.№58(6).Б.130-131.
170. Мир Сарвар. Тарихи иртиҳоли Мирзо Исломил-
бек Фаспринский.1914.№58(6).Б.142.
171. Соҳиб. Ватан. 1914.№58(6).Б.143.
172. Суруд. 1914.№58(6).Б.143.
173. Мавлоно. Аз рубоиёти ҳазрати Мавлоно.
1914.№58(6).Б.143.
174. Қасидайи мавлудия. 1915.№59(7).Б.146-148.
175. Муҳаммад Ҳанифа. Шикоят.
1915.№59(7).Б.172.
176. Ёшлик замони. 1915.№59(7).Б.172.
177. Ҳазин. 1915.№59(7).Б.173.
178. Мир Сарвар. Илму адаб. 1915.№59(7).Б.173.
179. Ё рабб. 1915.№60(8).Б.195.
180. Изҳори муҳаббат. 1915.№60(8).Б.195.
181. Китоб. 1915.№60(8).Б.195-196.
182. Мирзо Ҳамдам Мирзо Ҳомидзода. Таҳассур ва
фифон. 1915.№60(8).Б.196.
183. Шарафзода Хоиб. Этмишларимиз.
1915.№60(8).Б.196-197.
184. Қосим Маҳдум Қоризода. Э, дило!
1915.№60(8).Б.197.
185. Қонуни табиятдан. 1915.№60(8).Б.203.
186. Марғilonдан.Faflat. 1915.№61(9).Б.227.
187. Мирзо Ҳамдам Мирзо Ҳомидзода. Макотиб.
1915.№61(9).Б.227.
188. Тамсили замони ҳозир. 1915.№61(9).Б.228.
189. Алиф.Син. Нечун одам ҳаётга мубталодур.
1915.№61(9).Б.228

190. О. Ҳак. Мазористон. 1915.№61(9).Б.228-229.
191. Мулло Ғулом Зафарий. Ҳолимиз. 1915.№61(9).Б.229.
192. Чимилик ичинда. 1915.№61(9).Б.229-230.
193. Бедил. Ҳикоят бар сабили тамсил. 1915.№61(9).Б.230.
194. Наъти ҳазрати набавий. 1915.№62(10).Б.267-268.
195. Май. 1915.№62(10).Б.268.
196. Ҳусн ва баҳор. 1915.№62(10).Б.268-269.
197. Бечора булбул. 1915.№62(10).Б.269.
198. Ўлмас. 1915.№62(10).Б.269.
199. Ана сан, ана ман. 1915.№62(10).Б.269.
200. Аббосий Порина. Манам ки шоирам. 1915.№62(10).Б.269-270.
201. Ҳикоят. 1915.№62(10).Б.270.
202. Фикрий. Бедор ўл. 1915.№62(10).Б.270-271.
203. Баҳор. 1915.№63(11).Б.296.
204. Ҳубби ватан аз имон аст. 1915.№63(11).Б.296.
205. Бадриддин ал-Ҳусайнӣ. Истимдод. 1915.№63(11).Б.297.
206. Аваз ўғли. Мактаб. 1915.№63(11).Б.297.
207. Абдулла Қодирий. Аҳволимиз. 1915.№63(11).Б.303.
208. Кимиундай, кимибундай. 1915.№64(12).Б.330.
209. Зуҳуриддин Фатҳиддинзода. Фахрия ва ҳасби ҳол. 1915.№64(12).Б.331.
210. Хоиб. Мусаддас. 1915.№64(12).Б.331-332.
211. Булбул. 1915.№64(12).Б.332.
212. Исмоил. Ҳажла. 1915.№64(12).Б.332.
213. Абдулла Қодирий. Фикр айлағил. 1915.№64(12).Б.333.
214. Аваз йўтар ўғли. Миллат. 1915.№64(12).Б.333.

215. Ҳожи Олим Қобилзода. Бугун.
1915.№64(12).Б.333-334.
216. Тарихи исломиятдан. 1915.№65(13).Б.349-
351.
217. Насими баҳор. 1915.№65(13).Б.357.
218. Ҳоли дунё. 1915.№65(13).Б.357-358.
219. На оғатсан? 1915.№65(13).Б.358.
220. Акромий. Ҳижрондан шикоят.
1915.№65(13).Б.358.
221. Аваз Ўтаров. Ҳарб ваҳшийлари.
1915.№65(13).Б.359.
222. Мир Муҳсин. Миллат фарёди.
1915.№65(13).Б.359.
223. Аз Шайбонийнома. 1915.№66(14).Б.372.
224. Аводаний. Марҳабо эй шаби меъроҳ!
1915.№66(14).Б.372-373.
225. Собит. Лайлаи меъроҳи шариф.
1915.№66(14).Б.373-374.
226. Тарихи исломиятдан. 1915.№66(14).Б.381-
383.
227. Надур бу олам. 1915.№66(14).Б.394-395.
228. Ба гўши тифл. 1915.№66(14).Б.395-396.
229. Назираи ҳасби ҳол. 1915.№66(14).Б.396.
230. Мусо шоир. 1915.№66(14).Б.396.
231. Рубоий. 1915.№66(14).Б.398.
232. Надур бу олам? 1915.№67(15).Б.417-418.
233. Ишқ ва ҳавас. 1915.№67(15).Б.418.
234. Ҳикмат. Мағрут бўлма! 1915.№67(15).Б.418.
235. Ходим. Чиқ жаҳолат чоҳидан!
1915.№67(15).Б.419.
236. Ҳолмуҳаммад Охундий. Танбех. 1915.
№67(15).Б.419.

237. Тарихи исломиятдан. 1915.№67(15).Б.420-422.
238. Фахриддин Рожий. Мустағний зи тарбият ма-шав ҳеч. 1915.№67(15).Б.429.
239. Тарихи исломиятдан. 1915.№68(16).Б.440-442.
240. Надур бу олам? 1915.№68(16).Б.454.
241. Ҳожи Муин Шукруллоҳ. Мадҳи бетамаллук. 1915.№68(16).Б.455.
242. Алмайи Қоризода. Жавоб ба жаноби Зухрид-дин Фахриддинзода. 1915.№68(16).Б.455-456.
243. Садриддин Айний. Бадкирдориҳо. 1915.№68(16).Б.456.
244. Мирзозода. Шикоят аз беилмий. 1915.№68(16).Б.456-457.
245. Хоиб. Ватанга. 1915.№68(16).Б.457.

З-илова

МУБОҲАСАЛАР

ОТИНГНИ СОТ, ТЎНУНГНИ СОТ, ДЎҚТУР БЎЛ

.....Ассалому алейкум

– Ваалейкум ассалом.

– Қачон келдингиз?

– Ушбу кун.

– Нима учун?

– Жаноб..... мир (Бухоро ҳукуматининг қойма-қоми = приступ ўрнидаги кишиси) ни тишлари оғриб эди-ки, Самарқанддан дўқтур олиб бормоқ учун келдим.

–Дўқтур топдингизми?

–Топдим, аммо Самарқанддан темир йўл илан 150 чақиримлик Бухороға тобе бир шаҳарға бориб икки кун турмоқ учун дўқтур бир юз сўмға рози бўлмайдур. Агар-да борса, балки, Жаноб...мир яна юз сўмлик матоҳ ҳам инъом қиласурлар. Аммо дўқтур бормоқقا рози бўлмади.

– Кўр бўлинг, жонингиз чиқсин. Дўқтурни кераклигиға ақлингиз энди етдими? Тезлик илан Русия мактаблариға ва ўрус бўладур десангиз, Фарангистонға бола юбориб, дўқтур қилдиринг.

– Эй, бу сўзларни қўюнг, манга машварат беринг, нима қиласай?

–Нима қиласиз, бир сартарошни олиб боринг, икки сумға қабул қиласар.

–Сартарош нима қиласур?

– Ота-бобонгиздан қолган анбур илан мир..... ҳазратларини жағидан тишини “қарс” этиб бир дақиқада тортиб олар!

—Йўқ, бегимиз дўқтурга буюриб эдилар,

—Бўлмаса, отингни сот, тўнунгни сот, дўқтур бўл!

Мушмирзо.

“Ойина”, 1913. №5. – Б.117

МУБОҲАСА

Пишак сўфи–П

Мушмирзо ила–М

М: Кўбдан бери дийдорингни кўрмас эдим. Бугун ношукурлигимни ўтганидан сен шумға йўлуктум. Ох, игнаға ўҳшаган бурутларинг қурусун!

П: Нима учун бу қадар бадгапсан? Чоғи бу куз фаслида анборлардан ғаллани кўброқ ўғурлаб, мани насибам учун яхши семирибсан. Ох, қўлумға тушсанг-чи!

М: Баъзи одам ўлгониғча ёмонлигини қўймайдур. Сан ҳам агарчи бурутларинг оқариб, ёшингни олган бўлсанг-да, қотиллигингни қўймайсан, бор бечорачилик қил, касб қил, ҳеч бўлмаса гадойлик ва хирмангирдлик қил.

П: Қариган чоғимда энди гадойликми қиласай!

М: Албатта! Гадойлик ўғрулиқдан, қотиллиқдан, ҳатто фирубгарлиқдан яхшидур. Чунки гадойға ҳеч кимни иши йўқ. Аммо ўғри ва қотилға жазо берарлар ва ҳам ўғридан бой бўлган йўқ. Аммо гадойдан бойлар бордур.

П: Ҳеч бойни гадойлигини кўрганим йўқ. Мани алдайсан, бадбаҳт!

М: Сўзинг тўғри, ҳеч бой гадойлик қилмаса ҳам, кўб гадойлар бойлик қиладулар.

П: Бу сўзинг таноқиз.

М: Ай, сани қозихонадан ҳам хабаринг борга ўҳшайдурки, таноқизни билурсан!

П: Йўқ, ёшлигимда мантиқ ўқуб эдим.

М: Мантиқ-сантиқни билмайман. Аммо кўб гадойларни бойлигини биларман. Ва у кўбдан биригинаси ни санга айтайн, эшит.

П: Сўйла, қулоғим санга.

М: Мани истиқомат қилатурган анборим ёнида = жеворинда (Самарқандни Жомбой қишлоғида) кўб шоли бор эди. Ўтган ҳафта сотилди. Ман деворни ёруғидан тангаға кўзум термулуб турар эдим. Тарозуға тортдилар, 80 ботмон чиқди. Савдоси 78 тангадан экан, бу шолини икки нафар гадой, икки ой муддатда З шогирди илан хирмонлардан тилаб олибдур. Яна шоли хирмони икки ойдан кейин тамом бўлурки, Худо берса, икки гадой 160 ботмон шоли сотар. Санки мантиқ ўқуган бўлсанг, эҳтимолки, илми ҳисобни ҳам билсанг, зарб қилиб кўргил. 160 ботмон шоли неча танга бўлур? Ана кўрдунгми? Бонқдан қарзи йўқ икки гадойни қўлиға бу қадар пул тушса “бой” демайсанми?

П: Хўб сўзунга инондим. Гадойларни ҳунари надур?

М: Сабр қил, эрта айтарман. Ва ҳам сўнгра мулло Хокиродан эшитдимки, бу “гадой бой”ларни шахрида кўб мулклари бўлуб, тижоратлари сойиллик эмишки, ҳар бир савдоларидан юзда юз фойда кўрадилар.

П: Бунлар нима сотарлар?

М: Дуо сотарлар. Баҳоуддин, Балогардон, Фавсул аъзам валарни шафеъ келтуарлар. Ва яна кўб ҳунарлари бордур.

Бақияси бор.

“Ойина”, 1913 №7. – Б.169-170

ОРЗУ ЁКИ ХАЁЛ

Агар ман бой бўлса эдим, закот ва бошқа хайрот ўрунлариға ҳамда тўю аъзаларға исроф қилинатургон оқчаларимни йифиб, аларнинг ўрнида муаллим етушдуратургон бир рушдий мактаб солур эдим, лекин афуски пулим йўқ.

Агар ман “варасатул анбиё” сифати олиясини ҳоиз бўлган чин уламодан бўлса эдим. Фойдасиз ҳавоший ва заарарлик мужодалоти мазҳабийя ўрнида тафсир, ҳадис каби зарур илмларни шогирдотимға ўргатуб, ҳозирги жадид ила қадим низойи жузийсиға ҳеч қўшулемас ва аҳамият бермас эдим, лекин таассуф ўлинурки жоҳилдурман.

Агар ман хатиб бўлса эдим, минбари хитобатга чиқуб ўзбекча хутба ўқур эдим. Токи ҳалқ сўзумфа тушунуб мутаассир бўлсунлар, лекин на қиласайки одамларға хушомад ва мудоҳана қилуб, хатиблик мансабига чиқмоқни виждоним қабул қилмайдур.

Агар маним нуфуз ва иқтидорим бўлса эди, барча мактаб ва мадрасаларни мувофиқ замони ислоҳ этиб, таълими ибтидоийни мажбурий қилуб, ўғлини ўқутмагон кишиларға жазо берур эдим ва мунинг ила 25 йил ичида бутун Туркистонни маориф ва маданият нури ила зиёландураг эдим. Лекин оҳ! Чи кораки....

Агар ман муazzин бўлса эдим, саҳар чоғида “мизана” устиға чиқуб аzonдан кейин “Эй мусулмонлар! Хоби ғафлат ва жаҳолатдан уйғонингизки, маориф офтоби мағрибдан чиқа бошлади” деб қичқураг эдим. Лекин воасифаки замонимиз истилоҳинча муazzинлик дан иборатдур. Шул сабабли бу вазифадан ҳам маҳрумдурман.

“Гумном”

“Ойина”, 1914.14.06. №34. – Б.819

ҚИЗИҚ ЎЗГАРИШЛАР

Охир замон аломатиданми? Ёки бошқа сабабларданми? Ки бу сўнг замонларда кундан кун ахлоқ, афъол, одатимиз бузулуб ва ўзгаруб тургани каби баъзи луғат ва истилоҳларимиз ҳам ўзгаруб кетмақдадур. Чунончи, аз ин жумла: мунофиқлик, замонасозликга мувাъал ва мубаддал бўлди. Ки аксарият ила мусулмонлар бир-бировларига юз баюз келганда салом беришуб биродарона сўйлашурлар, кулушарлар. Қанча тааллуқ ва мудоҳана қилишурлар, аммо кетлари қайтган замон бир нафас ўтмасдан бир-бировларини сўкушарлар, ғийбат қилишурлар ва заарларига харакат этишарлар, ва бу ишларининг номини ҳам “замонасозлик” атаб юрарлар.

Агар бу ахлоқсизлик ва мунофиқликларини танқид қилсак, даррав: “Бо дўстон марут, бо душманон мадоро” мисраи ила жавоб қайтармакчи бўлурлар. Ҳолбуки, ушбу муомалоти қабиҳаларини ўз дўстлари ва мусулмон биродарлари ҳақида қилурлар.

2нчи, хиёнатнинг “обий”га мубаддал бўлганидурки, бозор кунлари “купон”га чиқсанг кўярсанки жаллоблар дехқон ўзбекларнинг келтурган ғалла доналарини тарозу ила ўлчаб олганда ўзлариға маҳсус бир ҳийлаи найранг ила 9 пуд ғаллани 7-8 пудға келтуруб олурлар ва мунинг ортуқчасини “обий” деб атайдурлар. Аммо олган нарсаларини бошқа кишиларға сотканда мазкур найранглари соясида 7 пуд нарсани 8 пудға чиқаруб сотарлар, ва мунинг тафовутини ҳам “обий” дерларки, гўё бу хиёнатлари зоҳиран “обий” номи ила дуруст ва ҳалол бўлур эмиш. Ҳолбуки, бу ғадр ва хиёнатлари шариати исломия нуқтаи назаридан мутлақ ҳаромдур.

Знчи, олача тўқувчиларнинг “қочуқ” деган

баҳонасибурки, ҳар бир тоқи ёки ҳар бир жевра ола-
чадан бир неча гурра ўғурлаб, мунинг камисини
“қочук” атайдурлар. Ҳолбуки, олача тўқутган замонда
ўлчаб муқаррари меъёрийга келтурмоқнинг иложи ўз
қўллариғадур. Ба бу камайтурғанлари эса, қасдий фи-
риблардан бўлуб шаръян дуруст эмасдур.

4нчи, ҳийлаи шаръийдурки, бу ҳийла қўб но-
шаръий ишларға татбиқ қилинмақдадур. Аз жум-
ла: ҳужраларнинг олиш-сотиши тўғрусида бир нав
ҳийла чиқорилибдурки, масалан, бирор бир ҳужрани
сотмоқчи бўлса, ҳужрадаги уч мирилик синиқ тағоро
ила 1 тийинға арзимайтурган эски йиртиқ бўряни 3
минг сўмга сотуб, буларнинг ичида уч минг сўмлик
ҳужрани беруб юборадур. Бу савдонинг отини ҳам
“ҳийлаи шаръий” қўюлубдурки, мундай ҳийла ила
шаръиати исломни масхара ва ўюнчоқ қилгандек
бўлурлар.

Агар бу хийлаи шаръий жадидчилар тарафидан
чиқарилса эди, фавран аларнинг куфри учун руоят
коғазига икки минг дона чиликдек муҳр босилур эди.
Лекин на чораки муни чиқоргучи зотлар мутадайийин
қадимчи афандиларнинг ўзларидур.

5нчи, уруфнинг насс ила баробар бўлганидурки,
бир ёмон бидъат ва ношаръий иш халқ орасида мус-
таъмал ва русму урф бўлуб қолса, они “ал урфу каннас”
ҳукм қилурлар. Бу қоидасинча жоиз ва дурустлиғига
ҳукм қилурлар. Бу қоидага қараганда ҳар бир ношаръ-
ий иш халқ орасинда одат ҳукмиға кечса, ул одат насс
ила баробар ва насс каби бўлур эмиш.

“Гумном”

“Ойина”, 1914.05.07. №37. – Б. 893 –894

МУСОҲИБА ЁКИ МУБОҲАСА

Мулло Хокиро: Дунёда ҳеч бир ном тобмадингмики “Гумном”лик номи ила аталдинг?

Гумном: Нима қилай, жўра! Ўзумга Мушмирзо ном қўйдим, мирзолар эътиroz қилдиларки, бизларни масхара қиласан деб, эмди Мушсўфий аталай десам, қўрқаманки, сўфийлар мани қарғайдурлар. Агар Мулло Муш от қўйай десам, ўйлайманки, муллолар, “Уламони истихроф этдинг” деб, албатта, мани тақфир этарлар. “Эшон ҳожи”лик номини олай десам, эшон ва ҳожиларнинг аччиғи келур. Хуласа: дунёдаги ҳар бир ном ила аталсан, одамлар ранжиб мани сўкарлар, урушарлар, ҳатто жонимдан азиз иймонимға тўкунарлар. Шул сабабли бошқа номларни қўюб, дунёда йўқ ном(яъни гумном)ликни олдим. Эмди шояд эътиrozчи-лар ва қаҳоратчилардан кутулсан деб умид этарман.

Мулло Хокиро: Ажабо! Мулло Кулух, Мулло Санг ёки Тошмуҳаммад, Эшмуҳаммад деган одамлар ҳақиға ҳеч ким бир нимарса демайдур. Аммо сани ҳақингга мунча беҳуда сўзлар айтгонлариға ҳайронман. Тўғриси бу ишга ҳеч ақлим етмайдур.

Гумном: Ўй! Гул қариндошим! Сан айтган одамларнинг ҳеч бириси бирорни танқид қилолмайдур. Шул сабабли аларга ҳеч кимни иши йўқ ва тегмайдур. Ман бўлсан тўғри сўзлар ила баъзи одамларни танқид қиларман. Шунинг учун мани ёмон қўрарлар ва сўкарлар. Сўзларимнинг раддиға кучлари етмайдур. Сўнгра ҳеч габ тополмай ло илож номимга, ўзимга ва иймонимга ҳужум қилурлар.

Мулло Хокиро: Ҳа! Бу сўзунг важҳ, лекин хотиржам бўлки, агар дарвоҷе касалинг танқидчилик бўлса, бу ном илан ҳам ҳужумчилар қўлидан қутулолмайсан!

“Сомеъ”

“Ойина”, 1914.04.01. №35. – Б.845 –846

ХУШИМ КЕЛМАЙДУР

Истайманки, қаламни қўлумға олуб кўрганда, эшитган сўзларимдан “Ойина” мажалласининг ўкувчилариға бир неча ғалатироғини ёзайин. Лекин хушим келмайдур....

Истайманки, ёзайин: бу яқин вақтларда катта кишиларимиздан бири катта тўй қилиб, неча шаҳарлардан давлатмандларни тўйига даъват айлаб, аларға неча минг сўмлар сарф қилганда, фақир одамларни ва бенаво талабаларни ёдиға ҳам солмади. Лекин хушим келмайдур....

Истайманки, ёзайин: машхур тожирларимиздан бир неча нафари ўз ораларида жума қунларини таътил қилуб, дўконларини боғламоқға қарор бериб, сўнgra аҳдларини синдурудилар ва ҳозирда “муслим бегуноҳ”дек жума қунлари савдо қиласурлар, хушим келмайдур...

Истайманки, ёзайин: бойларимиздан бири талабамиз учун 5 сўм иона тилаганда бермай, ҳар байрамда рус хонимларини зиёфат қилуб, 100 сўм – 100 сўм харж қиласурда, ўзини энг муқаддас ва мутадайин одам ҳисоб қиласур, оҳ, хушим келмайдур....

Истайманки, ёзайин: меросий бойбачаларимиздан бириси мактабға икки сўм бермоқни исроф билуб, фахшхоналарға неча минг сўмни нобуд қилуб, охирда синуб, майда-майда бўлди, хушим келмайдур...

Истайманки, ёзайин: баъзилар яна дини шиа ва сунний масаласини ўртаға солуб, оғзиға келган хурофотни сўйлаб, авомларни жонига келтуруб юрубдур, хушим келмайдур....

Истайманки, ёзайин: ҳақиқий муллаларимиздан бири бир неча хилоф шаръий одатларни, ваҳшиёна расмларни барҳам бераман деганда, бир неча мафтихўрлар ва қодин қули нимчалар они радди маърака ва тард мажлис қиласурлар, ай қўй, хушим келмайдур....

Хулоса ҳар нима қиламанки, хушим келсун, келмайдур, яна келмайдур! Агар “Ойина” идораси ушбу жафангётилни айнан мажаллаға дарж қилса, шоядки хушим келсун!

“Хушёқмас”

Идора: Эй, одамларға тош отмоқға хушиңгиз келадурку! Астароқ отинг, “Ойина”ға тегмасун.

“Ойина”, 1914. №11. – Б.262 – 263

МУҲТАРАМ ЎҚУВЧИ ВА ЁЗУВЧИЛАРИМИЗҒА ОЧИҚ МАКТУБ

“Ойина” ўқувчиларидан идораға мактублар келур. Мазмуни: муштарий кўпайдиму, на қадардур. “Ойина”нинг давомиға умид борми?... Яна “Ойина”ға мақола ва шеър юборган муҳтарам зотлардан аксари ёзадурларки, тезлик илан айнан ушбу мақола ё шеър ва ё хабарни албатта “Ойина”ға ёзингиз. Ҳатто баъзилари агарда ёзмасангиз 2нчи ҳеч нима ёзмайман..... мисоли сўзлар ёзадурлар. Ҳолбуки, баъзи хабар ва мақолалар сарфи шахсий ва ё мажаллаға муносабатсиз ва ё қоидадан хориж ашъор ва лузумсиз мадҳ ва ё замномалардан иборатдур. Оре, баъзи яхши шеър ва мақола ва хабарлар ҳам келурки, айнан ва ё тасарруф ила ёзиладур. Аммо ҳар бир мактуб ва ашъор тартиб ила ва ҳам “Ойина”нинг тартиб ва танаввийиға мувоғиқ суратда муносабат ила ёзилур. Масалан, бу ҳафта беш шеър, олти мақола келса, ҳамаси шу ҳафтаға дарж бўлмайдур. Баъзи мақолалар борки, тасҳих учун бир ҳафта, ёзилмоқ учун икки ҳафта, босилмоқ учун тўрт ҳафта интизор керак. Идорани оқчасизлигидан бош муҳаррири йўқ ва ҳар бир ишни мудирни ўзи

қилур. Аниңг учун ишлар кейин кетар..... Энди аввалғи саволға жавоб бериладур. “Самарқанд” жаридасыдан қолган беш юз неча муштарий бор эди. Ва ондан 200 часини муддати 5нчи ва бінчи “Ойина” ила тамом бўлди. “Ойина” чиқғондан бери янгидан келгөн обуналар 50ға етгон йўқ. Бинобарин тараққий әмас таназзул этиб, муштарийимизни адади 400 қадардур. Табиийки, “Ойина”да бир неча юз сўм берилур. Аммо бу зарап муштарийларға ё бошқаларға юкланилмасдан ҳар қанча бўлса-да, мудирни ўзига оиддур. Ҳар бир нимарсани бир ҳадди бор. Зарап ҳам кўб бўлаберса, табиий “Ойина” синур. Яъни ётар. Лиҳаза арбоби ҳамият ва тараққийпарвар муҳтарам зотларни далолат этиб, иона ила әмас “Ойина”ға муштарий топмоқ ила “Ойина”ни давом этдурмоқлари маржудур. Инчунин муҳтарам аҳли қалам ва хабарнинг қалам ва фикрлари ила иштирок этмоқлари маржудур. Муштарий бир оз кўпайгандан сўнгра “Ойина”ни 32 сахифа ва мунтазам айлаб ва ҳам расм ва тасвирларини ортдуруб ва бош муҳаррир сахламоқға ниятимиз бордур. Боқий эҳтиром. Идораи “Ойина”

“Ойина”, 1913.№8. – Б.187-188

ХЎҚАНДДАН МАКТУБ

Жаноб муҳаррир афанди! 4нчи рақам “Ойина”ға Самарқанд тўйларини аҳволидан ёзиб, ҳам бир неча бойбачани қилгон саҳоватларини ибрат бўлсун деб ёзибсиз. Ушбу тариқа беҳудалик бошқа шаҳарға ҳам давомғадур. Чунончи, Хўқанд шаҳрини Каллапўш бозоридан бир жаноб тўй қилдилар. Хўқанд тўйларини одати бўюнча никоҳ бўлгондан кейин уч кундан то бир ой икки ойғача келин ўз ҳавлисиға туруб, сўнgra хонасиға олиб келиши учун (тушрунди) деган одат бор. Онинг учун яна аёл, ва эркаклардан чақириб тўй қилиб келинни олиб келтуродурлар. Камина мазкур тўйға бордим, бойни ҳавлисиға кўб хотунлар бирлан эркаклар мажлис ва базм қилиб тургон эконлар. Мажлис ўртосиға икки мусулмон хотун раққоса ўйнаб, қўлларидан барча хотун ва эркакларға чой бериб, алардан танга ва коғаз оқча инъом олиб турубдурлар. Камина ҳайрон қолуб, во ажабо, на ҳодиса экан деб тургонимда мани ҳам мазкур мажлисға таклиф қилиб, жой кўрсатдилар. Ҳавли атрофини ярми ва ярми хотуну қиз илан тўлубдурки, ҳама бир мажлисға ҳозир туруб базм қилурлар экан. Ушбу одатни жаноб қози, аълам, мударрис, имом, ва муаллимлар манъ қилмагонлариға таажжуб қилдим. Хўқанд: Мусофири.

“Ойина”. Сўзингизға ишонмоқ мушкул. Иккичи, уламо амри маъруф ва нахий аз мункар этсалар, халқ аларға нон ва хильят бермайдурки, сўнgra оч қоладурлар. Лиҳаза алар сукут этарлар. Балки, авомни тўйиға келиб, агарчи истихроғи шаръ бўлса ҳам, дарвозахонада ўлтуруб, хуш омаде учун интизорда туруб ҳамда аларни исроф ва расвочилигини таъриф ва таҳсин этарлар (ўз таъбирларинча). Замонаи фосид

бўлган тўғрисўзни айтиб бўлмас. Чунки манфаат фавт бўладур. Бинобарин биз аларни маъзур тутармиз. Уламоға, мафтахўрларға катталарға тил тегузманг, жоним.

*Дўстингиз Мушмирзо
“Ойина”, 1913.№7. – Б.165-166*

МУШМИРЗОҒА ОЧИҚ МАКТУБ

Сизни латифа ва кулгу тариқиндаги мактубларингиз собиқ “Самарқанд” жаридаси ва ҳам “Ойина” мажалласининг аксар қорийлариға маъқул бўлуб эди. Чунончи идорада отингизға келгон ташаккурлик хатлар мунга далилдур. Аввалда ҳам сиздан рози ва миннатдордур. Аммо маалтаассуф “Мушмирзо” ва сиз ила баҳс этгувчи “Пишаксўфи”нинг “сўфи” ва “мирзо” иборатлари бир неча кишиларга гирон тегиб, мирзо ва сўфи лақаблар ёинки аъламлар сиз ила мубоҳисингизға итлоқ қилингани боис қил ва қол бўлган сабабли сиз ва сиза ила баҳс қилатургон жанобдан идора тавқ қиладур. Аълам ва ёинки лақабларингизни тағиyr бериб, лутфан яна латифагўйликда давом этсангизлар. Яқин орада Бухоро ва Хўқанд ва ўзга шаҳардаги муҳтарам маслақдошларингиздан сиз ва рафиқингиз исмиға ажойиб мактублар эдики, идора ёзмоқда маъзурдур. Вақтики лақабларингизни тағиyr бермоқға қабул қилиб идораға ёсангиз, идора исмингизға келгон мактубларни дарж қиладур. Боқий..... идора.

“Ойина”, 1914.№12. – Б. 280

«БЕҲБУДИЯ КУТУБХОНАСИ» ФАОЛИЯТИ ЁРИТИЛГАН МАҚОЛАЛАР

ОБЬ ОТКРЫТИИ МУСУЛЬМАНСКОЙ БИБЛИОТЕКИ И ЧИТАЛЬНИ ВЪ САМАРКАНДЕ МУТОЛААХОНА

Самарқанд шаҳринда умумий мутолаахона библиотек читална очмоқ учун 12 нафар муҳтарам кишилар ила бирга 27 бобдин иборат бир дастур устаф тузуб жаноб баланд даражалик Самарқанд губернатуриға топшириб эдукки алҳамдулиллоҳ қонунномайи жамият мустаҳкам бўлди ва иншааллоҳи таоло рамазони шарифа қадар очилур. Жамиятимиз Россия фуқароларини ҳар жинсидин аъзо қабул қилиб, ҳар аъзодин йилинда уч сўм мутолаахона учун оқча олиб, бу пулға Россия ва хорижияға матбуъ ҳар нав адабий, диний ва иқтисодий ва сиёсий газит ва журнол хоҳ русий, форсий, арабий ва туркий тилларинда бўлсун олур. Инчунин, туркий, арабий, форсий тиллариндаги ҳар навъ китоб тарих ва адабиёти қадима ва жадида ва китоби тафсири шарифа, китоби фунуни муҳталифа ва умумталабаға кераклик китоби арабияйи дарсия ва охирги вақтларға Байрут, Миср ва Истанбулға табъ ва таҳrir бўлган қомус алулум ва доиратул маориф, яъни энциклопедия китобларини ва курраи арзия ва самовия китоб ва хариталаридан олиб, мутолаахонаға қўюб, халқ ва талабаға мажжоний орияти дарсия китоблар бериб ўқутмоқчикур. Мутолаахона ҳар кимға истифода учун очик бўлур. Жамиятни ўзи тарафидан сайланган раис ва нозир ва мунший ва муҳтасиб ва хазиначиси ва ҳукумат тарафидан тайинланган санзурий ва йилинда расмий суратда съезд ва мушовара

мажлис бўлур. Жамият ишини ва мутолаахонани саккиз нафардин иборат асосий мажлис чилон комитет бошқариб турар ва бунлар ойинда бир мартаба мажлис қилиб, йилинда ики мартаба ва лозим бўлганда фавқулодда мажлис ва съезд расмий қилиб умумий аъзоларға ҳисоб берарлар.

Мутолаахона учун оқча ва китоб ва жарида ва асбоблар вақф қилган ва худойи берганлардин қабул қилиниб, жамиятни вақф дафтаридин ҳужжат берилиур. Бирдан 25 сўм берганлар умрий аъзо ва оқча ё хизматлар ила китобхонаға ёрдам берганларни фахрий аъзо сайланадур.

Жамиятни барча қарор ва ҳукми ва мутолаахонани дохилий ва хорижий жами тартиботи аъзолар съездини аксар раис ила муқаррар бўлуб, йиллик ҳодисотлар жаноб губернатуриға маълум қилинур. Ал-он мутолаахона тўғрисинда ушбуни ила иктиро қилиб, ояндага оний фойдайи илмия ва санавия тўғрисига ва катта шаҳарлардаги китобхоналар бобинда мүфассал маълумот ёзармиз. Қонунномамиз босилиб чиқғондин сўнгра айнан жаридаға ёзилмоғини мудири жаридадин илтимос қилурмиз, токи туркистонлик қариндошларимизға маълум бўлуб ва шоядки ҳар шаҳардаги миллат ва тараққийпарвар биродарларимиз ҳам китобхона ва мутолаахона очилмоқиға ғайрат қилсалар.

Валлоҳил муваффақ ва-л-муъин Самарқандий муфти Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа хатиб

“Туркистон вилоятининг газети”,
1908, 22 июнь. №48.

**СПИСОКЪ ЛИЦ, СДЕЛАВШИХЪ
ПОЖЕРТВОВАНИЕ ВЪ ПОЛЬЗУ
МУСУЛЬМАНСКОЙ БИБЛИОТЕКИ ВЪ
САМАРКАНДЕ (САМАРҚАНД КИТОБХОНА
ЖАМИЯТИ)**

Самарқанд китобхона ва мутолаахонасининг 10 июлда Амир Темур мағфур турбаси жевориндаги Чаҳор боғда расмий мажлис барпо бўлуб, ушбу ишларни қитъя этди. 1. Мутолаахонаға тааллуқ тейишли дафтар, муҳр ва расмий коғозларни лойиҳаси. 2. Фура ёзилатургон жарида ва журнол ва ҳар навъ китоблар қарори. 3. Китобхонани қаю маҳалда очилишини қарори 4. Аъзолар қабул қилмоқ. 5. Комитет ва ҳайъат идора интихоби.

10 июлғача қайд бўлган аъзолар ила берган ҳадялари ушбудур:

1. Муфти Мулло Қавомиддин Мулло Ниёзмуҳаммад ўғли сўм тийин²³²
2. Муфти Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа – 10 сўм
3. Муаллим Мулло Абдулқодир Абдулшакур ўғли – 10 сўм
4. Титуларний советник ватикин
5. Мирзо Ҳожиқул Маҳмудуф – 25 сўм
6. Мулло Абдусалом Абдулмўмин ўғли – 10 сўм
7. Мухаммадаминжон Ниёзуф – 10 сўм
8. Мирзо Абдулраҳим Фарҳодиф – 10 сўм
9. Хўқандбой Абдухолик ўғли – 10 сўм
10. Мирзо Абдуллоҳ Абдухолик ўғли – 10 сўм
11. Мулло Иброҳим Сайдкамол ўғли – 5 сўм
12. Мулло Исматуллоҳ Раҳмат ўғли – 5 сўм
13. Мулло Очилди Мансур ўғли – 10 сўм

Ушбу 13 нафар кишилар аъзори асосийядурларки, усули устафга қўл қўюб кутубхона ижодига сабаб бўлдилар.

²³² Асл матнда шундай келтирилган

14. Муаллим Ҳожи Муин бин Шукруллоҳ – 3 сўм
 15. Мирзо Тўғонбек Мирфузайл ўғли – 7 сўм
 16. Муҳаммадсолих Муҳаммадшариф ўғли – 3 сўм
 - 15 тийин
 17. Мулло Муҳаммадрозик Муҳаммадшариф ўғли – 3 сўм
 18. Саидаҳмадхожа бин Ҳасанхожа – 5 сўм
 19. Мулло Муҳаммадкарим Қўлдош ўғли – 3 сўм
 20. Мулло Муҳаммадюнус Қўлдош ўғли – 3 сўм
 21. Мирзо Ҳайдарбек Абусаид ўғли – 5 сўм
 22. Мирзо Нуруллоҳ оқсоқол Мирзо Калон ўғли – 10 сўм
 23. Қори Эшмуҳаммад Шерали ўғли – 5 сўм
 24. Қози Мулло Мирзо Ниёзмуҳаммад Ҳусайнбой сўфи ўғли – 15 сўм
 25. Мударрис Мулло Саидаҳмад Васлий
Муҳаммадаъзим ўғли – 3 сўм
 26. Муаллим Мирзо Шароф Абдулвоҳид ўғли – 3 сўм
 27. Мулло Сироҷиддин Шароғиддин ўғли – 3 сўм
 28. Мутавалли Мулло Абдулҳомид Азимбой ўғли – 10 сўм
 29. Мулло Фахриддин бин Мулло Назриддин – 3 сўм
 30. Мулло Абдулазиз Мулло Абдуллоҳ ўғли – 3 сўм
 31. Истарши оқсоқол Мирзо Муҳаммадяъқуб Ко-
мил Амин ўғли – 7 сўм
 32. Мулло Ориф Мулло Абдулраҳим ўғли – 5 сўм
 33. Маҳмуджон бин Мирзо Бухорий – 5 сўм
 34. Мулло Баҳриддин бин Мулло Муҳаммадамин
оқсоқол – 10 сўм
 35. Эшонхўжа Абдуқаҳҳорхўжа ўғли – 3 сўм
 36. Имомқори Абдунаби Абдуҳалимбой – 5 сўм
 37. Мулло Нодир Имом Шоҳайдар ўғли – 3 сўм
- Жами: 275 сўм 15 тийин

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали

Ушбу аъзолардан аксарлари мажлисга ҳозир бўлуб ва ҳозир бўлмаганлари бошқа кишилардан тайинлаб юбориб, аъзо қайд бўлдилар.

Ҳозир бўлган аъзолар бир муважжиб қонунномайи жамият ушбу саккиз нафар кишини асосий мажлис аъзосини чилен комитет сайладилар.

Муфти Маҳмудхўжабин Беҳбудхўжа – раисижамият, русийска общества комитетини агенти;

Мирзо Ҳожиқул Муҳаммадуф – раис ноиби;

Таржимон Ҳўқандбой Абдухолик ўғли – саркотиб;

Муаллим Мирзо Ҳайдарбек Абу Саид ўғли – мунший ноиби;

Савдогар Мулло Абдусалом Абдумўмин ўғли – хазиначи;

Муаллим Мулло Абдулқодир Абдушакур ўғли ва хожи Саидаҳмадхўжа Ҳасанхўжа ўғли – идоранинг доимий аъзоси

Мулло Иброҳим Сайдкамол ўғли – таҳсилдор ва муҳбир сайландилар;

Муфаттиш баайни ҳисобчиликға савдогар Муҳаммадаминжон Ниёзуф, Мулло Абдуллоҳ Абдухолик ўғли, Мирзо Абдураҳим, таржимон Фарҳодуф сайландилар. Мазкурларға мувовин сифатила мударрис Мулло Саидаҳмад Васлий Муҳаммадазим ўғли ва мутавалли мулло Абдулҳомид Азимбой ўғли ва мулло Баҳридин мулло Муҳаммадамин оқсоқол ўғли сайландилар.

Ушбу 14 нафар китобхона идораси аъзолари рамазони шарифгача китобхона ва мутолаахонани очмоқға сўз бердилар. Очилгондин сўнгра яна жамиятлари бўлур ва ул вақтгача аъзо бўлмоқға хоҳлайдурган кишилар ушбу 14 нафардан ҳар бирига ружу қилса мумкиндур ва аъзолик бадалини жамият хазинига бериб санади расмий олур ва ҳар ойинда янги аъзоларни

расм ва ионалари газет ила аълом қилинур. Жамият қонунномасига мувофиқ асосий мажлис аъзолари ойинда бир марта бар мажлис қиладурлар.

10 июль мажлисига баъзи кишилар китоб ва Каломишираф ҳадяэтдиларки, алоҳидарўйхати ила аълом қилинадур. Келар умумий мажлисга Самарқандни катта ҳожи ва бойларидан фахрий аъзолари сайланадур. Туркистонни ўзга шаҳарларидан ҳам китобхона ва мутолаахонамизға аъзо бўлуб иона қилмоқ мумкун. Ва ҳар нав китоб ва оқча юборилса мамнуният ила қабул қилиниб расмлари жаридага юборилиб кипитонсалари юборилур.

Ҳадя юборатургонлар учун адрес ушбу Самарқанд китобхонасини хазиначиси Мулло Абдусалом Абдумўмин ўғли.

Жамиятни аъзо дафтари жаноб қози Мулло Мирзо Ниёзмуҳаммад ва жаноб истарши оқсоқол Мирзо Муҳаммад Яъқубни исмлари ила музайян бўлганидек, бошқа қози ва бойларимизни ҳам жамиятни обод ва музайян этмоқлари маъмудур.

1908 йил 11 июндан китобхона жамиятини садрнишини Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа. “Туркистон вилоятининг газети”. 1908, 27 июль. №58.

ИЗЪ САМАРКАНДА САМАРҚАНД КИТОБХОНАИ ИСЛОМИЯСИ

Китобхона ва мутолаахонамиз 11 сентябрь, яъни 28 шаъбондан бери расман очилди. Ифтитоҳ куни уч-тўрт азизларға хатми Қуръон қилдурулди, усули жадида мактаб талабасидан бир нисфи ҳозир бўлуб, саловат ўқидилар. Ҳидоятпаноҳ эшон Миён хатиб ва қори Муқимхон хатиб ва баъзи мударрис ва ёш уламодан ва савдогарлардан ва тараққийпарварлардан юздан зиёда алу-л-эҳтиром кишилар расми кушод ва хатми Қуръони мажид ҳозир эдилар. Кутубхона кайфиятидан ва оний тошишидин мурод не эканлиги тўғрисида фақир муҳтасар орифи баён қилганимда, алу-л-эҳтиром ҳаззор мажлис хурсандлик илан жамиятни ривожига дуолар этдилар. Китобхонаға кириб нофеланмоқ мажжоний ва кундузи 9 соатдин 5ғача, оҳшоми 6 соатдин 12 ғача доим очуқ ва ифтитоҳидин бери ҳар бир кечага ва кундуз муддатига 65 дан 110 нафарға қадар киши кириб нофеланиб чиқадурлар.

Ал-он кутубхонамизға 200 нав муҳталиф китоб ва рисолалар ва ўндан зиёда жарида ва мажаллалар омода ва муҳайёдур. Оқча кўпайса, диний ва дарсий китоблардин кўброк олиниб талабаға орият ва мажжоний берилиб ўқутдурмоқға муҳтарам аъзоларимизни ниятлари томдур. Ал-он ҳам тафсир ҳадис ва дарсий китоблардан бирар нусха мавжуддур, ояндаға яна кўпайтурулур. Олами исломни ҳар тарафидаги китоблардин жалб қилинур. Миср ва Истанбулдан талаб қилунган матбуот ҳануз келган йўқдур.

10 августдан 30 сентябрғача жамиятимизға дохил бўлган аъзойи киромимизни асмойи шарифалари била берган ионалари ушбурудур:

66. Мулло Ҳосили Мурод Каримқул ўғли – 3 сўм;
76. Сергей Моксумович Разсадин – 3 сўм;
68. Мулло Абдунасим Абдулзоҳир ўғли Умарий – 25 сўм;
69. Соколуф Евгений Павлович – 3 сўм;
70. Абдуғани Ҳожи Носир ўғли – 3 сўм;
71. Мирзо Исматуллоҳ Мұхсин ўғли – 5 сўм;
72. Мулло Абдулғаффор Раҳимбой ўғли – 10 сўм;
73. Мирзо Саримсоқ Мирзо Қаландар Тўра ўғли – 3 сўм;
74. Мулло Абдулкарим соатсоз – 3 сўм;
75. Мулло Тўхта афийкафуруш – 3 сўм;
76. Мулло Файзуллоҳ истаршина валад Мулло Иброҳим – 3 сўм;
77. Мулло Мұхиддин валад Ҳасанбой – 3 сўм;
78. Мулло Лутфуллоҳ валад Раҳматбой – 3 сўм;
79. Ҳожи Самиъ валад Ҳасанбой – 3 сўм;
80. Неъматуллоҳбой Орифбой ўғли – 7 сўм 50 тийин;
81. Ҳожи Маҳмуд валад Ҳожи Файзий – 3 сўм;
82. Мулло Абдужаббор Ҳожи Аҳмад ўғли – 5 сўм;
83. Миродил Мирсаид ўғли – 3 сўм;
84. Абдунаби Ҳожи Аҳмад ўғли – 3 сўм;
85. Жўрабой Рўзибой ўғли – 5 сўм;
86. Ақрамбой валад Маҳмуд Латиф – 3 сўм;
87. Мирзо Юсуфхўжа Ўрунхўжа ўғли – 3 сўм;
88. Мулло Бадриддин Исмоилуф – 3 сўм;
89. Мирзо Мұхаммад Нуруллоҳ ўғли – 3 сўм;
90. Собирқулбек Абдулраҳим ўғли – 3 сўм;
91. Волосной Мулло Ҳомид Ҳусайнбой ўғли – 7 сўм;
92. Волосной Мирзо Абдуллоҳ Ҳўжа Абдулвоҳид ўғли – 5 сўм;
93. Ҳожи Усмон Мулло Абдуллоҳ ўғли – 5 сўм;
94. Абдураҳим Боязидуф – 3 сўм;
95. Ҳожи Мулло Абдулмажид Мұхаммадионус ўғли – 3 сўм;

96. Доверний Дуришмат Фанкуф – 6 сўм;
97. Муҳаммадсаид Муҳаммадражаб ўғли – 8 сўм;
- Нўмра муфтий Қавомиддин Маҳзум – 4 сўм
- ... Ҳожи Абдулжаббор валад бобо – 1 сўм;
98. Усто Яъқуб Муҳаммадшариф ўғли – 3 сўм;
99. Мирзо Муҳаммадқули Низомиддин ўғли – 3 сўм;
100. Мулло Маҳмуд Миролим ўғли – 3 сўм;
101. Мулло Абдулҳамид Мирмуҳаммад ўғли – 3 сўм;
102. Мулло Абдулқодир Ҳаким оқсоқол ўғли – 3 сўм;
103. Орифбой Фатҳон ўғли – 10 сўм;
104. Мулло Ашур Иноятуллоҳ ўғли – 3 сўм;
105. Мирзо Абдушукур Абдурасул ўғли – 3 сўм;
106. Мулло Баҳриддин Қосимбой ўғли – 3 сўм;
107. Вафо Ҳожа Ҳикматуллоҳ хожа ўғли – 3 сўм;
108. Бақо Ҳожа Бобоҳўжа ўғли – 5 сўм;
109. Абдулрашид Жўрабой ўғли – сўм;
110. Машшоҳқули Комилбой ўғли – 5 сўм;
111. Муҳаммадсодик Абдуллаюф – 3 сўм;
112. Қори Абдулқаюм Абдурозиқ ўғли – 3 сўм;
- ... Қори Ҳамдам валад Комилбой – 1 сўм;
113. Қори Фозил Қобил ўғли – 3 сўм;
114. Муҳаммадсодик Ашур ўғли – 3 сўм;
115. Абдунаби Абдумўминбой ўғли – 3 сўм;
116. Абдулқаюм Жалилбой ўғли – 3 сўм;
117. Ҳамдамбой Юнусбой ўғли – 3 сўм;
118. Абдулқаюм Мирзо Рофеъ ўғли – 3 сўм;
119. Холмуҳаммад Жавҳарбой ўғли – 3 сўм;
120. Ҳожи Фулод Ориф ўғли – 3 сўм;
- ... Баҳромбой коридчуруш – 2 сўм²³³.

Жами 242 сўм 50 тийин.

²³³ Рўйхат тартиби асл матнда шундай келтирилган.

65 нўмрли жаридага 427 сўм 15 тийин ила жам ва 66 сўм 65 тийин Самарқандга сокин эронли 21 нафар биродарларимиздин 30 сентябрғача ҳадя 76 сўмга жамулжам 755 сўм 65 тийин.

Булардан бошқа яна китоб ва ашё ҳадя қилган кишилар борки, исм-шарифлари берган китобларила сўнгра жаридая ёзилур. Юқорида баён бўлган ақчалардин 200 сўмдин зиёдаси ҳануз жамият сандуқиға кирган йўқ ва ояндаға жамланур.

Китобхона жамияти раиси муфтий Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа.

“Туркистон вилоятининг газети”, 1908 йил 6 ноябрь. №83.

**ОТЧЕТЬ МУСУЛЬМАНСКОЙ ЧИТАЛЬНИ
- БИБЛИОТЕКИ ГОР. САМАРКАНДА
САМАРҚАНД КИТОБХОНА ВА
МУТОЛААХОНА ИСЛОМИЯСИННИГ 1908
ЙИЛ ҲИСОБНОМАСИ**

“Мадохиллар”

Санад дафтарлари бўйинча иона ва аъзолик ақчаси 832 сўм 10 тийин, худойи келган китоблар 138 сўм 65 тийин қийматида. Аъзолик ақчасидин аъзолар зиммасига бақия қолган - 132 сўм 65 тийин, холис мадохил оқча - 699 сўм 45 тийин.

“Масорифлар”

Ҳар нав китоблар нашр қилинди: 144 сўм 2 тийин ҳар нав жарида ва мажалла 54 сўм 59 тийин, китоблар муқоваси 5 сўм 12 тийин, қонуннома ва матбуъ дафтарлари ва муҳр ва расмий коғазлар 67 сўм 85 тийин, китобхона иморатини ижараси 100 сўм, ходимни ижараси 30 сўм 75 тийин, китобхонани ҳар нав асбоб ва ишкоф ва палослари 168 сўм 60 тийин, маориф расм

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали кушод ва танбур ва таҳсин 33 сўм 31 тийин, жами биринчи сентябрдин сана охириғача бўлган мусориф бо дафтар 604 сўм 24 тийин. Бақия киссадаги нақд ақча 59 сўм 21 тийин.

Ушбу мадохил ва масорифларни тафсили мадохил-маҳориж дафтарлариға муфассалан ва номбаном ёзилгандур. 30 декабрда барча муҳтарам аъзоларни иккинчи мартаба чақирилиб эди, ҳозир бўлганларидин сўнгра идора раиси ва хозини ҳисобийномани мажлисға манзур қилдилар. 30 декабр мажлис жаноб Мирзо Зайнмулло Назридин ўғлини раис сайлаб, ҳисобини ани садоратиға кўруб, қабул қилиб, имзо қилмоқға буюрдилар.

Китобхона очилғонига 4 ой дарҳастиға 7 ой бўлур. Ал-он 125 нафар аъзоси, 225 жилдан зиёда арабий, туркий, форсий ва русий китоблари 15 нав жарида ва мажаллалари бордур. Явми кушоддан буқунгача 2000 нафарча киши кириб китоб ва матбуотлардан ўқуб чиқибдур. Иншооллоҳ, аъзойи киромни ва иона қилгувчи зотларни ҳимматлари соясинда ояндаға тараққий этса керак. Янги санаға диний ва адабий ва фанний китоблардан кўброқ олинур. Азбаски, китобхонани моддий анжомлари ҳозирға кифоя қилгудек ва ал-он илмий ва маънавий асбоблар, яъни китоб ва илмий асбобларға лузум кўруладур. 30 декабрда мажлисдаги аъзолардан баъзилари ўшал мажлисға янги йил бадал аъзолигини бериб, баъзилари ионалари миқдорини ёздурудиларки, ўн сўмдан, беш сўмдан ва охири уч сўм эди. Оллоҳ таоло қабул айлагай.

*Самарқанд “Китобхонаи исломия” жамияти раиси:
Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа
“Туркистон вилоятининг газети”, 1909 йил 15
январь. №4*

САМАРҚАНДДА БЕҲБУДИЙ КУТУБХОНАСИ

Беҳбудийнинг ташаббуси билан 1908 йилда биринчи мартаба мусулмон кутубхонаси ташкил қилинғон эди.

Бу кунги инқилоб даврида ҳар бир шаҳардаги кутубхоналар тараққий этгани ҳолда “Беҳбудий” номига очилмиш Самарқанд кутубхонаси ёмон бир ҳолда ётадур.

Кутубхонанинг ичида ва ташқарисида инқилобий бир кўриниш йўқ. Кутубхона 659 дона мусулмонча 923 дона русча китобга молик бўлса ҳам қандай китоблар борлиғи билинмайдир.

Кутубхона мудиридан: “Кутубхонанинг бу аҳволини масъул ишчиларимиз келиб кўрдиларми?” деб сўрағон эдим, “йўқ, уч ойдан бери биргина масъул ишчимизнинг келиб кўрганини кўрмадим” деди.

Агар маорифпарвар масъул ишчиларимиз маориф уйларига бориб, ишчи-дехқон маорифининг ғамини емасалар, кўчадаги баққоллар келиб, маорифимизга ёрдам бермайдурлар.

“Кезгучи”

“Туркистон”, 1924 йил 4 август № 321

ПИСЬМО ИЗЬ САМАРКАНДА

Ушбу мақолани газетингизда дарж этмоқингизи рижо этамиз.

Самарқандни бир неча ҳамиятманд миллат-параст хайриҳоҳ зотлари бир ерда жам бўлуб, маслаҳатлашиб ушбу Самарқандни муллоларини фойдаси учун бир адад китобхона очмоқ лозим эди. Токи баъзи бекитоб муллоларимиз, баъзи қашшоқ китоб олмоқға пули бўлмайин қудрати етмаган муллобаччаларимиз беистиҳола келиб китоб олиб бориб ўқуб нафъланиб юрсунлар деб ўзларидан қанча пул жамлаб, “Янги раста” деган обод жойдан бир адад маҳмул жойни ижарага олиб ва мазкур йилдан неча юз мужаллид китоб олиб китобхонаға қўюб, ушбу китобларни истаб келган муллобаччаларға bemalol бериб, бадъаз ўқуб тамом қилгандан боз келтургонини олмоқи ва яна ушбу китобхонани тозалаб, доимо очиб ўлтурмоқ учун бир адад муллобаччани ҳар ойға 11 сўмға сақлаб китобхонани барпо қилиб эдилар. Бинобарин ушбу хайриҳоҳ зотларимизни мундоғ ҳимматлариға раҳмат деб чин кўнгулдан бақо умр ва давлатларини ва доимо ушбу тариқа ҳимматда бўлуб мазкур кутубхонани давомига кўшиш қилмоқларини ҳазрат вожибул вуҷуд даргоҳидан таманно этамиз.

Лекин афсуски бизларни Самарқанд мардуми беилм бўлуб ушбу тариқа ишларни фаҳмиға бормайин баъзи авомуннос ва баъзи ағниёларимиз ушбу китобхонани ободлигиға кўшиш қилмайдурлар.

Ва яна муллоларимиз зарби Зайд, қатли Умар-ул олами ҳодисидан бўлак бул дунёни паст ва баландидан бехабардурлар. Ва ушбу тариқа китобхонани ва мактабларни ислоҳини ўзларини ва мардумни

зарари ва зааралик иш деб фаҳмлайдурлар ва ушбу китобхонадан келиб китоб олиб бориб ўқуб баъзи зотларға (бул китобхона муллоларни нафи учун бино бўлган. Қўлингиздан келганича тараққийсиға ва давомига кўшиш қилиб ала қадар алҳол холисоллоҳ қилиб, китобхонаға элтиб беринг, токи муллолар элтиб ўқусун. Сизға савоб бўладур) деб айтмайдурлар. Агарда муллоларимиз тариқа ваъз қилсалар албатта мардум китобхона муллолар нафи учун экан деб тараққийси учун кўшиш қилурлар. Бильякс муллолар мазкур китобхонанихона, фалонхона деюрлар. Ажабо, ажабо, буни не учун деюрлар. Зероки муллоларимизни истилоҳиға камзул ва калуш кийган киши бобий ва фирмма кийим кийса урус ва агарда камзул ва либосини фирмма қилиб ва этук кийуб ва попирус чакса наъузубиллоҳ бўлур эмиш. Ажабо, камзул ва ё калуш ва ё фирмма либос кийган билан урус ва ё муртад бўлурми ва мусулмончилик салла ва либосғами экан. Муллолар не учун мундоқ деюрлар. Азбаски китобхона раиси бўлган жаноб фазилатулмаоб Маҳмудхўжа афанди ва баъзи аъзоларни либоси фирмма бўлуб ва калуш кийган учун деюрлар. Агарда мазкур китобхона ва аъзолари ўн-ўн беш қулоч докадан катта имома қилиб аёлларни чодириға ўхшаш узун ва кенг шерозийлик тўн кийса ушбуни демайин сўнгра бўлак таъбир қилур эдилар. Уда жам бўлган пулни китобхонаға сарф қилмайин ўзлариға сарф қилурлар демоқлариидур. Ала айи ҳол бир айни қўядурлар. Хоҳ рост хоҳ ёлғон бўлсан. Чунончи, алҳолда муллоларни фикрича усули жадидаға (мусулмонлик дини иймони барҳақ дин эмас, бобийлик яхши. Мусулмонлар пайғамбар

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг «Ойина» журнали бор деюрлар — ёлғон сўз. Пайғамбар йўқ, фалон йўқ фалон йўқ деб) ўқитур экан. Усули жадидаға ўқуғон бола бобий ва кофур бўладур. Болаларингни берманглар деб айтадурлар. Оё бу сўзларни ростлигини ҳеч бирор фаросатлик киши бовар қилурми?

Хайр шул вақт муллоларға ўхшаш муфаттон сафолатпаноҳ бовар қилур, балки тақмия қиладур. Усули жадидаға ўқиладурғон китоблар қавоиди Куръон фарзи айн бад ал маорифки бинойи мусулмонийни баён қиласи. Ушбуларни ўқиган бола кофир бўлурми? Не учун мундоқ ифтиrolарни муллоларимиз деюрлар (бilmam). Магарда бир сўз бор. Уда муллоларни ва баъзи зотларни ... бориб устолларни ва болаларни устулға ўлтурууб ўқушини кўруб валлоҳ бу ўрусни мактаби деюрлар.

Хайр, на истасалар ва на десалар десун. Бизда бундоғ ёлғон сўзларға ишонмаюмиз албатта. Ҳақ ноҳақ бўлмаюр, агарда усули жадида мувофиқ шарит ва ҳақ бўлса, доимо доимо тараққийда бўлуб турадур. Мундан илгари замонлар ҳам бул воқеалар усули жадида учун Тотористон Истанбул ва Мисрға бўлуб эди. Ва қилғон оғу ва ифтиrolари бир-да асар қилмайин бос усули жадида жорий бўлуб эди. Ва бур ерда ҳам эмди навбат келди лекинда иқтидорли тужжор ва мўтабаронларимиздан илтимос шулки бу тариқа ифтиrolарни эътибор қилмайин муҳимман имкон мактабларни ислоҳи хусусан китобхонани тараққийсиға кўшиш қилсунлар токи ҳар не бўлса ҳам муллоларимизни илмиға ва таҳсиллариға қўб наф бўладир. Чунончи муллони бир китоб олмоқ ва тўрт беш сўм пул даркор бўлур. Агарда мазкур китобхонани вақф китобидан олиб бориб ўқиса ҳамда пулни таҳсилга сарф қилиб ва китоб вақф қилганни дуо қилсалар ажаб

Зайнабидин Абдирашидов, Нодира Эгамқурова

йўқки Худовандо икром ижобат қилур ва савоби азим топсалар керак.

Бинобарин токидан боз деюрман. Албатта алар қадрул ҳол китобхонаға китоб олиб вакф қилиб берсалар кўп яхши бўладур ва баъзи зотларға албатта ло-
зимдур.

(Юсуфзода)

“Туркистон вилоятининг газети”, 1910. №16

**«ПАДАРКУШ» ДРАМАСИГА ОИД
МАТЕРИАЛЛАР**

САМАРҚАНДДА ТИЁТР

Самарқанднинг ўзбек ва татар ёш ва тараққийпарварлари бир бўлуб, ўзбекча “Падаркуш” ва татарча “Олдадук ҳам олдандук” асарларини Самарқанд қироатхонаи исломияси нафъиға 1914 йил 15 январь оқшоминда Самарқандда саҳнада қўймоқчи бўлдилар ва ҳам ушбу ғайратлик ўзбек ва татарлар бирлашиб, Хўқанд ва Бухоро ва ўзга Туркистон шаҳарларинда миллий тиётрлар кўрсатмоқчидурларки, ният ва ғайратлари шоёни шукронадур. Идорага келган мактубларга қараганда, Хўқанд ва Тошканда ҳам “Падаркуш” фожиасини саҳнада қўймоқ учун машқ қилмоқда эмишлар. Агарда ғайратлик ёшлар миллий тиётрға ривож берсалар, яна бошқа асарларда тартиб ва нашр қилинур.

“Ойина”, 1914. №10.

САМАРҚАНДА ТИЁТР

15 январь чаҳоршанба

15 ушбу январь ойинда Самарқанд “Падаркуш” фожиаси ила “Олдадук ҳам олдандук” камидияси Самарқанд қироатхонаи исломияси фойдасиға самарқандий ўзбек ва татар ёшларининг ғайрати саҳнада ибрат учун қўюлмоги муқаррар бўлди. Рижисўри жаноб Қори Муҳаммадраҳим Тоҷиддинийдур. Баланд даражалик Самарқанд волийсидан муҳарриримиз рухсат ҳам олди. Энди муҳтарам ҳамشاҳарийларни қироатхона фойдаси учун белат олмоқлари ружудур.

Белатлар сотилур: Самарқанд қироатхонасинда, ва “Ойина” идорасинда, Сибирски бонқида жаноб Мирзо Абдураҳим афандия Маскӯв эски бонкида жаноб Қори Муҳаммадраҳим афандия ва муаллим Исматуллоҳ афандия ва жаноб Мулло Абдулқосим табиб дўконида ва жаноб Мулло Мардонқули Шоҳмуҳаммад ўғлиға, мударриса хонимда, жаноб Мирзо Шароф Камолуғ афандия, Русия қитъасинда магазин Абдушукуруғфа ва тиётр оқшоми тиётрда сотилур ҳамда тун бозорида ҳожи Абдулқодирға ва жаноб Бурнашуғда.

“Ойина”, 1914.№12.

ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ МИЛЛИЙ ТИЁТР

15 январъда “Падаркуш” фожиаси ила “Алдадук ҳам алдандук” воқеаси саҳнада қўйилди. “Падаркуш” фожиаси ниҳоятда яхши амалға қўйолгани ҳозир бўлганларнинг ҳар синфини розилигидан маълум эди. Ҳалқ ниҳоят кўб келиб, белат етмагани ва жойни йўқлиги учун уч-тўрт юз киши қайтиб кетди. Ибратхонани борлик ўрни 325 нафарға кифоя қиласарди. Яна 50 қадар ўрун ҳозирланган бўлса ҳам, кифоя этмади. Белатлар бир-икки кун аввал ёшларни ғайрати илан со-

тилиб тамом бўлуб эди. Баъзи кишилар белатларини икки баҳоға фойдаси илан бошқаға сотдилар. Соғат еттидан минглаб ҳалқ ибратхонаға ҳужум қилган, аммо белат йўқ. Уч сўм бериб, тикка турмоқға ҳам рози, яна ер йўқ. Ушбу жиҳатдан ибратхона мубошири муҳтарам хамشاҳарлардан узр хоҳлайдур. Азиз ҳамшаҳарийларни илтифотиға маъзуран яқин муддатга “Падаркуш”ни Эски шаҳарда саҳнада қўюлуб белат баҳоси ҳам арzon қилиниб мактаблар фойдасиға берилур. Энди ибратчиларни аҳволидан бир оз ёзмоқ керак. Фожиадаги энг катта рўл, яъни бой шахсиятини жаноб Абдуссалом Абдураҳим ўғли мукаммал суратда тақлид этди. Баайни бойни ўзи эрди. Хайруллони жаноб Аббосий тақлид этди. Домуллони жаноб Мардонқул Шоҳимардан ўғли ниҳоят викор ила тақлид этди. Ва аммо бир озгина суст эрдики, ҳақиқатда бу ҳам домуллолик хосиятидир. Бойбачани Язданқул Шоҳмуҳаммад ўғли яхши тақлид этди. Зиёлини жаноб Мирзо Нўмон мулло Фозил муфти ўғли тақлид этиб, маҳорат ила сўйларди. Фақат ҳаракати.....^{*234} оз эрди. Бойни хамбоза ва уйқуси ҳамда ҳаракатидан ихтиёрсиз ва фосиласиз куларди. Домулло ва зиёлини насиҳати ва нутқи халойиқни кўнглиға таъсир этарди. Ҳатто ваъз ва пандға йиғлаганлар бор эди. Хулоса, биринчи парда мофавқа маъмул яхши чиқди. Парда инар. Муҳтарам аҳоли шиддатлик олқиши ила чапак урар, олқар; хулоса бу парданинг натижаси кулгу ва ибрат, ҳатто маънавий йиғламоқ. Иккичи пардаға бойбача ва бўз болалар майхонада ҳаракати сафиҳонани у қадар тақлид этарларки, ҳар ким майхонадан нафрат этар ва аларни аҳволи разилонасиға ҳам кулар, ҳам тавба этар. Қабиҳа келтурмокға оқча йўқ. Имонсиз майхоначи 15 сўм истар. Оқча анқо хукмида. Охири бойбача ила бир қотил бой сандуқини урмоқ учун жўнайдурлар. Бу пардани муқаллидлари Язданқул

²³⁴ матнда шундай берилган.

ва жаноб Раҳимқул Мұхаммадсолиқ ўғли, Мирҳошим Мирраҳим ўғли, Мухиддин Жўрабой ўғлидурларки, ҳар бири мукаммалан ўз вазифасини жорий қиласарди. Рус, яхудий ва мусулмонлар таҳсин этарди. Ҳатто, 20 йилдан бери теётр маъмуриятиндаги одамлар таъриф қилурди. Фақат ўқийдургон абётлари номуносиб эди. Ушбу бадбахтилик манзарани парда ўрттар. Аҳолидаги олқишибратхонани гумбурлатур. Учинчи парда очилур. Бой уйқуда фарзанди ноҳалаф эшикларни очар. Оҳисталик ила муаллим шақоватига таълим этар, йўл кўрсатур. Ул ҳам кирап, сандуқни синдурмоқда ва бой уйғонур. Қотилға қараб калтак ила югурап. Шақий бойбача ва тарбиясиз фарзанд бойни орқасидан бориб, калтакни ушлар, токи рафиқи шақийсини урмасун. Бильъакс, қотил пичоқ ила бой қорниға ураг. Бечора бой тарбиясиз фарзанди сабаби ила ерға йиқилур, наъра ураг, жон узар, хириллар. Оҳ, бадбахт фарзанди ноҳалаф ота бошиға етди. Ҳамсоялари кирап, қотиллар тўппонча отиб, ғойиб бўлур. Бойбучани тақлид этган Абдулоҳ Бадриддин ўғли ўлук устиға ўзини отар. Саҳнада фарёду фифон. Бойни қашшоқ ва бенаво биродари кирап, ақлидан шошар. Аёл фарёду фифонда. Яна домулло ҳозир бўлур, аёлға тасалли берар, бой воқеасиға афсус этар. Аммо чи фойда? Бой ва рўзгори қурбони жаҳолат ва беилмлик бўлуб эдилар.

Занони бардор, эй, марди ҳушёр,
Ки дар вақти валодат мор зоянд.
Аз он беҳтар ки, наздик хирадманд,
Ки фарзандон ноҳамвон зоянд.

Бу фажеъ ва аламлик манзарани парда ёпар. Халқда ҳаддан зиёда таъсир, баъзи кишилар фожиадан кўз юмарлар. Бу парданинг тақлидлариға нуқс топа билмадик. Бойни биродарини тақлид этган жаноб Мұхаммадаминжон Ниёзий маҳоратини алоҳида ёзмоқға мажбур бўлдук.

4-манзара очилур. Майхораларнинг иккиси саргарм сафолат ўлтурас. Бир замон қотиллар келур. Боиси қулфати дину дунё бўлган бир халта оқча исмлик юзи қарони пири маъсиятлари бўлган Давлат зўр олдиға отар. У-да суюнар. Оlam ёнди, онг кабоби пишсун! Чилимлар, папируслар келур, кўша-кўша пивалар. Майхоначи – Артур – арманининг учгани, сакрагани шоёни томошадур. Сановсиз тангаларга эга бўлган майхоначи ва шогирди шавқу шаторатдадур. Энди қабиҳа кирап. Ана бўз болаларни куни туғулди. Ва ҳар нимарсани эсдан чиқаздилар. Мевалар, энг қимматлик шароблар келур, майхоначи-да бўз болаларға у қадар меҳрибон бўлдики, гўё ҳамаси шерикдур. Қарсак, ашула, базм, рақс: қабиҳа ўйнар. Ҳануз базмлари охирига етмаган эди. Хуштак садолари келар, беимон пўлислар етушди, бўз болалар асиру банди бўлдилар. Пристуф аларни ахтарди. Пичоқ ва тўппонча танга халтаси ила топилди. Яна зиёли ҳам қайдандир келди. Афсус ва ибратлик сўзлар сўйлайдур. Бойбача доимо йиглайдур. Аммо на фойда?

Отадан, онадан, Ватаңдан айрилдилар. Умри Сибир кетар. Мунга яна марҳум ота сабабдур. Гунаҳкор ва қотиллар боғланур. Ҳайда, марш турмаға. Ана падаркуш фожиасини хосили шундан иборат. Бир эмас 4-5 оила ва рўзгорни вайрон бўлушкини тасвир этар. Танаффус вақтларинда машхур самарқандий Ҳожи Абдулазиз афанди ижро хониш қиласарди. Мажлисдағиларға фожиа яхши таъсир бериб эди. Ҳатто, ибратхонадан чиқмай туруб, “Яна қачон қилурмиз?”, деб сўрайдурганлар кўп эди. “Падаркуш” рисоласини тили бир оз адабий ва ўзи қисқароқ эканлиги маълум бўлди. Пристуф таклидини татарлардан Аҳмаджон жаноблари қилиб, муваффақият ила ўткарди.

5-парда очилур. Бир татар магазинининг манзараси.

(Бақияси бўлур) “Ойина”, 1914, №14

САМАРҚАНДА ТИЁТР

Мобад 14 рақамдан

Парда очилур. Бир татар магазинини манзараси. Саводсиз нодон бир бой йиллик ҳисобини тарбиясиз ўғлидан талаб қилур. Ҳосили заардан бошқа нимарса йўқ. Бой куюб ёнар. Бул аснода чўпони келур. Кўй ва подаларни фалокатға учраганини сўйлар. Бой кайфсизлануб они ҳайдаб чиқарар. Татар фирибгарларидан бири закунчи бўлуб келиб матоҳларни алдаб олиб кетар. Чўпондан пристуфға арз қиласар. Пристуф чўпонни истинтоқ этар. Закунчи чўпонға ўргаттурки, сандан ҳар нарса сўралса қўйдек “маъра”. Аммо муни ўргатганим учун манга оқча берарсан. Чўпон пристуфни сўровидан “маъраб” алдаб қутулур. Закунчи чўпондан хизмат ҳаки сўрайдур. Чўпон закунчиға ҳам маъраб олдаб қутулур. Закунчи “олдадуқда олдандук” деб чекилур. Парда инар. Халойиқ олқишилайдур. Муни ўйнаган татарлар жаноб қори Мұхаммад Раҳим ва Абдулҳамид ва Искандар ва Аҳмаджон ва афандилардурки дуруст тақлид этарлар. Аммо Искандар ила Абдулҳамид афандиларни ниҳоят тез сўйлаганларидан ва асарни ичинда русчани кўбликидан халойиқ тушунолмай чиқиб кетмоқда эди. Бошқа бир кишини ўлтурунглар деб қичқиргони ила аҳоли ўлтурдилар.

Зотан татар биродарлар саҳнада ниҳоят тез сўйлайдурки, муни Туркистонда ва дохилий Русияда бир неча дафъа кўрулди ҳамда асарларда туркий ўринда русча иборатлар хейли қўшилгантур. Кафкоз турклари-нинг тили Туркистон саҳналаринда татарлар тилидан кўра яхши англашилур ҳам кафкоз мушаххислари турк ва руслардек дона-дона сўйлайдурлар. “Падаркуш”нинг самарқандий мушаххисларини яхши сўйлаганларини рус ҳамشاҳарийлар ҳам эътироф қилурлар.

“Ойина”, 1914, №15

МУНДАРИЖА

Издошлик масъулияти.....	3
XX асрнинг икки буюк интеллектуали: Маҳмудхўжа	
Беҳбудий ва Гаспринский	7
“Беҳбудия кутубхонаси”	29
“Нашриёти Беҳбудия”	34
“Ойина” – биринчи миллий журнал	36
Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ташқи даврий	
матбуотдаги публицистик фаолиятига бир назар	45
XX аср бошлари ўзбек вақтли матбуотининг	
ташқи даврий нашрлар билан алоқалари	59
“Ойина” журналида адабий муҳит	68
“Ойина” адабий материалларининг матний	
тадқиқи	94
XX аср бошлари вақтли матбуотидаги	
таржимачилик фаолиятига бир назар	102
Иловалар.....	109

Бадийи-публицистик нашр

**Зайнабидин АБДИРАШИДОВ
Нодира ЭГАМҚУЛОВА**

**МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ
«ОЙИНА» ЖУРНАЛИ**

Муҳаррир:
Дилноза Рустамова

Техник муҳаррир:
Акбаршоҳ Иноятов

Бадиий муҳаррир:
Василий Бурцев

“Muharrir nashriyoti”
Лицензия: АI № 309. 2017 йил 22 июн.

Теришга 2019 йил 22 апрелда берилди.
Босишига 2019 йил 27 сентябрда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 1/32 «PT Serif» гарнитурасида
оффсет босма усулида оффсет қозозида босилди.

5,13 шарт. б.т. 8,35 хисоб нашр. таб.
Адади 300 нусха. 115-сон буюртма.

“Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.
100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзеи,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru